

83.3

С-83

ПЕДАГОГИКАСИ" ТУРКУМИДАН

83.3/31

С-83

Соҳибқиғон сабоқлари



„O'QITUVCHI“

83.3454
c-83

СОҲИБҚИРОН САБОҚЛАРИ

Тузувчи — муаллиф
МАЛИҚ МУРОДОВ

Бух. ТИП и ЛП
БИБЛИОТЕКА
№ 68740

ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1996

Китобда Амир Темур ҳаётидан олинган лавҳалар, унинг ўгитлари, соҳибқирон сабоқлари орқали ҳозирги мустақил Узбекистон учун зарур бўлган маънавият; маърифат ва тарбия муаммолари хусусида фойдали фикрлар илгари сурилади. Айниқса, соҳибқирон ҳақидаги ривоят ва афсоналар илмий-тарбиявий жиҳатдан қимматлидир.

Қўлланма мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар:
ТУРҒУН ФАИЗИЕВ

Тарих фанлари номзоди,
F. O. ЖАЛОЛОВ
Филология фанлари доктори, профессор

C 83

Соҳибқирон сабоқлари / Тузувчи-муаллиф
М. Муродов.—Т.: Ўқитувчи, 1996.—168 б.

ББК 82.3Ўз+83.3Ўз1

M 4302000000—200
353(04)—96 175—96

(C) «Ўқитувчи» нашриёти, 1996

ISBN 5—645—02726—4

ДОСТОНЛАР — ОДОБНОМА ДАРСИ

Ўзбек анъанавий халқ әпоси, шу жумладан Амир Темур ҳақидаги достонларни том маънода халқ педагогикаси, одобнома дейиш мумкин. Жаҳон халқлари бадиий хазинасидан ўрин олган шоҳ асарлардан ҳеч бир қолишмайдиган ўзбек халқ анъанавий достонлари, шулар қатори Амир Темур ҳақидаги достонлар педагогик жиҳатдан ҳам диққат-эътиборга моликдир. Достонларда инсоннинг ахлоқий, жисмоний ва маънавий етуклиги, гузал суврат ва сийратлари атрофлича тараннум этилибгина қолмайди, балки шахс оилада, ҳаётда, жамоат орасида ахлоқий мукаммал бўлишга даъват этилади. Хусусан, «Равшан» достонидаги:

Отажон, жавоб бер, ёрга бораман,
Ёр дейману номус, орга бораман,—

каби байтларни қизил империя даврида битилган тарбияга оид аксарият китоблар бадиий қимматидан юқорироқ қўйиш мумкин. Бахши — шоирларимизнинг халқона фалсафаларига шу нуқтаи назардан тан бермоқ керак.

Ўзбек халқ достонларида асар қаҳрамонларининг дунёга келиши, ўсиб-улғайиши, бошларидан кечирган саргузаштларини баён қилиш жараёнида одоб-ахлоқ масалаларига ҳам қенг ўрин берилади. Қисқаси, инсон тарбияси, ахлоқий етуклиги достон айтувчисининг доимо диққат-эътиборида бўлади. Ибратли фазилатлар, хислатлар қандай бўлиши жераклиги ҳақида ўзига хос тарзда суз юритилади.

Шу уринда профессор Ҳоди Зарифнинг бир қайдини келтириш жоиздир: «Фозил — том маъноси билан халқ шоиридир. Фозил шоир ўз достонларида халқнинг озод ва қувноқ ҳаёт учун интилишларини, умид ва орзуларини фольклорга хос характерли бадиий ифодалар, пишиқ образлар билан гавдалантириб келди. У ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши ўткир ғазаб ва кескин нафратларни куйлади... Зулм ва ҳақсизликни йўқотиш, ҳақ ва адолатни тиклаш орзулари билан тўлган қушиқларни

тортинаасдан, мардларча күйлади. Кураш учун мард бўлмоқ лозим. У мардликка чақирди, дўстликни улуғлади, меҳнат, ҳунар ва маърифатнинг фазилатини, ватанга, халқقا жонкуяр бўлишни, ота-онага ва дўстларга меҳрибон бўлишни мақтади. Унинг «Алпомиш», «Ёдгор», «Ширин билан Шакар», «Муродхон», «Рустамхон», «Малика айёр», «Машриқо», «Интизор», «Балогардон», «Нураги», «Жаҳонгир», «Фарҳод ва Ширин» ва бошқа достонларида олижаноб инсонпарварлик ғоялари, халқнинг орзу-ҳаваслари ёрқин бадий образларда ифода этилади. Шунинг учун ҳам улар халқымиз орасида юқори баҳога сазовордир¹.

Устознинг юқоридаги сўзлари ўзбек халқ бахшилари, шу жумладан, оғзаки Темурнома яратувчиларининг барчасига, хусусан, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Рассоқ Қозоқбой ўғли, Умар Сафар ўғли, Қодир Раҳим ўғли, Қанҳор Қодир ўғли, Рузи бахши Қултўра ўғли, Чори бахши ва бошқалар ижодига ҳам тааллуқлидир.

* * *

Соҳибқирон боғомиз ҳақида достонлар кўп. Жумладан, «Амир Темур ва Боязид» достони икки буюк саркарда ҳаётини акс эттирилгани учун ҳам қадрлидир.

«Амир Темур ва Боязид» достонида бош қаҳрамон ҳамда бошқа персонажлар феъл-атворлари, хулқ-одобларини, инсоний фазилатларини кенгроқ очишда турлитуман нақл-ривоятлар, афсоналару халқона иборалар, мақоллар-у ҳикматлардан ҳам унумли ва уринли фойдаланилади. Мисоллар келтирамиз. Достонда айтилишича Боязид салтанатида жуда эҳтиёткорлик билан «Тобути Сакина» сандиги сақланади. Унинг сирини билиш, очиш ниҳоятда мароқлидир. Боязид ёбу сирли сандиқда катта бойлик мужассам деб билиб қанча уринмасин, уни очира олмайди. Чунки у—муъжизали сандиқ. Уни илоҳий кучлар фақат соҳибқирон Амир Темур очиши учунгина яратиб, асраб келганлар. Дарҳақиқат, сирли сандиқни Темур очади. Соҳибқирон биринчи қопқоқни очгандা Одам Атоғидоси, Мусонинг ѡлтин асоси, Юсуфнинг тилла жоми, Иброҳим ҳазрат кўйлаги, Идрис пайғамбар кафани, Нуҳ пайғамбар олмос тамғаси

¹ Ходи Зариф. Фозил шоир — машҳур достончи. Қаранг: Узбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. З-китоб, Тошкент, 1973, 14-бет.

каби ҳар бир пайғамбарнинг бирон буюмига дуч келади. Иккинчи қопқоқ очилганда эса Жамшид, Фарруҳ, Кайковус, Кайхисрав, Зод, Рустам, Афросиёб, Рўйинтур, Исфандиёр, Бахмон, Искандар ҳақида ёзилган хотира-лардан воқиф бўлади. Мозийда ўтган бу сиймолар Амир Темурни улуғ ишлар қилишга ундағина қолмайди, балки ҳаётнинг ўткинчилиги, ўткинчи ҳаётда инсониятга фақат яхшилик қилиб яшаш, бойликка, бебаҳо дунёга боғланиб қолмасликка чорлайдилар. Пири Баҳовиддин:

Бегуноҳни болам, зинҳор хўрлама,
Тоби йўқни Газо куни зўрлама,
Сопол чинни бўлмас, бегона ини
Гапга учуб таги шунқор йиглама,—

деб савоб, хайрли ишларга ундейди, хатоларга йўл қўй-масликни уқтиради.

Достоннинг биз учун аҳамиятли томонларидан яна бири — Боязид образининг ҳаққоний чизилишидир. Дарвоқе, Боязид қора бўёқларга чаплаб ташланмайди. Аксинча, авлиёсифат киши бўлгани, жанглардаги мислсиз жасорати, мардлиги, довюраклиги эътироф этилган ҳолда тасвирланади. Айни чоқда унинг табиатан қайсарлиги, ұжарлиги кўрсатилади. Феъл-авторидаги ана шу хислат-хусусиятлар туфайли Боязид кўп хатоларга йул қўяди, оғир вазиятларга тушиб қолади.

Аммо унинг мард ва жасур ўғли Шабли, гузал қизи Соғинчбону отасининг хатоларини туғри англаб етадилар. Шабли сулҳ тарафдори бўлганидан Темур ҳузурига бориб, жанг қилмаслик, халқ қонини беҳуда тўкишнинг олдини олиш чораларини излайди. Қисқаси, Темур, Шабли шунингдек, Соғинчбону, Султон Муҳаммад ва бошқа образларда туркий халқлар қон-қардошлиги, дўстлиги улуғланади¹. Шундай қилиб, соҳибқирон ҳақидаги нақл-ривоятлар, афсоналар каби «Темур ва Боязид» достони ҳам тарихимизни мукаммал билиш, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, қадриятларимизни англаш, ахлоқий маърифий, эстетик-руҳий тафаккуримизни ошириш, асосийси буюк бобокалонимиз ҳақидаги ҳақиқатни тиклаш, англашга хизмат қиласиди.

«Темур ва Боязид» достони ҳақидаги мухтасаргина

¹ Узбек халқ донишмандлик сабоқлари. Тошкент, 1993, 79-бет.

шарқимизга нуқта құяр эканміз, ундағи одаб-ахлоққа оид үринлардан баъзи бирлари билан үқувчиларни та-ништириш учун үзимизда мажбурият ҳис қилдік. Маз-кур парчалар Қаҳжор Раҳим үғлидан ёзиб олинган.

* * *

Достонимни буюк қаҳрамони узбек халқининг енгил-мас саркардаси, жаҳонни ларзага келтирған жаҳонгир ҳамда соҳибқириң барлос Амир Темур иби Тарагай ба-ходир руҳларига сұянған ҳолда баҳоли құдрат достон номини «Темур ва Боязид» деб қомлаб тұқсон олти боб-ли, узбек халқига Темур номини құрматловчи барча жондош, қардош халқларға күйлашни үзимнинг бурчым деб ҳис қилдім. Эши тувшыларға яратған сабр-тоқат, имон-әзтиқод, күйловчига эса жүч, жарангдор соз ва овоз атқа қылсЫн. Пирлар мададкор булсЫн. Омин.

Алқисса, осмоннинг остида, ернинг устида, Ургут төвнинг пастида Бухородай азим шаҳарнинг пастида жаҳонга машхур жумлай макон, ҳайратда жаҳон, таъзимда Палопон, келған савдогар бир кеча булиб кетар меҳмон, номи Самарқанд, чегарасини айтсак: пасти Фарғонаю Андижон, яна Марғилон, кун ботмиш Эрон, ёнбоши Турон, атрофи Исфихаён ва улис фижаҳон, кун чиқиши ойнайи жаҳон, Покистон билан Ҳиндистон, бу ёғи Хурасан, Каспийдан нарёғи Гуржистон, бу эл улуснинг яшашы күп жойлардан осон, шундай бир катта құдратли давлат бор булиб, пойтахтини азим Самарқанд деб атар эди. Азим Самарқандда барлослар, саройлар, манғитлар, тоғ томонларида құпроқ құнғиротлар яшар, халқи ҳунармандчылық, паст текисликларида ғаллачилик билан шуғулланар, шаҳарнинг ҳавоси тоза, одамларига роса маза, булут билан бүйлашған қасрлар, юлдуз билан сүйлашған миноралар, шаҳарнинг күркини үн чандон ошириб, ойга күз-күз қылған. Мана шундай құдратли давлатта барлос Тарагайнинг үғли, соҳибқириң, енгилмас баҳодир Амир Темур подшо булиб, адолатни ва ҳақиқатни құтлуғ билиб, салтанатни одиллик билан бошқармоқда эди.

Амир Темур қандай одам эди. У шундай баҳодир инсон, ёши олтмишни қоралаган, соқолига беҳишт ора-лаган, алдоқчини, фириғарни сұзы билан яралаган, айтған сұзы бир, күзи үткір, буйи урта, мурти бўрта, бургут қобоқ, шер юрак, қоплон билак, гавдаси кенгиш, мардга сұзы беҳишт, ёши урта эди, хурак тиши болта

эди, ҳар бир урти халта эди, бунга ёмонлик қилганинг умри калта эди. Ҳарбий иш билан ўйнар, даингасини қийнар, лекин овқат еганда ўн саккиз қадоқ майизни чайнар эди. Кўкрагининг хаври тандир эди, гарданинг ости чандир эди, мабодо чандирни суғуриб олиб, туянинг белини тортса белига етадиган камдир эди. Зарбаси душманга етган, қиличини зарб билан урса пўлатга тўрт энли ботган, кимсан Амир Темур бўлиб номи жаҳонга тарқаб кетган эди...

Саройда Темурнинг беш минг номдори, ўнг минг сардори, қирқ минг амалдори, қирқ беш минг хизматкори, ўнг минг жиловдори, ўн беш минг полвони, етти минг мадрасаси ва яна шунча мулласи, қирқ минг мусофирихонаси, олтмиш минг кутубхонаси, сакенон қўрғони, ўттиз минг қирағай мергани, Богои шамол, Богои ҳилол, Богои беҳишт, Богои жаннат, Богои чаман деган қирқта боби. Самарқандга соя 'бериб турадиган Ургут деган кун чиқишида катта тоғи бор эди.

Алқисса, кунлардан юир куни, Амир Темур мулоzим, бекларини, амалдор билимдонларини саройга чорлади. Аркда катта мажлис булди. Мажлиснинг сабаби шоҳ отаси барлос Тарағайнинг руҳини хотирлаб, қурбон ҳайитда сарой аҳлига қурбонлик қилди. Сўнгра Темуршоҳ ютасининг ва жамики марҳум муслимларни руҳига бағишилаб, эшони Валихонга қуръон тиловат қилдирди. Дуодан сўнг Темур тарихисини чақириб: Қани шунча йил подшо бўлдим. Тарихга қараб иш тутмоқ келажакдаги хатоларни камайтиради. Шу боис менинг тарихимга назар ташла. Мендан қандай адолатсизлик ўтибди,— деди. Шунда тарихчи мўқоваланмаган қўллёзма китобга ёзган жумлаларини ўқий бошлади:

Зулм тушса полвон товлар бузилар,
Қайғу солсанг осмондан ёй узилар
Ҳақиқат деб юрдик сизу бизлар
Шу кунгача шундай бўлди амирим!

Яшин тушса пўлатлар ҳам эрийди,
Улим берсанг ҳул ёғочлар қурийди
Марднинг сўзи доим элга корийди
Шу кунгача шундай бўлди амирим!

Донони ҳамиша улуғлар жаҳон,
Ёмонлик йўлига кирди Бадахшон,
Ёвузлик йўқолди сизга шараф-шон,
Ушбу жангда шундай бўлди амирим!

Худо берсин, ҳар йигитнинг бахтини
Бек Ҳусайн бузди қилган аҳдини,
Шунда Амир миңди унинг таҳтини,
Ҳақиқатни ўйладингиз амирим!

Мард йигитни майиб қилгай хатолар,
Доно мардум жангда йўлин туталар,
Бир томондан бош кутариб Жаталар,
Бошин эгиб таъзим қилди Амирим!

Ёмон йигит эл шурига туғилар
Ҳаддан ошса халқ қаҳридан бүғилар,
Отаси ул бўлса элга элчилар,
Хоразмда шундай бўлди Амирим!

Қувондингиз Хонзоданинг 'бўйидан —
Олиб келиб Хоразмдай жойидан,
Ҳамма тўйди жаҳонгирнинг тўйидан,
Конигилда шундай булди Амирим!

Жаттага тўрт мӯғулга беш юрдингиз,
Бузмакорнинг доим шурин бердингиз,
Ота бўлиб фарзанд доғин кўрдингиз,
Жаҳонгирда шундай булди Амирим!

Ота туриб олдида ул ўлмасин,
Фарзанд ўлса изда ота юрмасин,
Бундай золимликни инсон кўрмасин
Қилиғини ўйлаб қўяр Амирим!

Содда одам фирибгарга кўп емиш,
Ганга юрса ҳар қадами бол, кишиш
Отажон деб Сизга желди Тухтамиш
Фирибгарни тек қилдингиз Амирим!

Тўйган эшак эгасини тепади,
Орпа берма оч бўридай чопади,
Шуни билинг ит ҳам тўйса қопади,
Тухтамиш ҳам шундай булди Амирим!

Йигит ўлса дунё булар қиёмат,
Туғилса гар жаҳон кулар ҳуррам, шод,
Элга қувват булди султон Муҳаммад
Набирангиз қутлуғ бўлсин Амирим!

Фарзандлар туғилиб шодлик этилди,
Ёмоннинг доимо фиқри сүтилди,
Куп құрғон, күп давлат фатҳ этилди,
Кимга келиб шод бўлдингиз Амирим!

Бу ёғи Ҳурносон ҳамда Ҳиротни
Нишондур, Сейистон боринг Эронни
Астробод шаҳари, Табриз қўрғони
Бирин-кетин чаман булди Амирим.

Мовароуннаҳр тоғ каби юксалди,
Мўғулнинг қочишдан юраги толди,
Лекин Самарқандда бир армон қолди,
Рухсат бўлса шуни айтай Амирим!

Азобли танага тонглар ётарму
Марҳамсиз яралар тезда битарму
Гуржилар қўлида ислом ётарму
Мусулмонлар асири ётар Амирим!

Тойларни, қулунни от айласангиз,
Фанимлар кунглини дод айласангиз,
Асиirlар қалбини шод айласангиз,
Қолган тарихингиз юлтин Амирим!

Алқисса, шунда жами беклар тарихчи Фосиҳ Хаво-
фий сўзларига ва Амирнинг ғолиб юришларига оғарин-
лар айтиб қутладилар. Темуршоҳ ҳазратларига худодан
яна чексиз куч-қудрат тиладилар. Мовароуннаҳр мўғул-
лар истилосидан батамом қутулганига ва Темур сал-
танатининг бутун Турон бўйлаб кенг қулоч очаётганли-
гига ҳамду санолар ўқидилар. Бахшилар бу мажлисда
ёниб куйладилар, гурунг анча авжига чиқди. Амирнинг
руҳсати билан ҳамма ўз гўшасига тарқалди. Амир со-
қибқирон туржилар қўлида ётган мусулмонларни ўйлаб,
бекларнинг бу кечада бирор маслаҳат бермай тарқал-
танигини әслаб анча маҳал уйқуси келмади. Тонгга
яқин Амирнинг қузи илинди. Бироздан сўнг тушида ота
пири Баҳовиддин намоён булди. Лекин пирининг қово-
ғи осиқ, қўзлари ҳуморланган, юзлари, салки тушган
ҳолда ёсекин желиб, Амирнинг ўнг елкасига унг қулини
қўйиб «Темуршоҳ! Сенга фақат худодан мадад тилай-
ман. Оллоҳ ёринг бўлсин», деб юзини фалакка бурди,
анча маҳал зикр қилиб турди. Амирга қараб бир кул-
ди-да, фойибга юрди. Амир уйқусидан чориллаб уйғонди,

жувион сонига қарсиллатиб бир урди. Эрталаб пири Ба-
ховиддин ҳазратларини ёд олиб икки ракат бомдод но-
мозини үқиди. Нонуштадан сүнг барча бекларини сал-
танатга жамлади. Ўртага гуржилар қулида ётган мусулмонларни озод қилиш масаласини қўйиб, бекларидан
фикр олди. Ҳамма мусулмонларни озод қилишига кели-
шиб амирнинг фармонини кутди. Шунда Амир масла-
ҳатчи вазири Иноқтоз Қиморийга юзланиб ушбу олий
фармонни тайёрлашни буюрди.

Тош қилса қулида қудратли Жаббор,
Еронлар иймонда билсанг кўп гап бор,
Иноқтоз сўзимни биткир фармонга,
Сизларга айтмоққа шундай арзим бор.

Элчилар сайлансин одам юхундан,
Бир мисқол тоймасин мусулмон диндан
Одам деган бир келади дунёга
Фам тушганга кенг дунё тор зиндон.

Яхши отни филқол сайлааб беринглар,
Жунагунча дуода буб туриングлар,
Инсон зоти бир туғилар онадан
Ками — кейигини созлаб қўринглар.

Кўрқоқ одам бир кунда минг үлади,
Хаёлпараст ўйлай-ўйлай сўлади.
Эсон бориб келсин Гуржи элига,
Ой нечадан билинг қўниш беради.

Гуржи шоҳи ёмонликни тайласин,
Асир ётганларни озод айласин.
Иўл азоби, гуржилар
Турон юрса бурон булар ўйласин.

Душман курса ғанимига қаст бўлсин,
Фалабадан эл-улуси маст бўлсин,
Мусулмонни озод қилса гуржилар,
Қариндошдай Турон билан дўст бўлсин,—

деб фармони олийни ҳозирлади. Шерюрак йигитлардан
ун нафарини Иноқтоз сайлааб олиб уларга ўғли Ҳумо-
рийни бош қилиб Гуржистон музофотига юборди. Са-
марқандда осойишталик, тинч, тотувлик билан тонглар
отиб, кунлар ботиб ўтаберди...

* * *

Амирнинг пири Баҳовиддин ҳазратлари шаҳар дарвозасида намоён булиб Темуршоҳни кузатиб, «Оллоҳ ёринг бўлсин, қирқ чилтон мададкоринг бўлсин»,— деб дуо бериб жўнатаётган жойи:

Темур болам, темир бўлсин юрагинг,
Ургут товдай баланд бўлсин кўкрагинг,
Оҳ десанг оғзингдан олов отилар
Шуни билгин элга бордир керагинг.

Яхшилар дер насиҳатда бор ҳаёт,
Бўлиб утмай тўқилмайди ривоят,
Худойимни доим эсла, фарзандим,
Ҳамма жойда иш беради ҳар оят.

Қирқ чилтон, пайғамбар бўлсин йўлдошинг,
Бекларнинг ичидан чиқсин сирдошинг,
АЗИЗ авлиёни ёддан чиқарма
Яхши тулпор минсанг бўлар белдошинг.

Отанг арвохини доим қилгин ёд,
Йулингни борлаб бос, кейин дема дод,
Ғанимни ӯзингга сира teng билма,
Зафарда манманлик қилмагил минбад.

Отанг марддири, болам, марднинг ишин қил,
Ҳар бир сўзни доноликда яшин қил,
Йўлдан илашганга берма сирингни,
Сайлаб-сайлаб мард йигитдан қўшин қил.

Бегуноҳни, болам, зинҳор хурлама,
Тоби йўқни ғазо куни зўрлама
Сопол чинни бўлмас, бегони ини
Гапга учуб тафи шунқор жарлама.

Доно бўлсанг доим бўлай ҳамироӣ,
Ёмон юрсанг мен бўлмасман ҳойнаҳой,
Расулни ҳақ дегин, худони ёлғиз,
Мард йигитга пир юради пойма-пой.

Юртни олсанг элда қолсин олтин зар
Уз юртини сотар билсанг бадкирдор,
Ой бориб, омонда келсин фарзандим,
Худо ёринг бўлсин оллоҳу-акбар!..

* * *

Чол Сангул опанинг бор дардини эшитиб, кунглини кутариб, насиҳат айлаб далда бераётган жойи:

Ғам тушганда минг тулпорнинг устига,
Дардинг кетар шунда отнинг юстига.
Шамол тегиб юрагингни бўшатар,
Қув баданинг бўшар отнинг шаштига.

От чарчаса унга қамчи ботмайди,
Қистасанг-да, хутиқдан ҳам ўтмайди.
Товдан оғир бўлар ғамнинг ташвиши,
Сабаб бўлмай одамдан дард кетмайди.

Беватанни курсанг ҳаргиз оқлама,
Бемуродни рӯзғорингга сақлама,
Икковидан чиқар дўзахнинг саси,
Бундайларни Сангул сира ёқлама.

Яхшилик қиб Сангул отгин дарёга,
Қалбингни оч худо сочган зиёга.
Ё балиқдан, ё ҳолиқдан қайтади,
Ёмон уруғларни сочма дунёга.

Той чопса-да, ундан эшақ ўтмаган,
Илон ўтса уни ғажир ютмаган,
Давлатингдан хабар берай Сангулжон,
Зуриёдинг ер қаърига кетмаган.

Оғриқ тушса юрмас эшак чопилар,
Ит қутурса әгаси ҳам қопилар,
Бир худодан тила Сангул болангни,
Доно булсанг юрак мойинг топилар.

Бу дунёда шоҳу гадо баробар,
Кетар кунинг душман бўлар олгин зар,
Сангул сингил кенгроқ тутгин феълингни,
Ҳали обод булар Румдай кирдикор.

Сулув қизлар тиклаб ойни шоширап,
Ёки мақтаб ойни ерга туширап,
Бир худога йиғла Сангул сингилжон,
Келин келиб ғаминг товдан оширап...

* * *

... Амир Темур Султон Мұҳаммадни ... зафарға чор-
лаётган жойи:

Тоғлар бүкчаяди белдан айрилса,
Тулпорлар йиқилар тошдан айрилса,
Ватанинг эсингга тушибди, болам,
Паҳлавон йиғлайды күчдан қайрилса.

Чиллада мағст бўри излар томоқни,
Аввалдан ўйламоқ керак бермоқни,
Самарқанд ишқига ҳушинг маҳлиё,
Бир куни гашти бор шундай юрмоқни.

Чехрангда барқ урар энангнинг сути,
Минг дардта даъводир чаманинг ўти.
Жаннатдан зиёда куринар болам,
Янтоқли бўлса-да, хар кимнинг юрти.

Меҳнатсиз тотли ібол кимга норийди,
Яхши ул элини ёвдан қўрийди,
Ор билан орланиб чиқдик, султоним,
Ёмон ит челяқдан сувга сорийди.

Еруғлик яхшилик дегани болам,
Оловдай қовурап одамни алам,
Дилингни пок сақла, эгма бошингни,
Шунда мунавардир тор бўлса олам.

Иймонинг доимо бўлсин йўлдошинг,
Эътиқод дилингда ҳар дам белдошинг,
Рост сўзлаб гапиргин, болам сўзингни,
Наҳоқ эгилмасин бир лаҳза бошинг.

Мард билан номарднинг фарқини билгин,
Яхшининг бир умр меҳнатин қилгин,
Мұҳаммад умматим десин бандасин,
Болам тўкилмагин, ҳамиша тўлгин.

Фаридни қутқаздик чак азобидан
Тарихни бошладик янги бобидан,
Киличдан, наизадан қўрқма шунқорим.
Фақат қўрқ отанинг чин ғазабидан...

* * *

Темурбек эрка нағириаси Султон Мұхаммадға ғап солди. Юрагида севги ишқи ёнаётган бу йигіг бир күн ҳам бұлса Гуржистонда қолиш ёки ҳушида Соғинчбонунинг жамолини ібір қуриш ниятини ғобосига айттолмай, тусмалдан бир иккі сұз айтиб, навбатини үтказмоқчи булиб, Фузало бекларга қарағ бир сұз айтди:

Фарзанд бұлар мәрд йигитнинг давлати,
Күнгли туқнинг баланд келар ғайрати,
Улуғларим бир пас мени кечирсін,
Күп бұлади мусулмоннинг одати.

Сепи келса элнинг түйи тұхтайди,
От жомнаса жім тулпорні қыстайди,
Доно улус бир пас тингланг сүзимни,
Бир нарсага менинг күнглім оқсайди.

Сешанба кун күплар чиқмас сафарга,
Ағар кетса үзин қүյар хатарга,
Мен гуноұқор ғандасини кечирсін,
Юрса бұлар бир-бир ой кун ботарга.

Жұма куни мусулмонлар дам өлар,
Юлдуз ғүнгілаб чиқмай күплар чайқалар
Күн чиқишиңа юриш учун бир ой бөр,
Ағар кетсак сизу биздан вой қолар.

Йүлинг очиқ саҳар құрсанг бүрини,
Пешин күрсанг тұлқи өлар ёрингни.
Етти күн ҳам бир худонинг кунидир.
Иримкашлар тенг билмайди борини.

Бир ойдан сұнг келар баҳор ойлари,
Жала қойса селга тұлар сойлари,
Гуржистон қам бир жаннатнинг гуридір,
Бизга маъқул келди гүзал жойлари.

Вақти қелса жемтик ойлар тұлмайми,
Қуёш ботса ерга соя солмайми.
Қолған гаплар улуғларға ҳавола,
Узоқ йұлға салқын кетсак бүлмайми.

* * *

Элчилар кетгандан кейин Төмурбек Мұхаммадні олиб қолиб, «Кел болам, бир ҳикоят айлайин»— деб ҳикоятни бошлади: «Искандар бутун оламни олди, ҳамма юрт Искандарға бож, хирожини тұлаб турди. Кейин у мангу яшаши хохлаб колди ва бутун оламга жарчи қўйди. Қимда-ким мангу яшаши йўлини топса, бисотидаги хазинамнинг учдан бир қисмини бераман, дунёнинг бир қисмига ҳоким бўлади, деб қичқирди. Шунда бир йигит ота юртдан келиб, «Умр деган катта тоғда Обизамзам деган чашма сув бор, шундан иссангиз минг йил яшайсиз», деб ишонч билдириди. Кейин Искандар забардаст ва паҳлавон йигитлардан қирқтасини олиб, уч йиллик йўлга кўп дунёни бойлаਬ белга, жўнади тубсиз фўлга, Исфихонлари ярқиллаб қўлга, келган йигитни бошлаб чиқиб йўлга, «бисмилло»ни муҳрлаб тилга Умр тоғига жўнаб кетди. Алқисса, қанча машаққатлар билан етиб борди. Чашма чангальзор, танг кўп бузук жойда жойлашган экан. Оби-замзам сув шундай тиник, шундай оқ эканки, ҳатто сувга қараган одамнинг юрагида нима борлигини кўрсатар экан. Искандар чашманинг атрофига разм солса, одамга ӯшшаган жонзодлар ҳар питанинг остида бүкчайиб ётар, соч-соқоллар ўсиб, бутун баданини босиб, ётган жойлари сасиб ётганларни куриб, шундай махлуқ қилиб яратмагани учун худога минг шукронга айтиб чашмага етиб борди. Ва қўлига кўзани олиб, сувга тўлдириб, иштаҳа билан симирмоқчи бўлиб бошига қутарди. Шу пайт катта ҳарсанг тошни остида ётган одам сифат жонзод Искандарга қараб:

«Мени десанг замзам сувдан ичма дейман Искандар»,— деб қичқираётган жойи экан:

Даври келиб миндик тахтнинг устига,
Кўчар бўлсак агар гапнинг ростиға,
Дучор булдик айролиқнинг дастиға
Яхшиларга заҳринг сочма Искандар.

Даврон сурдим париларни жийдириб,
Олиб ётдим қалбим нурга тўлдириб,
Ўйнаб-кулдим фарзандларни кулдириб,
Боланг учун кафан бичма Искандар.

Ерга сингиб ётганлар ҳам одамдир,
Мажруҳ қилди қўлингдаги шу Жонлар.

Ортда қолди элда сурган давронлар,
Заңар учун оғзинг очма Искандар.

Әтганима саккиз аср үтганди,
Күз олдимда фарзандларим кетганди.
Набирамни ҳатто үлим ютганди,
Тенгу түшдан зинҳор кечма Искандар.

Ичганимда күнглим гулдай шод булди,
Охир келиб оқыбатим дод булди,
Етти пуштим ўтмай мендан ёт булди,
Енганингда тутаб үчма Искандар.

Күз олдимда авлодларим қолмади,
Суҳбатдошга бир тенгқурим бўлмади,
Юртга борсам ҳеч танишим жемади,
Элу юртдан сира қочма Искандар.

Бу ётганлар элда сурган давронни,
Сувдан ичиб энди қилар армонни,
Ол, деб йиғлар, худо олмайди жонни
Бизлар учун меҳринг ичма Искандар.

Ҳар банданинг тенги булсин эканда,
Тенги билан ўйнаб кулсин эканда,
Тенги йўқлар олдин ўлсин эканда,
Дўстинг ташлағ сира жўчма Искандар.

Танишлар йўқ юртдан келдик уюлиб,
Харсанг тошга йиғлайлик-да суюлиб,
Энди ўлсам лошим қолар жойланиб,
Нафсинг учун қабинг кўчма Искандар.

Ота бўлсанг фарзанд қолсин кейнингда,
Падарим деб жавоб қилсин ийнингда.
Тоғдай армонларни овдар бўйингдан,
Мени десанг сувдан ичма Искандар.

Шунда Искандар диққат билан разм солса, тупроққа
жорилиб қибирдаб ётганинг бари инсон. Энди билса
бари обизамзам сувидан ичган, кўз олдида ҳамма оға-
йин қариндошини, фарзандларини ўлдириб, бир ўзи
қозиқдай дунёдан кечган, охири юртида ҳеч кими қол-
магандан кейин тенги-туши йўқ, ёшлардан уялиб бу ёқ-
қа қараб кўчган, бири-бирига гапи ёқмай ётган экан-да,

деб кузата бошлади. Ҳаммаси дўстман булиб, Искандарга қарай олмай, «ичма, ичма!» деб ялина бошладилар. Сўнгра Искандар: «Қари билганди пари билмайди» деган гап бор. Фарзандларимдан ажраб бир ўзим яшагандан қура ўз вақтида кетганим маъқул әкан-да», — деб қўзани суви билан отди, куза бир арча ниҳолнинг устига етди, зарбидан икки бўлиниб кетди, суви эса арчанинг томирига етди. Бир қарға ҳам айланниб учиб юрибди, у ҳам ростлаб уча солиб бир ютди. Шундан бери арча билан қарға минг йил яшаб кетди. Искандар йигитлари билан қайтиб юргига етди». Шундай қилиб, набирам Муҳаммад дунёда шундай доно султонлар ўтди. Мен ҳам бир куни ҳаётдан кетарман, лекин бутун борлиғимни сенга тутарман. Сен ҳам Искандар қаби доно, фозил инсон бўлгин.

* * *

Темурбек набирасига:

«Кўнглим сенинг маслаҳатингга бир юмшади. Кел-э, болам, сенга бир насиҳат айлайнин», — деб сўзлаётган жойи:

Агар билсанг дунё ўтар бошмабош,
Фам ғушганда қўздан оқар селоб ёш,
Онани ой билгин, отани қуёш
Отанг турган тошининг устига чиқма.

Ёшлиқда ҳар кунинг ўтар мастона,
Ҳар бир дақиқалар битта достона.
Отанг аэиз бўлса, онанг остона,
Остона тошининг бағрига чиқма.

Донолар ишини доим зўр қилар,
Яхши фарзанд онасини ҳур қилар,
Нонни ҳор қилмагин, қўзинг кўр қилар,
Буғдой донасининг устига чиқма.

Беморни кўрганда ҳолини сўра,
Мард бўлсанг ғарибнинг қунига яра,
Сафарга жўнасанг отинга қара,
Пўлдошинг синамай сафарга чиқма.

Бир хилга қуринсанг хандон қулади,
Қўзинг пана бўлса ғийбат қилади,

Сириңни билдирсанг бетга солади,
Бемурод инсоннинг олдига чиқма.

Ҳоварга сочмагин олтин-зарингни,
Дўстларга ҳарф қилгин ҳарна борингни,
Бесабаб ҳўрлама севган ёрингни
Ёрингни ёмон деб кўчага чиқма.

Ҳамсоя ранжиса фикр жетди де,
Сирларим фош бўлиб элга етди де,
Менга зулмини тошдай отди де,
Ҳамсоянг бақирса қошига чиқма.

Ҳар инсон туғилиб пушмон бўлмасин,
Қорага ётсин-да, эрга ўлмасин,
Сен учун бироннинг гули сўлмасин,
Ҳеч қачон зулмни устига чиқма.

Ҳар бир ҳаракатнинг вақти бўлади,
Сабрнинг олтиндан тахти бўлади,
Моҳир созанданинг сахти бўлади,
Хунарни билмасдан майдонга чиқма.

Инсонни хурлама қадрини бил,
Яхшилар хизматин бир умрга қил,
Ёмоннинг бағрини фикринг билан тил,
Шайтонга ушланиб қўлига чиқма.

Миннатли ошни бил заҳардан ёмон,
Заҳарни еганлар қолмагай омон,
Ёмоннинг желиши яшиндай ёмон,
Бош эгиб, шунқорим, даврадан чиқма.

— Мұҳаммад болам,— деди Амир Темур, миннатли ош, миннатли иш, миннатли яхшилик азроилдан минг марта ёмон. Мана сенга бир ҳикоят. Кунлардан бир куни бир авлюди Сайийд эшон катта яйловга, муридлари-никига меҳмонга келибди. Шу жойнинг бойи «Эшоним, пирим» деб эшонга жобувланган бир тия назр қилибди. Бошқалар ҳам топганини эшонга назр бера бошлабди. Шунда бир камбағал эшонга бир чут назр қилса, ҳалиги эшон камбағалга чин меҳр билан узундан-узоқ дуо қилибди. Буни куриб турган бой: «Мен тия назр қилсам ҳам эшон менга икки сурани ўқиб дуо берди. Бу камба-

ғалнинг арзимас чўтига узоқ дуо қилди»,— деб кўнглидан ўтказибди. Ҳамма уй-уйига тарқалиби. Шунда бой эшонга ўз фикрини баён қилса, эшон: «Бўлмаса чутни туюнинг устига қўйиб, уни жойидан турғиз» дебди. Ҳамма айтганлари бажарилиби. Туя жойидан турмоқчи булиб, қаттиқ бир ҳаракат қилган экан, бели синиб кетибди. Бой ҳайрон қолиб ёқа ушлабди. Шунда эшон: «Кўрдингми бой, камбағал чутни соф юраги билан назр қилди, сен эса туюнгни назр қилганингни менга миннат қилдинг.

Миннат қилган туюнгнинг қуввати бир чутни кўтара олмади», деб чутни олиб, эшон бойнинг уийидан жунаб кетди. Бой эса аҳмоқлигини билиб жуда ҳам уятга ботиб қолаверибди». Кўрдингми Муҳаммад, миннат қанчалар ёмон. Шунинг учун қилган ишингни бирорга миннат қилма ва бирор сенга ёрдамини миннат қилса ўзингдан узоқлаштири...

* * *

«Темур ва Боязид» достонида Темур ёши улғайган донишманд, қўп жангларни кўрган қурқмас саркарда, қудратли давлат барпо этган улуғ шоҳ қиёфасида нағоён булади. У ўз дардларини кўпроқ Султон Муҳаммад билан баҳам кўради, уни ғузига ворис сифатида камолга етказа боради. Шусабабли «Ул бошқа тўл бошқа. Менинг бойликларим ва тож-тахтим кучи билан гирди капалак бўлаётган фарзандлар ул эмас, тўлдир»— деб изтирооб чекади. Искандар ҳақидаги ривоятни айтиб набирасига ўз умрининг кам қолаётганини эслатиб қўяди. Темур Султон Муҳаммад билан ҳар бир сухбатда донишманд бобо тарзида насиҳат қиласди, бир эзгулик уруғини қалбига қадайди.

Бу пандномалар ҳаётининг аччиқ-чучугини, яхши-ёмонини бошдан кечирган, ўз авлодларининг келажаги учун кайғурувчи донишманд бобо сабокларидир. Улар Амир Темурнинг ақл-заковати, тафаккури, ўз халқининг ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашларини мукаммал билган инсон булганлигини журсатади.

СОҲИБҚИРОННИНГ ТУФИЛИШИ (Достон)

(Ахлоқ-одоб мавзусидаги бу достон ўқитувчи — баҳши Рӯзи баҳии Қўлтира ўғлидан ёзиг олинган)

Бу дунёда нима қуп — мамлакат күп, нима кўп ҳар мамлакатда турлиқ-туман элат күп. Бу дунёниг бор ҳазинаси бир кишига кўплик қиласи, икки кишига озлик қиласи. Бу дунёниг иши тойталашдири, нечовлар хурсанду, нечовлар ғашдири. Шу сабабдан Фоний дунёниг кирдикорлари қулдан-қулга ўтаберади, бир хиллари сураган юртини гуллатаберади, бир хиллари обод жойни вайрон қилиб элу ҳалқнинг юрақ-бағрин сутаберади, бир куни ундан ҳам давру даврон ўтаберади. Бу эски дунё мисли аждардай аста-секин навбат билан авраб дамила торта беради, куни тўлган ўзи тўйса ҳам қўзи тўймай чин дунёга кетаберади. Охир оқибати бир газлик жой эканини билмай, ҳукмдорлик вақтида ҳеч кимни кузга илмай, такаббурлар такаббурлигидан қолмай, фақиру фуқарога яхши назарин солмай, охир бир кун бир мискин билан бир уюм тупроқ бўлганда баравар бўлишини билмай ўтиб бора беради.

Кел, думбирам, сени қулга ушлайин,
Қушиқ айтиб эл кўнглини хушлайин,
Мен эгангга илҳом берсанг сумбул соз
Темур достонини энди бошлайн.

Уни курса шоҳлар юрган пиёда,
Элдан эди зуваласи зиёда.
Соҳибқирон Темур ўтди юрт сўраб,
Куҳна сарой, бу ёлғончи дунёда

Қодир олло банда қилиб яратди,
Соҳибқирон булиб довруғ таратди,
Фуқаро мискинни курса шод этди,
Золим шоҳни курса тахтин нуратди.

Рұхини яратди подшо бұлар деб,
Қанча юртдан божу хирож олар деб.
Баховаддин ғалогардон пиридир,
Темур бир кун қазогардон бұлар деб.

Шайху пирлар қайды юрса құллади,
Кирқ чилтонлар яхши йұлта йұллади,
Соҳибқирон үтди Темур жақонгир,
Сақсбалар ғизқ-насбасин мұллади.

Рузи шоир чечанлигинг бирдирсанг,
Күп әлатни тоқ үйфлатиб-кулдирсанг,
Файрат билан ғыу достонин яратиб
Темурнинг арвосин шодмон қылдирсанг.

Кеча-кундуз үтаётір қувишиб,
Номардлар мардларни күрса сувишиб,
Фоний дунё шундай утиб боради,
Улоқдай бұб ғир-бирига ғовишиб.

Муллалар ҳам үтар, құлда құръонлар,
Ҳар ким суриб үтар ҳар хил давронлар,
Пайғамбар, саҳоба, фуқаро, шоқлар,
Үтиб борар қанча соҳибқиронлар.

Овишиб-овишиб даврон үтади,
Елғончининг иши тұла хатодир,
Ишонманғиз ғыу беш кунлик дунёға,
Аждақдай бир кун имлааб ютади.

Қанча одам бунга келиб-кетгандир,
Охират йұлини бир кун туттандир.
Құпдан қолған муна күхна саройдан,
Темурдайин бир жақонгир үтгандир.

Қадим замонда Самарқанд товининг күнчиқар томонида Кеш деган обод шаҳар бор эди, қишлоқтардың қошидаги товнинг бөши қор эди. Бу шаҳарнинг оти Кеш эди, күп шаҳарлардан ободлиқда пеш эди, боғларидан сайраган булбул құш эди, бу жойларни жүриб томоша қилиб кетган одамнинг вақти хуш эди. Машриқ томонидаты товдан чашма булоқтар нишобга әнгана эди, мерғанлардан җочған кийиклар булоқ сувига қонғана эди. Бу тов жуда улуғ тов эди, улуғлиги бу товға қанчаканча қароматли азизу авлиёлар құнған эди. Шу тов-

нинг адогида бир Кийик Ширам деган катта қишлоқ бор эди. Кийик Ширам қишлоғининг атрофида сурув-сурув кийиклар үтлаб юрар эди, бир хил мерганлар ёйини құлиға өлиб тошларға писиб кийикларга яқын борар эди, бир хиллари кийикни күзлаң урар эди, отолмаган мерганлари уйтдим-бұйтдим деб мақтаниб сұзлаң юрар эди, бұзболаларнинг күпі ов қылмәкни машқ қилишар эди, оқшомлари биронникига йиғилишиб келишар эди, овқатдан сұнг навбатма-навбат дутору най, дұмбира ча-лишар эди, бир хиллари то ярим кечагача олишар эди.

Шу қишлоқда бир одам яшар эди, бир хиллар уни Тұрағай, бир хиллар Тарагай, бир хил ёш бачалар Тұрағай баҳодир дейишар эди. Тұрағай баҳодир дейишининг сабаби у одам ниҳоятда зүр полвон ва раҳмидил эди. Қиша, ҳамма ёқни қор қоплаң олган вақтда ҳеч жойдан дон тополмай үйларининг олдига келиб құнған чумчук, мусича, тұрғайларға кенг жойни қурағ дон берар эди. Буни ёш бачалар, қишлоқнинг одамлари томоша қилишар эди.

Алқисса, Тұрағай баҳодир деган отни одамлар құйған эди, асли оти Тарагай эди, үзиям сақый одам эди, ҳар куни икки-үч құйни сұяр эди, ҳамсояларини чақириб, ҳар хил овқатлар қилиб олдиларига құяр эди, ким бұлсаям Тұрағай баҳодирникоға келса, оч кетмай түяр эди.

Тұрағай баҳодир дейишининг сабаби у одам үзи ниҳоятда зүр, полвон эди. Товдан саратонда овлаң юриб, бир кийикка дуч кең қолди, құлиға ёйини олди, ёйига үқни солди, кийикни нишон қылди. Парли ёйини тортди, лекин үқи кийикка тегмай кетди. Кийик товдан нишаб-га ташлаб кетди. Буни куриб Тұрағай баҳодир отини қамчига тутди, отиям үзини сермаб отди. Кийикни күздан қочирмай қорама-қора құвиб кетиб бораёттир эди. Кийик түрғи бориб бир сурув құйға құшилиб кетди, шу вақт орқасидан баҳодир құвиб етди. Кийикни отаман деб шундай қараса, кийик үрнида бир бүренини куриб ҳайрон бұлди. Мен құвиб келаётган кийик эди, қандай қылиб бүри бұлиб қолди, бу қандайин сир булди, нима бұлса булди деб, құлиға ёйини олиб, бүренини нишон қылиб, ёйини тортиб эди, бүри ағнааб тушди, қошидаги құйлар ҳуркиб қочди, бориб бурининг терисини шилиб олайин, терини күрсатиб «бүри қидиртди», қилайин деб бүри ағнаган жойға борса бүриям йүқ, териям йүқ. Бу шыға баҳодир ҳайрон бұлиб, сурув құйға назар солиб

қарааса үзининг эни. Бу қўй үзимнинг қўйим-ку, чўпон қаерда экан деб қараса, чўпон чеккада чопонини ҳайқа-ра қилиб ёпиниб ухлаб ётибди. Буни куриб Тўрағай ба-ходирнинг қаҳри желиб, аждаҳодай заҳри келиб:

— Эй, Тошқора, тургин дейман жойингдан, ухлаб ётибсан, хабаринг йўқ қўйингдан,— деб бақираберди. Чўпон кўзини очиб шундай қараса үзининг бойи Тўрағай баҳодир аччиқ қилиб турибди. Шунда баҳодир Тошқорага қараб: Эй аҳмоқ, сен ухлаб ётибсан, бир бўри қўйларни у ёқдан-бу ёқча суриб юрибди, нечовини буғизлаб қириб юрибди. Сен бўлсанг ҳеч нарса билан ишинг йўқ, қўй боқишга хушинг йўқ,— деб сўкаберди. Чўпон Тўрағай баҳодирга қараб: Эй тақсир, мени сал эрта уйғотдингиз. Мен ажойиб бир туш куриб ётиб эдим,— деди.

— Қандай туш экан у сабил?— деди баҳодир. Шунда чўпон тушида курганларини бирма-бир баён қилиб Тўрағай баҳодирга қараб айтиётган сўзи:

Сийган бандасига олло ёр экан,
Қайдা юрса унга мададкор экан,
Мен тушумда қўрдим сирли савдони
Бухорода улуғ бир шайх бор экан.

Илмиман қўлидан ҳар иш келади,
Қуръа қўрмай ғойибдан сўз билади.
Гумбазнинг ичиди туриб улуғ шайх,
Тўрағай келсин деб амр қиласди.

Шайх айтади: Садр деган мулла бор,
Тегина дер, унинг қизи гажакдор,
Буй кўрсатиб эл оғзига тушгандир
Тўрағайга бағишлиланган у дилбар.

Кечикмайин Бухорога келсин дер,
Сўзимнинг ростлигин келиб билсин дер.
Иқковининг юлдузлари қушилган,
Баҳодир кеб юлдузини олсин дер.

Тегинаман даврон сурар Тўрағай,
Соҳибқирон ўғил кўрар Тўрағай.
Ҳаялламай етиб желсин Бухорога,
Сир — ахволин мендан сўтар Тўрағай.

Тегинаой мисли күкнинг моҳидир,
Нечовни куйдирган оху воҳидир.
Соҳибқирон ул туғилар Тегиндан
Оти Темур, кенг жаҳоннинг шоҳидир.

Сумбул сочин тонг шамоли эшгандир,
Хуснин курган одам ақли шошгандир,
Тўрағайга бағишиланган у дилбар,
Саҳобалар юлдузларин қўшгандир.

Бу сўзларни Тошқора чупондан эшитиб, Тўрағай баҳодирнинг аввалгида ҳам баттар аччиғи кела берди, сен мендан қўрққанингдан шундай деяпсан, деб чупонни ургидай бўлаберди, ураман деб қамчини қулига олиб, Тошқорага яқин келаберди.

Шу вакт чўпоннинг ити чопиб келди. Оғзини осмонга қаратиб, ҳуриб, гоҳ улийберди. Тўрағай баҳодир ўз қулидан ош еган, бўри олган кунлари қўйруқ билан гушт еган узининг ити нимага ундаи қилаёттанига тушунолмай:

— Тошқара, Оқтўш нима деяпти? — деди.

— Оқтўш чупонимиз тўғри айтаяпти деяпти, — деди. Шунда Тўрағай баҳодир аччиғидан тушиб, Оқтўш итига гап қўшиб — Ҳа, Оқтўш, нимага гоҳ ҳуриб, гоҳ улияпсан? — деб сураган эди. Оқтўш яна келиб Тошқора чўпонни исқаб, оёқларидан ялаб, баҳодирга қараб, ундан чўпоннинг юлим-ўтимини сураб тургандай бўлаберди.

Шундан сўнг Тўрағай баҳодир ўйланиб қолди, чўпонга не дерини билмай чайналиб қолди. Кунглига ҳар хил гаплар келди: Менинг йиглаганим худога аён бўлдимикан, худои таоло Бухородаги шайхни менинг учун орага солдимикан, шу боисдан Шайх бу ишларни бечора бегуноҳ шу чўпоннинг тушига солдимикан, шу безабон итим ҳам буни пайқаб билдимикан, худодан каромат, пиру шайхдан шарофат бўлдимикан.

Мана тўрт хотин олдим, лекин орадан қанча йил ўтди, бироридан ҳам бирон фарзанд қўрмадим, болам деб нон синдириб бермадим, башқалардай мен ҳам ул ияртиб эл тўйига бормадим, шуларни ўйлаб, сийнамни доғлаб, тоғларда йиглаб юрганимни худо эшитдимикан, деб алқисса, Тўрағай баҳодир Бухорога жўнамоқни кунглига туйиб, одамзотдан хатолик үтади, хафа бўлма Тошқора деб яхши гап билан чўпонини суйиб турибди, чўпони билан итига меҳри тоблаб ийиб турибди. Кийикнинг бури булиб қолгани, терисини олай деса қўздан

Ройиб бүлгани қандай сир бүлди экан, деб маслаңатни ўртага қўйиб турибди. Эй тақсир, бир гап бордирки, шайх сизни чорляяпти, худо хоҳласа улли бўлиб қолсангиз ажаб эмас, деб чўпониям ҳазил билан койиб туриби.

Алқисса, Тўрағай баҳодир бу гапларни тұғриликка мүлжал қилиб, отни буриб йўлга солиб, Тошқорадан дуо олиб уйига қараб жўнаб кетди, бир майдонда уйига етди. Хуржунига нону сув солиб, отига миниб олиб, ҳайт деб Бухорога жўнаб кетди. Иул-йулакай бораётир суюниб, гоҳи йиғлаб, гоҳ куйиниб, ўтган азиз авлиёларга сириниб кетиб бораётган жойи:

Файрат қил жонивор тўрим деб,
Ҳайвон ичидә зўрим деб,
Бухор келсин деб чорлабди
Бобошайх қомил пирим деб.

От туёғи қатир-қутур,
Чангіб қолди ўтган адир,
Пирим деб йўлда боради,
Куринг Тўрағай баҳодир.

Баҳодирлик кони жўшиб,
Тулпор отга қамчи қўшиб,
Отиям асли бедовдир
Борар қанча белдан ошиб.

— Бобошайхим устозим деб,
Даркор бўлибман ўзим деб,
Пирим мени чорлаганда
Етиб бормоғим лозим деб.

Қамчим дастаси қарағай,
Ўрганда отин бурағай.
Мисли қушдай учгин Тўри
Эганг баҳодир — Тўрағай.

Асли бобомди Қорачор,
Курган ёвни қилган ноҳор.
Қорачор майдон тушганда
Айтишади дев ҳам қочар.

Пирим қипти кароматти,
Кароматин чўпон айтди.

Бу сўзларни ўйлай-ўйлай
Тинмай баҳодир йул тортди.

— Бобо авлодим Нуёндир,
Битими ўрта миёндир.
Менинг бу йўлда юришим
Ўстоз — пиrimга аёндир.

Наслингизман Одам Ато,
Сиз отасиз, бизлар бўта,
Қабрингиз қилар зиёрат
Канча одам ута-ута.

Дунё ўтар ова-ова,
Ҳар сўзингиз дардга даво,
Неварангиз Турағайман
Обрўй беринг Момо Ҳаво.

Мингани бедов тўриди,
Ўзиям одам зўриди,
Шомдан ўтиб ҳуфтон чоғи
Шаҳри Бухорга дориди.

Алқисса, Турағай баҳодирнинг йўл тортиб келаётгани
Бобошайх пирига аён бўлиб туриб эди. Баҳодир кенг
шаҳарнинг қаёғига борарини, гапни кимдан сурарини
 билмай у ёқдан-бу ёққа юриб эди, қараса бир қари
мўйсафи чол олдидан чиқди. Эй чирогим, сину синбатнингиз,
остингиздаги отингиз, минордай савлатнингиз,
чинордай қоматингиз шаҳри Бухоронинг одамларига
келишмайди, йўлдан адашганга, адашиб кўчаларда
шошганга уҳшайсиз. Бу шаҳарга меҳмонмисиз, қани
сизга йўл бўлсин, деб бир-ижки оғиз сўраб турибди:

Боғларингда турфа-турфа гул бўлсин,
Одамзодда фарзанд: қизу ул бўлсин,
Девсифат қўринар, болам, савлатинг
Савлатли меҳмонжон, сенга йўл бўлсин.

Ёмон одам уйи доим чўл бўлсин,
Яхшиларнинг насибаси мул бўлсин.
Бошингдан тоймасин, болам, давлатинг
Давлатли меҳмонжон, сенга йўл бўлсин?

Остингда койибди йул тортиб отинг,
Тахмин қилдим йироқ уҳшар элатинг,

Бобонгни лол қилди сину синбатинг
Синбатли меҳмонжон, сенга йўл бўлсин?

Оting чопган ўхшар йироқ йўлларга,
Аралаб ўтгандай тову чулларга,
На сабаб қелгансан бундай элларга,
Қоматли меҳмонжон, сенга йўл бўлсин?

Бу шаҳарда борми бирор сирдошинг,
Сирдошинг топмасанг гангийди бошинг.
Ўзинг ёлғиз, йўқдир бирор йўлдошинг,
Файратли меҳмонжон, сенга йўл бўлсин?

Олдини кеч қилиб шаҳар кирибсан,
Билишимча кўп жойларни кўрибсан,
Бу шаҳарда на иш билан юрибсан,
Хизматли меҳмонжон, сенга йўл бўлсин?

Бу шаҳарнинг бордир одамкүшлари,
Бордир бунда тентакларнинг бушлари,
Нечовларнинг ўсиљандир гүштлари,
Ҳайбатли меҳмонжон, сенга йўл бўлсин?

Оtingни терлатган йироқми йулинг,
Қаердадир сенинг борар манзилинг,
Кимни топсанг осон бўлар мушкулинг
Зур отли меҳмонжон, сенга йўл бўлсин?

Бу сўзларни мўйсафид чолдан эшитиб, Турағай ба-
ҳодирнинг кулгиси келиб, бу чолни қариганда эси кет-
ган эзма билиб: Эй бобо, менинг билан нима ишинг бор,
оғзингга қарасам на бирорта тишинг бор, қаерларда
сенинг одамкүшинг бор, менинг билан ишинг қанча, ке-
таберда йўлингга, ҳар нарсани бермай тилингга, қаҳрим
келиб бир урсам ким ярайди ҳолингга?— деди.

Шунда чол: Эй болам, одам қариган сўнг у ёқ-бу
ёқни ўйлаб юрадиган, бирорни курса сўйлаёт юрадиган,
Ҳар хил гапларни юрагига жойлаб юрадиган, белим оғ-
римасин деб белини салла билан бойлаб юрадиган, би-
рор одам йўл-йулдан адашиб юрганини билиб қолса,
уйига эргаштириб бориб меҳмон қиб сийлаб юрадиган
булиб қолар экан,— деб кулагерди. Бу сўзларни чолдан
эшитиб, Турағай баҳодир: бу чолнинг эс-ҳуши жойида
екан, бирорларга яхшилик қилиш ўйида экан, бирорнинг
ғунтлини олмоқнинг пойида экан, ўзининг юришту-

ришидан, бу шаҳарга кеч қолиб киришидан, Бобошайх
пирини ахтариб юришидан хабар бериб чолга қараб
бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Эшит бобо, гапимнинг пайвастини,
Қўниш қилдим баланд товнинг пастини,
Келиб эдим бир сабабман шаҳрингга
Сенга айтай булар гапнинг ростини.

Худойим берганди шундайин савлат,
Савлатга яраша ҳам берди синбат,
Бор ғўзимни сенга айтай, бобожон,
Бекарман, ўзим юрган бефарзанд.

Ундан бўлар, бундан бўлар деб эдим,
Чидаёлмай тўртта хотин об эдим,
Бефарзандлик мени қилди саргардон
Бир сабабман мен шаҳрингга кеб эдим.

Баланд товда овламаган далам йўқ,
Ўзим бойман, қўрғоним йўқ, қальям йўқ.
Сину синбат, молу давлат на даркор
Эллик ёшга бордим бирор болам йўқ.

Бир вақтлари бир ажиб туш кўрбедим,
Улуғ шайхнинг қошига мен борбедим,
Пиру мурид булаиллик деб турбедим
Мурид бўлиб бир шайхга қўл бербедим.

Баланд товда юриб эдим ов қилиб,
Булдим ҳайрон бир кийикка дов бўлиб,
Ўқим тегмай кийик кетди қутулиб
Сурув қўйга аралашибди у келиб.

Ҳафсалам найлайн шунда пир булди,
Англай олмай дедим: қандай сир булди,
Кийик десам бўри юрар қўй суриб
Баданимдан оққан аччиқ тер булди.

Кийикнинг ўрнида кўрдим бўрини,
Отдим уни қурийтдим деб шурини,
Отган онгни бориб олай деб эдим,
Бўри тугул тополмадим терини.

Сүнгра келдим чўпонимнинг қошига,
Қамчи солай дедим унинг бошига,
Чўпон туриб айтди менга қўп сўзни
Менинг пирим кирган ўхшар тушига.

Бошимдан утганин айлайн баён,
Зўйрат деб югурап одаму ҳайрон,
Шу пирим кирганмиш чўпон тушига
Куп нарса бўлгандай чупонга аён.

Тушин айтди чўпон англаб билсин деб,
Бир шайхингиз чорлаяпти келсин деб,
Муридим кеб шу дилбарни олсин деб,
Бухорда бир қиз йормиш гажақдор.

Қанча азиз авлиёни тунадим,
Чўпоннинг гапига кўндим, унадим,
Беҳикмат эмасдир чўпон туши деб
Таваккал қиб мен Бухоро жўнадим.

Худойим аритсин манглай шуримни,
Бухорога излаб келдим пиrimни,
Дунёга кеб бирор зўйрат кўрмасам.
Отам дебон ким излайди гўримни.

деб Тўрағай баҳодирнинг буғинлари бушай берди, аввалига девсифат бўлсаям хаёлида узи бир юрган қаландарга ўхшай берди, чолга қараб бутадай бўзлай берди, оғзига нима келса тортинмай сузлайберди. Шунда ҳалиги чол: Эй болам, мен сени шаҳзодами, бекзодами десам, сен бир куйиб юрган аламзада экансан-ку, юр сени уйимга эргаштириб борайин, бу кеча мезбон буб хизматингда турайин, эрта-мертан тонг отса сенинг пиринг Бобошайх бўлса суриштириб қўрайин, агар шаҳри Бухорда бўлса сенга шарагини берайин,— деди.

Шунда Тўрағай баҳодир бобонинг орқасидан эргашиб бора берди. Қоп-қоронғи кечадан билан, эпри-буғри кучаб билан бир майдон йўл юриб эди, катта данғиллама дарвозанинг қошига бориб тўхтади. Чол айтди: Болам, шу ҳовли менинг ҳовлим, мен дарвозани очайин, сен отингдан тушиб, етаклаб ортимдан кир, отингни етаклашиб юр,— деди. Тўрағай баҳодир бобосининг орқасидан кирди, бобонинг отхонасини қўрди, бобоси бир калитни берди: ҳу анави дарвозани очгин, отингга ем-емиш олиб, анави охурга солиб қўй,— деди, Тўрағай баҳодир бобо-

нинг айтганини қилди, отининг айил-пуштанини бушатиб бобонинг олдига келди. Бобо олдин, баҳодир кейин катта бир меҳмонхонага кирди. Меҳмонхонада холи гиламлар тушалган, ўртада катта дастурхон ўралган турибди. Эсон-омонлик қилишиб, бир-бирига қараб кулишиб, бири меҳмон, бири мезбон бўлишиб ўтирди. Бобо дастурхонни очибди, пистаю бодом, шираю шарбат, қанд билан новвот қаторлашиб турибди, ҳар турли нозу неъмат. Бобо баҳодирга қараб: Э, болам, йироқ йўлдан келибсиз, қорнингиз ҳам очқаб жетгандир, қани тортинимай нозу неъматдан олаберинг,— деди. Тўрағай баҳодир синдирилган нондан бир бўлагини олиб еб эди, бирдан қорни тўйди. Яна ола беринг, деб бобо қистаса ҳам бошқа ҳеч нарса еяолмади.

Шу кеча чол билан Тўрағай баҳодир бир меҳмонхонада ётди: баҳодир чарчаган экан тарракдай қотди, ширин уйқуга кетди, тотли ухлаб ётиб эди, баҳодирнинг қулоғига шундайин бир нидо етди, ким гапираётганини билмайди, бирор баҳодирга шундайин сўзларни баён этди:

Темурнинг отаси сўзга қулоқ сол,
Бу гапларнинг маъносини англаб ол.
Бобошайхдай пириңг излаб жеб эдинг
Шу пириңгдир қаватингда ётган чол.

Қари чол деб уни писанд қилмадинг,
Қари чолнинг сен қадрини билмадинг,
Изза бердинг Бобошайхдай пириңгга
Мўйсафид деб дарров кўнглин олмадинг.

Пириңг билар кўнглингдаги борингни,
Англаб билар қилган оҳу зорингни,
Чол дематин Бобошайхдай пириңгдир
Пириңг олиб берар Тегин ёрингни.

Тонг отган сўнг хизматида бўл энди,
Ҳар ишини қилиб кўнглин ол энди.
Олиб берар Тегинадай ёрингни
Ёринг билан ўзинг ўйнаб-кул энди.

От ҳайдадинг пишобу тоғ, ўрага,
Худойим қайишиди сендай тўрага,
Фарзанд дединг қодир ҳаққа йиғладинг
Бобошайхдай пириңг тушди орага.

Тегинани олсанг ўйнаб-куларсан,
Пириң омон бўлса уни оларсан,
Бошда бўлар унинг тожу давлати
Сен шундайин бир ўғилли бўларсан.

Сана булар сўзлаганда тилида,
Қирқ йўлбарснинг кучи бўлар белида,
Минг йил умр қўарар Темур фарзандинг
Хурмати зўр бўлар турфа элида.

Обод қилар у сураган юртими,
Ёв йўлиқса олар ундан лотини,
Отим Саид, мен Темурнинг пираман
Ният билан қўйдим ўзим отини.

От бошидан катта булар юраги,
Минг йил бурун келган эди дараги.
Соҳибқирон булар улинг бир куни
Кўп элатга булар унинг кераги.

Қирқ чилтонлар жиловдор бўп юради,
Қайга юрса йўл қўрсатиб боради.
Шундай улни сенга худо беради
Ўғлинг минг йил давру даврон суради.

Алқисса, бу сўзларни ҳали бино булмаган Темурнинг пири Саидбарақа Турағай баҳодирга аён қилди, булар гапларни бир бошидан баён қилди. Шундан сўнг Турағай баҳодир уйғониб кетиб шундай қаватига қараса чол ўрнида икки юзидан нур томган, бир ќиши ётибди кўзларин юмган. Бу одамнинг икки юзидан чиқаётган нур қоронғу уйни ёритиб турибди. Шундай фаросат билан қараса, олдин тушида қўл бөрган пири чол ўрнида ухлаб ётибди. Буни қуриб Бобошайх пирам шул экан, ўзини менга чол булиб қўрсатган экан, менга билдирмайин қаватимда қари чол бўб ётган экан, мен аҳмоқнинг қари чол деб пирамга тилим тойиб жетган экан, деб ўзини ич-ичидан койиб берди.

Алқисса, нима бўлса бўлди, ғойибдан нидо келди, пирам Бобошайхни уйқудан уйғотмайин деб яна уйқуга кетди. Вақт ҳам саҳардан ўтди, бир майдонда тонг отди, иккови жойларидан туриб икки жойда қилди таҳоратти, им-жим билан бирга ўқиди бомдотти, номоздан фориғ булиб ўлтириб дастурхоннинг қошида икковининг ҳар хил фикр бошида, эшитилган нидо аён эди

Бобошайх пирининг тушида, шуларни ўйлаб ўтириб эди.
Тўрағай баҳодир пирининг бетига қарай олмай, бирор
нарсани сўрай олмай, пирининг суси босиб дўбдираб
қолди, бўғинлари қалтираб қолди, қарамасаям буни
Бобошайх билди, танимаганни сийламас, остига кўрпа
тайламас, деб муридини кечирим қилди.

Алқисса, муриди Тўрағай баҳодирнинг бу алфозда
ўтирганини билиб, уни яхши гаплар билан кўнглини
олиб, ўнғарид ўйлга солиб, баҳодирга кўп нарсани та-
йин қилаётir:

Қодир ҳақдан бўлди шундай иноят,
Мен шуларни сенга қиласай ҳикоят.
Бир қиз бордир агар шунга уйлансанг,
Ўғил туфар, унда бўлар тож-давлат.

Унинг учун сен хизматда бўлғайсан,
Кўкка етган масжид бино қилғайсан,
Гумбази фалакка етсин минордай
Шундан сўнгра сен шу қизни олғайсан.

Худонинг саноси бордир ҳар тилда,
Яхши ният сақла доим кўнгилда,
Тегинани олмоқ бўлса ҳар қиши
Масжид шарти қўйилгандир бу элда.

Сен борасан бундан шаҳар ташига,
Туғ кўтарган бир мозорнинг қошига,
Хонақоси ярқиллаган улуғ жой
Бориб ўлтирасан булоқ бошига.

Кимни кўрсанг зинҳор унга гап қўшма,
Гап қўшиб кейинига йўлдан адашма,
Булоқ бордир у мозорнинг қошида
Қандай сир кўрсанг ҳам ҳаддингдан ошма.

Хонақоҳ ичига юира кирмагин,
Бирор гап сўраса жавоб бермагин.
Гап қўшувчи одам сенга йуликса
Жавоб бериб пушаймон қиб юрмагин.

Ёмон фикр келтирмагин бошингга:
Пухта бўлгин ҳар бир қилган ишингга,
Тоқат қилиб сув бошида ўтиранг
Дастурхонман бирор келар қошингга.

Дастурхонда нима бўлса еб олгин,
Еб булиб йўлингга равона бўлгин,
Зинҳор-зинҳор бирор билан гаплашма
Айтганимдай булиб қошимга келгин.

Алқисса, Тўрағай баҳодир Бобошайх пиридан бу сұзларни эшишиб шаҳри Бухородан ташқари чиқиб кетди, ярқиллаган бир мозор күриди, қошига етди. Шундай қараса хонақоҳ олдидаги бир булоқ оқиб турибди. Худди шайхнинг айтганидай қилиб, булоқ бошига яқинроқ келиб, гиз чўкиб, кўзини ёпиқ турган дарвозага тикиб утиргди. Шундай фаросат қилиб қаради, кўп ажойиб бу мозорни кўради, гумбазлари келишган, усталар бор ҳунарини қилишган, ҳамма ёғини камини қўймай тузаган, деворларигача безаган, ҳайбатига ҳеч ким ботолмайди, ҳеч ким бу жойдан дуойи фогиҳа қилмай ўтолмайди. Ичкаридан най, дўмбира, рубобу торларнинг товуши келиб турибди, эшигтан одамни мумдай эритиб лол қилиб турибди.

Созу нағмаларнинг товушига қулоқ солиб Тўрағай баҳодир шундай ўтириб эди, шу вақт ғийқ этиб хонақоҳ эшиги очилди. Қараса бир сўфи қўлида бир ўроғли дастурхон олиб тўппа-тўғри баҳодирнинг олдига келяпти. Тўрағай баҳодир нима қиласини билмай ҳайрон бўлиб, Бобошайх пирининг гаплари эсига келиб индамай ўтириб эди, ҳалиги сўфи қўлидаги дастурхонни олиб келиб баҳодирнинг олдига қўйди, баҳодирга ҳеч нима демасдан, ўтирган одамга назариниям солмасдан яна ўзининг очган эшигига кириб кетди.

Тўрағай баҳодирнинг эсига шайл сузи келиб дастурхонни олдига тортиб олиб, очиб қараса бир хурмача сут, ҳайрон бўлиб, сутни куриб шодмон бўлиб, сутни борича симириб олиб эди, бирданига баданига бир ларза келгандай, хаёлига бутун аъзойи бадани жучга тўлгандай, ғойибдан ҳисобсиз қудрат келгандай бўлди.

Баҳодир шу алфозда ўзи билан ўзи овора бўлиб ўтириб эди, ҳалиги сўфи қайтиб чиқди. Тўрағай баҳодирга Бобошайх пири бир хат берган эди, ким сенга дастурхон келтирса шунга берасан, деган эди, шу хат эсига келиб, қўйин қиссасидан олиб уни сүфига узатди, сўфи хатни олиб индамай дастурхонни йиғиштириб орқасига қайтди. Шу вақт Тўрағай баҳодир ҳам энди менинг қиласиган ишим битди, деб бу ҳам орқасига қайтиди. Энди ҳеч кимга йўлиқмай кетайин, тезроқ пиrim-

нинг олдига етайнин, булган воқеани бориб айтайнин деб йўлда ҳайт деб кетиб бораётиб эди, бир жиши орқасидан чақираберди. Эй Турағай, нима учун атрофингга қарамайсан, ҳамма ёқда қизиқ томошалар бўляпти, деди. Шунда Турағай баҳодир қарасамми-қарамасамми деб ўйланиб туриб эди, бирдан яшин ялтираб, гулдирак гумбирлаб, тасир-тусур жала қуяберди. Шу талатўп билан Турағай баҳодир ким гапираётганиниям билмади, лекин йўл юришидан қолмади, ҳеч ёққа қулоқ сомади, шу алфозда Бобошайх пирининг қошига етди. Баҳодирни қуриб шайхнинг вақти хуш бўлиб, ҳар жойдан тимсол қилиб бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Сузларимга қулоқ солгин Турағай,
Мард ҳолига қодир олло қарағай,
Насиб этса сен ҳам улли бўларсан,
Сенинг улинг эл кунига ярагай.

Ақлингни олай деб йўлда бир майдон,
Қошингга етганда лаънати шайтон.
Бўлмасин деб Турағайнинг қўнглини
Жала тилаб туриб эдим худойдан.

Тавқи лаънат шайтон келди қошингга,
Ҳаром нарса қўшай деди ишингга,
Кирганингда у шайтоннинг сўзинга
Не кулфатлар тушар эди бошингга.

Энди болам билиб юргин йўлингни,
Қодир эгам баланд қиласар қулингни,
Шу шайтондан омон-эсон қутидинг,
Суяр бўлдинг соҳибқирон улингни,

Доим қилди ёмон йўлга равона,
Ақлидан айриб қилди девона,
Шу сабабдан тавқи лаънат илинди
Одамзоднинг душманидир шайтона.

Ҳар иш бўлса шайтон солар хатони,
Кўп саргардон қилди Одам Атони,
Бир замонлар олим бўлган у шайтон,
Катта кетиб танимади худони.

Олимман деб аҳмоқ күнгли бўлинди,
Бир гап учун марҳамати олинди,
Одамзотдан зиётман деб охири
Тавқу лаънат у шайтонга илинди.

Олим шайтон ҳар балони билади,
Одамзодни ҳар хил кўйга солади,
Кимки кирса у шайтоннинг гапига
Оқибати кўп пушаймон қиласди.

Шайтоннинг сўзига болам кирмадинг,
Аввалига у бадбахти кўрмадинг,
Яхши бўлди шу балодан қутидинг
Ха деганда қулоқ солиб турмадинг.

Алдамовчи бўлди юрар йўлингдан,
Айирай деб соҳибқирон улингдан,
Қулоқ солиб турганингда шайтонга,
Үғлинг руҳи кетар эди белингдан.

Баҳорда пишади боғларнинг тути,
Сенга ул буб ўтди сўфининг сути,
Соҳибқирон бўлар бир ќун жаҳонгир
Билаги пулатдан Темурдир оти,

деб Бобошайх Турағай баҳодирни хурсанд қилди, яна
бир кеча меҳмон қилди. Бобошайх пири айтди: Болам,
Бухорои шарифда Садр деган мулла бор, у одамнинг
қанча десанг шунча илми бор, элга маъқул сўзи бор,
манглайида биргина ёлғиз қизи бор, ҳар жойдан совчи
келса бермайман деган нози бор, хушрӯйликда бу ша-
харда танҳо ўзи бор, жамоли ойдай, ювошлиги қўй-
дай, ақл-фаросати юрт сўраган бийдай, ўзиям жуда
чаққон худди асов тойдай, қадди-қомати келишган, тұ-
ладан келган тұлишган, келин қисам деб қанчалар ҳа-
вас қилишган, олмоқчи буб қанча-қанча шоҳлар шу
қизнинг пойига тушган, курғанлар ҳавасда, курмаган-
нинг дили хаста отини Тегина дер, сиздай баҳодирга
булсин пайваста. Ҳар жойдан совчи кела бериб безор
қилғандан кейин Тегинаой шундай бир шарт қўйган
эди: кимда-ким шаҳар ташқарисида гумбази осмонга
етган, учар қушлар айланиб ўтган, шуъласи Чинмочин
мамлакатига етган, йироқ-пироқдаги элатлар офтобми
деб кўзини тутган бир масжид қуриб берса шунга те-
гаман деб,— деди. Тегинаойнинг бу гапи ақли доно-

ларга, ёмон йулдан бегоналарга маъқул тушди, шу боисдан унинг ақли фаросатига оғаринилар антган куп бўлди, кунда Хизр бор дегандай кунглидаги гап саҳобаларга аён бўлиб, алқисса, бу қизнинг юлдузини ўзи муносаб одамга қушмоқ даркор дейишиб, Сизнинг зор йиғлаб бефарзанд юрганингизга қайишиб, алқисса худодан сиздай баҳодирга Тегинаойдай, жуйрук 10 қизни қўшмоқни тилади. Шу қизни шу йигитга қушса маъқул бўлади. Бу хабарни Тўрағай баҳодирга стказинг, шу йигитман шу қизнинг ҳожатини битказинг, икковини қўшиб муродига стказинг, деб мени Сизга пир қилиб қўйишибди. Энди бу кеча икковиз худодан Тегинаой шарт қилиб қўйган масжиднинг питишини тилаб турсак даргоҳига олса, шояд мушкул ишимиз осон бўлса, деди. Алқисса пиру мурид бирга етди, худога қилиб арзу додни, қўринг ҳақдан кароматти, саҳар-саҳар шаҳарнинг ташқарисида бир масжид пайдо бўлди, гумбази осмонга етди, эрта-мертан тонг отди. Бобошайх муридини уйғотди: Болам, бажо желтирибсиз Тегина қўйган шартти,— деди. Тўрағай баҳодир эшикка чиқиб қараса гумбази осмонга етган масжид пайдо бўпти. Кўрмаганлар қўргани шайдо бўпти. Бухоронинг барча эли бирин-бирин уйғонишиб, уйқудагисини уйғотишиб, анави гумбазни қара дейишиб бари томоша қила берди. Ҳамма ҳалойиқ Ойтегинанинг шартини эшитган эди. Бу масжидни ким қурган бўлса, шул Тегинаойни оладиган бўпти. Тегинаойнинг айтганидан ҳам зиёда бўпти, энди тан шу одамни бўпти дейишаётир. Бу шартдан шаҳри Бухоронинг хони Баёнхон ҳам хабардор эди. Баёнхоннинг оти Баён эди, элдаги бўлаётган ишларнинг кўпи унга аён эди, сургани даврон эди, мингани тулпор ҳайвон эди, қурдиргани қўргону айвон эди, ўзи ниҳоятда одил хон эди. Баёнхон вазибу қозиларини, ҳар ишга розиларини, донолиқда пешларини, саркардаю бекларини, элга кўнгил туқларини йиғиб: Эй ҳалойиқ, ҳаммамиз анаву масжидни томоша қилайлик, жарчи қўйиб жами элни йиғиб келайлик, маслаҳатни биргалашиб қилайлик, кимда-ким шу масжидни қурган бўлса шунга Тегинаойни туй қилиб қушмоқни пайида бўлайик, элу ҳалқи жийдиринг, қанча-қанча сўқиму, саркани сўйдиринг, кучама-кўча жарчини қўйдиринг, деб амри фармон қилди. Жарчилар оралаб ҳар растваю кучага, хабар қилаётир ҳам жаттаю баччага: Эшитмадим деманглар,

үйингдан овқат еманглар, бугун аҳлу фуқарога ош берилади, бормайин сира қолманглар, деб чақираберди.

Алқисса, Бобошайх билан Тұрағай баҳодир бу хабарни эшитиб, ичиде гапни пишишиб, Бобошайх айтди: Хон бекорга элни йиғаётгани йүқ, масжидни ким қурди деб сұрайди, сұраса мен қурдим деб тортнимай жағоб қылаберинг, деб баҳодирга тайин килди.

Катта бир ҳоварга одам йиғилди, сүким сарқалар сүйилди, узун-узун қур торттириб одамларга турли таом қүйилди. Одамлар бир-бири билан кенгашаётір, ҳар сиқим паловни оғзига солғанда масжидға күзлари қамашаётір, оғизлари анграйиб, бурунлари танграйиб, ейман деган паловлари құлларидан түкилиб қайтиб дастурхонга тушаётір, оғарин шу маконни қурғанға дейишаётір. Бу хонимиз нега элни йиғдійкан, деб бир-биридан сұраётір, ҳар қайсиси ҳар хилга журашаётір.

Шунда Баёнхон баланд жойға чиқиб, йиғилған әлға қараб, масжидни қурған одамни сұраб бир-икки оғиз сүз айтиб турған жойи:

Сұзимга қулоқ сол ҳар бир халойиқ
Ҳар бир ишга гувоқ турар малойиқ
Шаҳримизда масжид бино булибди
Бу иш учун кимга дуо қилайлик?

Туш курганда яхшиликка жүрайман,
Савол сұраб мен сиэларга қарайман.
Хұзуримга келган жами халойиқ
Масжид қурған кимлигини сұрайман.

Қаромат бұлдими қодир оллодан,
Шарофат бұлдими шайху муллодан,
Ана күринг масжид пайдо булибди
Ярқыллайды ғуппалари тиллодан.

Обод бұлсın элат қурған кирдикор,
Ишлагандай күп ҳисобсиз мардикор.
Қандай одам әлға қылди иноят
Кимлигини бугун билмоқлик даркор.

Масжид деган билинг худонинг уйи,
Осмонға етгудай гумбазнинг буйи.
Икки дунё сарғаймасин ёронлар
Шу ишни қылганинг ранг ила рүйи.

Қаердан олгандир шунча қуввати,
Хайрон қилиб шунча аркон давлати.
Күрган-билган бўлса турмай айтингиз
Кўришга интиқмиз шундайин мардди.

Элимизга тулгун даврон келарми,
Даврон келса бари ўйнаб куларми.
Шундай ишни ким эшитган халойиқ,
Бир кечада масжид пайдо бўларми?

Ярқиллар гумбази, осмонда учи,
Ким ҳам бўлса қўпга ўхшайди қучи,
Аямасдан бор қудратин ишлатган
Е бормикан унинг ўзида учи?

Биз билайлик одамзоднинг мардини,
Кўзидан суртайлик чанг гардини,
Ким ҳам бўлса суриштириб билайлик
Килган ўхшар Ойтегиннинг шартини.

Қизнинг шарти — элнинг шарти дейишар,
Қиз деганда ҳар ким совчи қўйишар,
Чини билан ошиқ бўлса ҳар киши
Қодир олло аҳволига қайтишар.

Элат шундай мардни қўрса арзиди,
Бўй баробар тилла берса арзиди,
Тегина учун қилган бўлса шу ишни
Икки ошиқ даврон сурса арзиди.

Савол солдим қари билан ёшимга,
Ҳар хил фикр келаётir бошимга,
Қандай марддир эл ичидан турсинда
Инъом олсин келиб менинг қошимга.

Алқисса, бу сўзларни Баёнхон айтди элатга қараб,
масжид қурган мардни сўраб, эл деб шунга айтади-да,
нечовларнинг савол билан иши йўқ, ураётir гуштни бу-
раб, камбағалнинг бир тўйгани бой бўлгани деб нечов-
лар паловни ошаётir оёқни тираబ, бир хиллари турибди
гоҳ масжидга, гоҳ хонга қараб, шунча одамдан масжид-
ни мен қурдим, деб бирордан ҳам садо чиқмади.

Бобошайх журтага Турағай баҳодирга ёски-туски ки-
йимлардан кийдириб, узун чопоннинг этагини ерга тий-
дириб, қаландар сифат куринишда қилиб қўйган эди.—
Пиру-мурид булар ҳам элнинг бир чеккасида ўтиришиб

эди. Бобошайх баҳодирга энди жойингдан турадиган, хоннинг қошига борадиган, савол сурса жавоб берадиган маврудинг келди, туриб Баёнхоннинг қошига боргин, хоннинг одиллигини кўргин, ишонмайин сўз сўраса тортинаш жавоб бергин,— деди. Шунда Тўрағай баҳодир пиридан мадад олиб жойидан туриб хонга қараб жунайберди, буни кўрган жамъи халойиқ баб-баравар пиқирлаб кула берди, баҳодир бўлса ҳеч нарсага парвоқилмай хоннинг қошига келаберди. Тўрағай баҳодирни бу алфозда кўриб, Баёнхон ҳам ҳайрон бўла борди. Халойикнинг ичидан бир хиллари: Бу ҳалиги у бозордан бу бозорга, у гузардан-бу гузарга «ҳак!» деб юргич узун девона-ку дейишаётир, бир хиллар: Бунинг кўпни кўриб орқаси тутаяти. Кушнач булади, дейишаётир. Тўрағай баҳодир тўппа-тўғри Баёнхоннинг олдига борди, қуллуқ қилиб салом берди, тақсир масжидни мен курдим деди, хон бунга ишонмай қўп-кўп саволни берди:

Сен юрибсан бехабар буб холинг, јан,
Кетгин нари қолмай юрар йулингдан.
Кўчаларда дайдиб юрган девона
Масжид қуриш келмас сенинг қуллингдан.

Девоналар уз ҳолини билмасми,
Садақа!— деб танга-чақа олмасми.
Ёлғон сўзни нега айтдинг Қаландир
Тураверсанг менинг қаҳрим келмасми.

Жаллодга буюрсам кетади бошинг,
Эл устига сочилгандир нон-ошинг
Девоналар уз йўлига юрмайми
Садақа тилашдир қиласга ишин.

Тез жунагин желтирмайин қаҳримни,
Яхши одам билар менинг баҳримни,
Фариблигинг учун кечдим гуноҳинг,
Майли қезиб юравергин шаҳримни.

Бўйларинг минордай, йўқдир эс-ҳушинг,
Билиб юргин сен ҳам қилас ӯз ишинг,
Холин билган ҳоримайди, девона
Жаллод келса кетар саллали бошинг.

Юришингни кўрган одам қулади,
Ёлғон сўзинг элга қулги бўлади,

Эси кетган сенда йиларпинг қўлидан
Қандай қилиб йилемасжид қуриш келади?!

Уз йўлингга иккета бергин, турмагин,
Бунда туриба биздан изза курмагин,
Девонага жазо бермоқ уятти
Жазо берса им хафа булиб юрмагин.

Бунча элнади нодон — ахмоқ билдингми,
Элатга эргашиб бунда елдингми,
Садо чиқ май турганида бу элдан
Тавакка деб ўзинг бозор солдингми?—

деб Баёнхон баҳодирни бир девонаи қаландар билиб,
уни ҳар кўйга солиб, бўйининг узунлигига кулиб, жунатмоқчи бўлиб ўйлга солиб, гоҳ аччири жеп, гоҳи кулиб туриди. Шундэга Турагай баҳодир мисли шердай булиб, гуркираган ноғодай булиб, оқ салласи қордай бўлиб, бўйлари чиноғодай булиб, бир-икки масжидларни қурадиган куч-куе звати бордай булиб: «Бу масжидни мен қурмай ким қурди?— деб Баёнхонга қараб Турагай баҳодир ҳар ўқайдан тимсол келтириб айтаётган сўзи:

Тўқсан норинг кучи бордир белимда,
Худо нинг саноси бордир тилимда,
Мен ҳурмайин ким қурганди масжидни
Ўнса жклиз минг занги дев бор қулимда.

Ҳар қайсиси тинмай ишлаб ётади,
Чанга лига тўқсон ботмон жетади,
Бор ҳунарнинг ҳаммасини қилади,
Не бу ѡрсам барин бажо этади.

Амр қалдим масжид бино қилинглар,
Чақир ганда ҳаялламай келинглар,
Усталаринг лойдан девор қуринглар
Чеварларинг безатишман бўлинглар.

Мен буюрдим, қилар ишни билинглар,
Жаннатнинг гулидан улгу олинглар,
Бир кечада бир масжидни битказиб,
Тонг отмайин куздан ғойиб бўлинглар.

Иш биткунча берсин олло тўзим деб,
Ерда қолмас сенга айтган сўзим деб,

Кече-кундуз қодир ҳаққа йиғладим
Тегинаойга ошиқ булдим узим деб.

Девлар келиб неча тоғни нуратди,
Сұзим учун бари қилди ғайратти,
Бир кечада шундай жойни битказиб
Фойиб буб фалакка учти-да кетди.

Айтган сұзға хоним қулоқ сол энди.
Адолатли бұлсанг одил бұл энди,
Мендан бошқа қурған бұлса айтсии-да
Рост сүзладим, муросага кел энди.

Алқисса, бу сұзларни баҳодирдан әшитиб, ҳеч ким-
нинг ишонғиси келмаётир, унинг бу ишни қилишига күн-
гиллари тулмаётир, бунда қараб қулоқ солиб турған ха-
лойиқ пиқирлашиб қулаётир, «Күп гапта уста девона
әкан», дейишиб уни мазах қилаётир. Шунда Баёнхон
гоҳ девонага қараб, гоҳ йиғилған элга қараб: Эй хало-
иқ, сизлар нима дейсизлар, шу девонанинг гапиға
ишонса бұладими ё бизни алдаётган бұлса шу девона
ұладими — деб сүрай берди. Эл бұлғандан кейин унинг
ақллісіям, ахмогиям бұлади, ақллілар ҳар ишни, ҳар
гапни фаросат билан танағына үйлаб журади, бундай
вактда ахмокни худо уради. Энди гапнинг охири нима
булади, деб Бобошайх бир томонда үтириб эди, шунда
әлнинг ичидан бир Сулаймон оқсоқол юборған одамлар
орасида Ахмад ясовул дегани ҳам бор эди. Ахмад ясо-
вул Тегинойга қарағ бұлған воқеани билдириб, Тегина-
ни мийиғидан күлдириб Хаса тулпор йироқ йұлда тер-
лейди, созандалар құлда созни жүрлайди, қанча әлат
хон қошиға йиғилған, келсин деб Баёнхон сизни чорлайди,
деб сүзлаб турған жойи:

Хаво ёғса сувға тұлар Арна сой,
Хаммамизни яратгандир бир худой,
Хүшхабарман келдик бизлар қошингга,
Сузларимга қулоқ солғин Тегиной.

Баҳор бұлса товға туман үрлайди,
Шоир халқи құлда созин жүрлайди,
Арк қошиға қанча әлат йиғилған
Тегина келсин деб бари чорлайди.

Ана турган у масжидни күрдингми,
Күрмаганга сен ҳам хабар бердингми,
Қандай уста бино қылган билмаймиз
Сен ҳам шунга оғарин деб турдингми?

Бир девона туарар ўзим қурдим деб,
Тегиначун құп азоблар жүрдим деб,
Қанча элат ишонмади сұзига
Ул айтади ҳақ йулига кирдим деб.

Девонага ҳайрон булиб қараймиз,
Ҳар қайсими, ҳар жүриққа жүраймиз,
Тегинани чақир, деди Баёнхон
Не сир бұлса биз үзидан сұраймиз.

Бундан борсанг девонани жүрарсан,
Баёнхон сұзига жавоб берарсан,
Сенға маңқул бұлса юрган қаландар
Эл құшади бирга даврон сурарсан.

Унга қараб ҳайрон бұлди құп элат,
Еки унда борми бирор хосият,
Нима бұлса сен борган сұнг билинар,
Сендан чиқар борсанг бирор маслаҳат.

Бир одам құлидан бу иш келмайди,
Ү гапига ҳеч ким құнгли тулмайди,
Канизларман борасан-да Тегиной
Хуллас калом сен бормасанг бұлмайди.

Алқисса, бу сұzlарни Аҳмад ясовул Ойтегинг айтиб, отини буриб жұнади орқага қайтиб. Ана шундан сұнг Тегинаойнинг вақти хуш, думоги жүш булиб, канизлари билан маслаҳат қилиб, ҳар алвонда кийиниб, бу масжидни менга ошиқ бұлған йигит қурибди-да, деб суюниб, тезроқ юринглар, үлгурлар, деб канизларига жийиниб, бир хил қанизлари «қуллуқ мана жұнаймиз» деб ҳазиллашаётір ийиниб.

Шундай қилиб, Тегинаой канизлари билан жұнай берди. Унинг унта дугонаси бор эди, доимо бир-бириннинг холидан хабардор эди, билғанлар бу қизлар бир-бирига бүйинса дугона дейишса, билмаганлар бу үнта қызы Тегинаойнинг канизлари дейишар эди, каниз дейишнинг сабаби улар доимо бирға-бирға юрар эди.

Алқисса, үн бир қиз жүнайберди бир булиб, ярқил-лаган масжид қызларгаям сир бўлиб, сир бўлса кўра-йик, хоннинг сўзларига бориб жавоб берайлик, дейи-шиб, бир-бирига тийишиб, бораётир катта кўчага тушиб.

Шундай қилиб, Тегинаой қанизлари билан жунай берди. Тегина нозлар билан, кўнглида кўп сўзлар билан, аркка қараб бораётир, элат кетган излар билан. Ана-мана дегунча шашти баланд қизлар эмасми, эл йи-рилган жойга бориб қолди, бунча халойиқни кўриб уя-либ, андиша қиб, яқин бориб бир чеккада туриб қолди, буларнинг келганини Баёнхон ҳам кўриб қолди.

Баёнхон бу қизларнинг тўппа-тўғри элнинг ичига ки-риб келмай тўхтаб қолганидан Тегинаойнинг одоб-аи-дишаси-ю, ақл-идрокига, хулқиман ифратига қойил қо-лию, халққа қараб айтди: Эй халойиқ, бу икковининг серодам жойда дучма-дуч сўзлашиши бизнинг одоб қон-дамизга тўғри келмас, шунинг учун буларни элдан пана жойда дуч қилсак нима дейсизлар?— деб элдан суради. Элат бирдан дувиллашиб: маъқул, маъқул иш бўлади,— дейинди.

Шундан сўнг Тўрағай баҳодир билан Тегинаойни аркнинг орқа томонига, бирин бу томондан, бирини у томондан юзма-юз бўлмоқни раво кўриб, Тўрағай баҳо-дирга сен бу ёқдан бор девона деб амр қилиб, Тегина-ойга сен у ёқдан бор деб фармон қилди.

Иккови аркнинг икки томонидан айланиб бир-бирини кўрмоққа шайланиб, меҳрлари бойланиб бораётир.

Баёнхон аркнинг туйнугидан буларни қандай қилиб учрашар экан, Тегинаой бу девонага нима деб баҳо бе-пар экан, қандай қиб дуч бўлар экан, қайси бири гап қотиб, қай бири жавоб қилар экан, деб қараб турди. Лекин Тўрағай баҳодир билан Тегинаой Баёнхоннинг бу утиришидан бехабар эди. Тегинаойга баҳодирнинг қўзи тушди, ақли шошди, йўқотди ақлман ҳушди, оғзи қолди очилиб, суюнганидан аъзои бадани шишиниб ке-тиб эди, белбоғи кетди ечилиб, Баҳодирни кўриб Ойте-гин таъбассум қилиб, мийифида кулиб, тушида кўриб ваъ-да берган тұрасини таниб, юраги утдай ёниб, қодир ҳаққа шукр қилиб, шу тўрамнинг үзи деб фикр қилиб, вақтини хушлаб, суюнганидан аъзои бадани қизиб, бир икки қадам яна олдингга ташлаб, рўмолининг бир учни лабига тишлаб, эшитсан деб мард тўрамнинг сўзини, Тўрағайга тикиб турди кўзини.

Тұрағай бақодир үзига келиб, Тегинаойга қараб бир-
икки оғиз сұз айтіб турибди:

Мендейлар йұлингга интизормикан,
Менинг ёрим сендей гажакдормикан,
Фойиона ошиқ бұлдым Тегиной,
Сениям күрар жун охир бормикан.

Ақлимни олади бу жоду күзинг,
Бунчалар сулувдир ойдайин юзинг,
Ұз күзимга ишонмайман севдигим
Чини билан құшган бұлсиян юлдузинг.

Мардларман майдонда қилдим таассуб,
Сен учун йұл тортдим чүлларни кесиб,
Бажо қилдим масжид деган шартингни
Күрармисан сен үзингга муносиб?

Юракда күз эди менинг армоним,
Зүйратсиз, үртанди тандаги жоним,
Отип Тұрағайдыр, Кешнинг зуриман
Шояд сендан бұлса энди үғлоним.

Туш күрганда яхшиликка журадим,
Кеча-кундуз ҳақдан зүйрат сұрадим,
Тегинаой дебдим менга муносиб,
Хосил бұлар олсам сени муродим.

Қодир олло әшитганди зоримди,
Бобошайх устодим комил пириmdir,
Қаромат қилгандыр құллаб ҳар соат
Масжидға ишлатдим билак зұримди.

Чүпоним бор эди қүйу қүзимга,
Сени аён қылди чүпон үзимга,
Қамол пирлар аралашған бу ишга
Эл ишонмас рост сұзласам сұзимга.

Қанча ошиқ юрар сенинг изингдан,
Тұрасанми шартни құйған сұзингда,
Шартинг масжид бұлса бино айладим
Нима десанг ихтиёриңг үзингда.

Бу сұзларни Тұрағай бақодир бирма-бир айтди, ба-
рини Тегинаой әшитди. Бақодирға қараб: Мард сұзидан,

арслон изидан қайтмас, деган экан. Мен сизни тушимда кўриб эдим, қачон келар деб йўлингизга қараб юриб эдим. Менинг қўйган шартимни шу тўрам бажо келтира, деб тиловчингиз бўлиб туриб эдим, деб бир-икки оғиз суз айтиб турибди:

Сахобалар мард бошини силайди,
Номарднинг дастидан эллар йифлайди,
Тушда куриб интиқ бўлдим мен сизга
Аввал бошдан аҳволингиз қалайди?

Сизни деб ўртанди гулдайин танам,
Нурга тўлар бўбди қулбаю хонам,
Шарофатман бажо қисиз шартимни
Сизга муносибдир мендайин санам.

Бургут бўлиб кирбедингиз тушимга,
Лочин бўлиб қўнбедингиз тўшимга,
Қодир ҳаққа минг бор шукур айларман
Соябон буларсиз энди бошимга.

Хон йифибди қанча өлу мардумни,
Билай деган ўшар қўйган шартимни,
Ҳаққа йифлааб бажо қисиз бу ишни
Мен суюман сиздай полвон мардимни.

Танимаган эллар сизга куларда,
Ҳақ деган ҳар бир иш ҳаққат бўларда,
Зўрларнинг зўрлиги ҳақнинг бирлиги
Масжидни қўргангага улги бўларда.

Тўтиё қиласман босган изингиз,
Ойтегинга тўрадирсиз ўзингиз,
Яна чорлаб сўз сўраса Баёнхон
Ростга чиқарарман айтган сўзингиз.

Билдим тўрам пир дуосин олибсиз,
Қароматман масжид бино қилибсиз,
Омон бўлсан тўрам сира ғам еманг
Шартин қилиб Тегинани олибсиз.

Бу сўзларни аркнинг туйнугидан қараб, қулоқ солиб турган Баёнхон баёнма-баён тинглади. Турағай баҳодирман Тегинаойнинг юлдузларини сахобалар қўшганини англади. Бу йигит Кеш томонда донғи оламга кет-

ган, майдонга киргана бир ўзи қанча ёвни қулатган Тұрағай баҳодир экан, жүрттага үзини ташитмай девона-сифат булиб юрган экан деб үзининг Тұрағай баҳодирга айтган сұzlарига пушаймон қилди, эшитган билганини элу халққа баён қилди: Эй халойиқ, бу йигит девонамас, зұrlарнинг зўри экан, Бобошайхдай улуг жиши бу йигитнинг пири экан, мерғанликда қирағай экан, отини сұрасанғиз, күрганимиз йүқ, эшитганимиз: баҳодир Тұрағай экан. Күп савдои күрган экан, эл оралаб юрган экан, Тегинаой тушида Тұрағайнин күрган экан, икки ошиқнинг ноласини эшитиб қодир олло Тұрағай баҳодирға күп кучи-қувватни берган экан, кароматданми, шарофатданми бир кечада шу масжидни қурған экан. Тегинаойни яратған әгаси шу полвонга лозим күрган экан. Энди буларнинг түйини ўтказмоқ даркор, муродига етказмоқ даркор. Бунинг учун Бухоро әлининг расм-русмии баҳодирға билдирмоқ даркор. Бу икки ошиқни ўйнатиб-кулдирмоқ даркор.

Алқисса, бу гапни эшитиб, бу ерга йиғилған халойиқ: Тегинаой шу Тұрағай баҳодирға тан топибди деңишиб уй-уйига тарқаб кетди. Баёнхон Тұрағай баҳодирни ҳузурига чорлаб: Эй Тұрағай баҳодир, танимаганни сийламас деган экан, биз сизни танимапмиз, орқандыздан эшитиб юрар әдикки, лекин күрганимиз йүқ эди, энди сизни меҳмон қилайлик, сарпо ёпиб күнглингизни олайлик, шахри Бухоронинг расм-русмии сизга баён қилайлик, алқисса Тегинаойни сиз билан құшмоқнинг пайида бұлайлик, жами элни йиғиб, қирқ кече-ю қирқ кундуз түйларингизни қилайлик, деб Тұрағай баҳодирни катта меұмонаңнанда әргаштириб кетди. Тегинаой канизлари билан бориб ўйнаб-кулаберсин, шарти бажо бұлиби, энди тараддудини күра берсин, деб унгаям рухсат әтди.

Тұрағайга Баёнхон қимматбаҳо сарполардан кийдирди, иззат-икром қилиб семиз қўйлардан сўйдирди, турли таомлар билан қорини түйдирди. Ана энди Тұрағай баҳодирға түйга кетадиган харжу харажатларни тайин қилиб рухсат бериб жұнатди. Баҳодир Баёнхон ҳузуридан чиқиб кетди. Бобошайх пирининг уйига етди, жүрган-билғанларини пирига баён әтди. Бобошайхдан олиб рухсатти, эгарлағ минди дам олиб турған тулпор отти. түй хайдаб келайин деб шахри Кешга қараб ҳайт деб жұнаб кетди.

Алқисса, орадан қанча вақт утди Тұрағай баҳодир

қаторлаб қирқта норини, норларга юклаб бүхча-бүхча зарини, билдириб элда зўрини, чақириб ёшу қарини, утказай деб севар ёрининг тўйини, тўйга атаб ҳайдатти уч минг қўйини, кўрди тараддининг барини, ҳозирлаш тўйга даркорини, юз туяга арча утин орттириб йулга тушди.

Мол оёғи билан ўн беш кун деганда шаҳри Бухорага даҳл булишди. Тўрағай баҳодирнинг қўй ҳайдаб келганини нечовлар Баёнхонга хабар қилишди. Шундай қилиб, қанча-қанча қозон-учоқ үйдириб, чақирувчи қўйиб кўп элатни йиғдириб, қассобларга қўйу серка сўйдириб, тўйга келган жами элни тўйдириб, қирқ кечак-юқирқ кундуз ҳар хил томошалар бериб Тегинаойнинг тўйини тарқатди. Муллалар келиб Тўрағай баҳодирга Тегинаойни никоҳ қилиб қушди. Туй тарқагандан сунг чанқовуз ва сози билан қаватида ўн қизи билан, Тегинаой келин бўлиб шаҳри Кешга жўнай берди. Ҳар алвонда нози билан, бүхча-бүхча сепи билан, гурсиллаган даби билан. Тўрағай баҳодир ёри билан, элда номусори билан йўл тортишиб жўнади йўлнинг нишоб-ури билан.

Алқисса, Тўрағай баҳодир Кешнинг одамларигаям катта келин тушар тўй қилиб берди. Қанча-қанча оқсоқол акобирлар хизматда турди. Кунлардан кун ута берди, ой қиблага ботаберди, икки барно бир бўлиб давур даврон этаберди. Тегинаойнинг боши қоронғу бўлиб эди. Тўрағайдай ёрини суйунтириб шодмон қилиб эди, боши қоронғу бўлганигаям олти ойча бўлган эди. Бир кеча нози уйқуда Тегинаой бир ёмон туш кўрди, тушида кўп аломат иш кўрди. Бир бургут Тегинаойнинг қофбиди утириб эди, бир вақт бургут осмонга парвоз қилиб учиб кетди, қайга борар экан деб орқасидан куз тутди, бургут неча товлардан ошиб қўздан ғойиб бўлиб кетди. Шу алфозда туриб эди қошига тўрт томондан тўртта аждаҳо етди, бири бу ёғидан, бири у ёғидан яқинлашиб келаётир, бечора Тегинаой уртада қолаётир, мени еманглар деб аждаҳоларга қараб йиғлаётир, шу вақт яна бир бўлак бўрилар ҳам оғзини очиб келаётир. Шу палла қўрқиб жойидан турди, қаватида ётган баҳодир тўрасини кўрди, хайрият тушим экан деб яна жойлашиб ётди.

Алқисса, орадан икки кун утиб эди шаҳри Бухорнинг хони Баёнхондан бир мактубнома келибди, бу мактубномада шундай гапларни баён қилибди: «Тўрағай

баҳодир, шаҳри Кешу Қаршига, шаҳри Бухорою Үрта Бузнинг даштига қиёмат кун солай деб куп әлатнинг бошига Бадаҳшон хони сон-саноқсиз лашкарини тўплаётган эмиш. Унинг айтган гапларини ўз әлати қўллаётган эмиш. Душман душманлигини билдиради, боғларнинг гулини сўлдиради, қўшин тортиб келса Ҷанча элни улдиради. Шу душмандан олдин ҳозирлик курмоқ даркор, қўшин тортиб эртароқ йўлга кирмоқ даркор, бизга ёв бўлган душманни ўз жойида қирмоқ даркор. Шаҳри Бухоронинг элига маслаҳатни қўйиб эдим. Тўрағай баҳодирни лашкарбоши қилинг, унинг қулидан шу иш келади, у одамдан ҳамма элу ҳалқнинг қўнгли тулади. Тўрағай баҳодир лашкарбоши бўлса ҳамма ишлар айтганидан зиёд бўлади дейишди. «Билишим, билишимга тушди бир ишим» деган экан, аввал бегона бўлсангиз ҳам энди бизники бўлдингиз, Ойтегинни биздан олдингиз, шодмон бўлиб ўйнаб-кулдингиз. Мен сизнинг орқангиздан сўзимни ташламас деб катта гапириб фармон чиқардим, сиз қўшинга лашкарбоши бўлдингиз. Энди тулпор отни сайлай беринг, белингизни икки жойдан бойлай беринг, мулжал узоқ, узоқ иўлни ўйлайберинг. Қўшинимиз келаси ҳафта йўлга киради, йўл тортишиб ўрта Бузга боради. Сиз шу ерда қушиласиз жами лашкар айтганингизга юради»,— деб номанинг охирига Баёнхон ўз муҳрини босибди.

Баёнхон бу шум хабарни шундайин билган эди. Хитой томондан Бухоронинг савдогар карвонлари қайтиб келган эди, душман босиб келишини хонга маълум қилган эди.

Алқисса, Тўрағай баҳодир бу мактубномани ўқиб бўлиб, Тегинаойнинг қошига келиб, сафарга кетишини баён қилиб, бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Қулоқ сол сўзимга Тегин гажақдор,
Бор сўзимни сенга айтай боякбор,
Ироқ йўлга кетар бўлдим қиб сафар
Бу элатга кепти бугун шум хабар.

Баёнхондан мактубнома келипти,
Сен туфайли мени ҳурмат қилибди,
Фармон бупти лашкарбоши бўлсин деб
Шул сабабдан тўранг кетар булибди.

Узоқ юрга бўлар энди сафарим,
Сенга қараб турар хешу табарим,

Мен келгунча эҳтиёт бўл ўзингга
Келган куним бўлар менинг хабарим.

Хон ёзибди: «Ташламанг деб сўзимди»,
Хоннинг фармонини қилмоқ лозимдир.
Шунгачайин ўзингга бўл эҳтиёт
Келган куним сен кўрарсан ўзимди.

Ғанимлар тушмасин сенинг изингга,
Сўзлаганда эҳтиёт бўл сўзингга,
Босган изинг билиб босгин севдигим
Қиши кеб қўшилмасин баҳор-ёзингга.

Келмасин бошингга бирор фалокат,
Икковимизга худо берар бош давлат,
То келгунча дуода бўб тур энди
Мен сени топширдим Ҳаққа омонат.

Обод қилдинг ўзинг қўнгил қалъамни,
Ҳақ эшиитди менинг қилган ноламди,
Омонат деб қодир Ҳаққа топширдим
Ҳам ўзингни, бўйингдаги боламни.

Давлатимиз яна бўлсин зиёда,
Мурод топсанг ўзинг қўнган уяда,
Яхши қунни худо берсин бизларга
Ёмон кун жўрмайлик фоний дунёда.

Фарзанд десам икки кўзга ёш урдим,
Майдон бўлса сонсиз ёвга туш урдим,
Бўйнингдаги болам сенга омонат
Болам сенга, сени Ҳаққа топширдим

деб Тўрағай баҳодир Тегинаойни ташлаб кетишга кузи
қўймаётир, қараб дийдорига тўймаётир, бу сафарга
бормайин деса баҳодирлиги қистаб қўймаётир. Нечача
нече сўзларни Тегинаойга тайин қилаётир, кўнглини кўтариб
кетайин деб қаҳ-қаҳ уриб кулаётир. Тұрасининг
гапларини эшитиб Тегинаойнинг бўғинлари бўшаётир,
кўзларидан ёш қуйилиб жушаётир, оққан ёши ёқасига
томчилаб тушаётир, Тегинаойга тұраси сафарга кетса
бир бало дорийдиганга ухшаётир. У кеча кўрган туши
эсига желиб, упкаси тулиб, тұрасининг қошига яқин
келиб, ҳар жойдан тимсол қилиб баҳодир тұрасига қараб
бир-икки сўз айтиётир:

Хар бир ишга Ҳақдан фармон бўлади,
Элдан-элга юрган жарвон бўлади,
Бир нарсани сизга айтай жон тўрам,
Айтмай қолсам менга армон бўлади.

Кўнглингизга бирор гаплар келмасми,
Сўзларимга ё кўнглингиз тўлмасми,
Бир нарсадан кўнглим олар хавотир
Шу сафарга бормасангиз бўлмасми?

Айтай десам куйдиради тилимди,
Айтмасам ўртайди найлай дилимди,
Шу сафарга бормасангиз бўлмасми
Сиз жетсангиз ким сўрайди ҳолимди?

Бир умрга сизман даврон айлайнин,
Қўзда ёшим мисли маржон айлайнин,
Ҳафта бурун ётиб носоз туш кўрдим
Кўрган тушим сизга баён айлайнин.

Утирабедим бургут билан бир булиб,
Кўнглим ўсиб мисоли ҳурдай бўлиб,
Бургут парвоз қилиб кетди йироққа
Қараб қолдим бир кўрмоққа зор бўлиб.

Тўрт аждар от қўйди ўртага олиб,
Хар ёқдан интилиб қошимга келиб,
Не қиларим билмай қолдим ўртада
Кўрқаман тушимни эсимга олиб.

Бу сўзимга хафа бўлманг, жон тўрам,
Кўнглингизга малол олманг жон тўрам,
Қошимдаги бургутимни кочирдим
Шу бургут ўзингиз бўлманг жон тўрам.

Ёмон сўзни мен тилимга олмайин,
Бир гап бўлиб мен уятга қолмайин,
Тушда илон билмам нима бўлади,
Аждарлар дамида нобуд бўлмайин.

Элингизга мен мусоғир, муштипар,
Йўлингизга қилиб кетманг интизор,
Билганимни бир-бир баён айлайнин
Не десангиз ўзингизда ихтиёр.

Алқисса, бу сұзларни үз ёридан, бир умрга вафодоридан, Тегинаойдай гажақдоридан эшитиб, эй севдигим, одам деган ҳар нарсани құнглиға ола бермайди, құрған түшиниям гап деб ўртага сола бермайди, туш деганинг үз оти билан туш бұлса, үнгіда түшдагиси келабермайди.

Аёл зоти боши қоронғы бұлғандан кейин ҳар хил түшлар кура беради, бослиққаныда ҳар нарсалар түшига жираберади. Унинг учун асло ғам ема деб Тегинаой ёрининг құнглини күтариб бир-икки оғиз сұз айтывы, овингириб турған жойи:

Еқанғ ҳұлдир күздан оққан ёшингдан,
Севдигим ғам ема құрған түшиңдан,
Насиб этса қайтиб келсам Тегиной
Дуру гавқар сочай сенинг бошиңдан.

Бу дунёда үйнаб даврон сурарсан,
Серфарзанд, давлатманд булыб юрарсан,
Тұрт аждақо құрган бұлсанг түшиңда
Йұлбарсдайин тұртта үғил құрарсан.

Тил борида равон-равон сүйлагин,
Бошиң әсон суқсурдайин бүйлагин,
Иzzат-икром қылди бизни Баёнхон
Баёнхоннинг шул хизматин үйлагин.

Хоннинг гапи сира ерда қолмайди,
Ҳар қимсани лашкарбоши қымайди,
Нома ёзиб юбориби ишониб,
Шу мавридга мен бормасам бұлмайди.

Лашкарбоши булыб әлни кезарман,
Күшинларни лак-лак қилиб тузарман,
Шу сабабдан ишонгандир Баёнхон
Ев йұлықса тандан боштан узарман.

Одам үлмас кун кураси тұлғунча,
Кулфат құрмас тақдиримға қолғунча,
Насиб бұлса үғилли буб турарсан
Бу сафардан үзим қайтиб келгунча.

Лашкар деган фуқародай бұлмайди,
Үнча-мунчаларнинг амрии қымайди,
Оқ юз билан Тегин жұнат тұрангни
Алқисса: бормасам сира бұлмайди,

деб Тұрағай баҳодир ёрига құнғилхушлик қилаётір, Ойтегин булса шүрқиллаб йиғлаётір, баҳодир белига ханжарли путасини боғлаётір, «Эрман — ҳар нарса дерман» деган экан, ғариб менинг гапимни олмайды, әркакда, үз билганидан қолмайды, нима булса тақдиримдан қураман, қодир Ҳаққа додим айтиб тураман, деб Тегинаой қола берди, Тұрағай баҳодир отига миниб үйлга равона бұлаберди.

Алқисса, Тұрағай баҳодир Үрта Бұзға пешин-пешин етиб келса сон-саноқсиз лашкар чодир-чаманини қуриб ёти. Кайфу сафосини суріб ёти, ғир хиллари қиличларининг юзларини құл саңғмонда, териб ёти. Тұрағай баҳодирга лашкарнинг пешқадамлари, хон томонидан тайин бұлған одамлари пешвөз чиқтилар. Шу жойда яна икки кунни үтказди, узига керакли саранжом-сарыштасини биткәзди, орқада қолган яна қанча лашкарларини оқсоқоллар еткәзди. Шундай қилиб, Тұрағай баҳодир шунча қүшинга лашкарбоши бұлыб остида оти-ни елдириб Бадахшон юртини нишона қилиб чошго-чошго жұнаб кетди. Алқисса, Үрта Бұзнинг үртасидан жұнаган, йўл-йұлакай тоғ, қанча-қанча азиз авлиёли жойларни тунаган құшин Бадахшон қайдаласан деб йұлни торта берсін, энди гапни бошқа ёқдан әшитмоқ даркор.

Тұрағай баҳодирнинг Тегинаойдан босқа турт хотини бор эди, ҳаммаси бир-биридан утган фирибгар эди, дунёда не ёмон қундошлиқ ёмон, бир-бирини күрганда қулидан келса үлдирмоққа тайёр эди. Бирининг оти Сора эди, қошлари қоп-қора эди, күришган үшакчи хотинга жұра эди; яна бирининг оти Ойдана эди. Құйғани хина эди, қылған иши үшақ билан гина эди; бирининг оти Гулсира эди, томоги ёмонлигидан доимо оғзиз-бурни шира эди, լұзини баланд қоғлаган аёллар ичиде бамисли тұра эди; яна бирининг оти Ойчаман эди, феъли ҳаммасидан ёмон эди, бир уришган одами билан яна ярашмоғи гумон эди.

Тұрт хотин Тегинаой келгандан бери, айникса буйида бұлғандан бери күролмай юрар эди, тұртови бир бўлиб овлоқ үйга киради, кенг даврани қуради, беш хотиндан қайсимиз хушрүй деб бир-биридан сұрап эди. Шунда Ойчаман: узи ёш қаламқош, ҳаммамиздан кичик устимизга тушган, қорниям қаппайиб шишган, кўрган бўйдоқнинг ақли шошган Ойтегин хушрүй-да, деб жавоб берар эди.

Алқисса, ҳаммасининг қўролмагани кенжা кундоши эди. Ҳар гапида Тегинаой гапнинг ўроли — боши эди, ўзиям ҳаммасидан ёши эди, феъл-автори жойида эси, ҳар ёққа чиқа бермас, доим уйида эди, тўрт кундоши бирикса Тегинаойни ёмонлашнинг пайида эди.

Бир куни гурунгнинг ўролида Ойчаман айтди: Бу тўқалак куйукка желиб юрганмикан кела солиб буғоз булди, эрига иссиқ юз бўлди. Бир куни лорт этиб бир ўғил туғиб берса кимсан Турағай баҳодирнинг суръ хотини булади. Ўғил туғиб берган хотин турганда туғмаслар ҳоварда қолади, ҳамма обрўй. Ойтегинники булади, ҳали бул қўзи очилмаган кучукдай гап ниманиям билади, мегажинни ҳар курганда ғижиним келади, шуни бола-поласи билан бошига етсак қандай булади? — деди.

Шунда бошқа кундошлар ҳам: Хўп, ажаб булади, — дейишаётир. Ойчаман: Эринг қурғурнинг ёриям янги иссиқ қучоққа урганган вақтида ташлаб кетди, шургиннанинг кузини ёшлаб кетди. Буни йуқ қилиб юборганимизда кимиям излаб келади, бирор билан ўйнаб ётган экан, сизнинг обрўйингизни ўйлаб охир чидай олмай эшигини пойлаб борсак ётиби бир гўрсұхта билан ўйнаб, қайтиб желиб уч одамни чақирбедик, бориб ўйнашпўйнаши билан олди бойлаб, десак шу ҳамишаги хомкалла Турағай бўлса ишонади-қўяди. Нима дейсизлар? — деди. Шунда Ойдана: бу тўқалакни йўқотишга-ку йўқотиш керагов, лекин бошқа йўл билан йўқотмоқ даркор, менга солсаларинг, гапимни олсаларинг, ўзимизда нима кўп тилла кўп, шундай ишга ярамаса бошимизга урамизми сандиқда сарғайиб ётган тиллони. Тиллони ишга солмоқ даркор, тилла билан бирорнинг ақлини олмоқ даркор. Не куп худодан қайтган одам кўп, тиллони кўрса бир Тегин эмас, ўн Тегинни бошига етади. Биз тайнинлашга тайнинлаймиз, ўзимиз билмаган бўламиз, тиллани олган юдан уйидан олиб кетади, нима қилса ўзи ҳисобига етади, деди.

Ойдананинг гали уч кундошга маъқул тушди, Ойдана, сен чиниман доносан-да дейишади, ҳар қайси бир лалидан тилла берадиган бўлишди, бу ишни гапга устароқ Ойчаман қиласди, деб маслаҳатни бир жойга қўйишиди.

Кундошлар тарқалиб уй-уйига жетди, шу кечада ётди, эрта-мертан тонг отди, Ойчаман бошига куртасини ташлаб қучага чиқиб кетди. Шу куни Кешнинг бозори эди, катта ариқда бир қўпrik бор эди, одамларнинг ўтаяпган

гузари эди, Ойчаман шу күприкниң қошига бориб, у ёқ-бу ёққа қараб туриб эди. Бир калласи кападай, танаси тепадай қул бир катта журжунни этнига ташлаб уриб келяпти. Буни күриб Ойчаман ёмон фикрларини жамлаб, ҳалиги қулни бир чеккага имлаб чақириб турибди.

Қул үзига үзи: Бу аёлнинг қадди-қомати келишган экан, беллари белдор, тўлишган экан, юзлари олмадай пишган экан, ўшиям эндигина йигирма бешдан ошган әкан, мен бир юрган қул бўлсан, мендай қулга қандай иши тушган экан,— деб ўйлаб-ўйлаб Ойчаманинг қошига борди. Шунда Ойчаман катта чинорнинг ианасига ўтиб, бечора буйдоқ қулнинг юрак-бағрини сўтиб, қўрқмай келаберинг, деб сўз қотиб, қул қошига келганидан кейин чечанлигини билдириб: йигит ҳам сиздай қўрқоқ бўларми,— деб кулдириб, қулга қараб, бир кўзи йўлга қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Дев ҳам кўрса қўрқар сенинг савлатинг,
Юришингдан купга ўшар ғайратинг,
Сўзларимга қулоқ солгин оғажон
Илойим кўп бўлсин сенинг давлатинг.

Ёшим тўлиб келар эди кўзима,
Сени дуч қилди худо үзима,
Чиқар сендан оға бирор маслаҳат
Қулоқ солиб тингла аввал сўзимга.

Раҳминг келсин кўздан оққан ёshima,
Ёмон кулфат тушди оға бошима.
Шир хўра жигарим қилди фарманда
Кўринолмай қолдим тенгу тўшима.

Манглайимда битта синглим бор эди,
Узи сулув, элда гажакдор эди,
Шу жувонмарг бизни қилди шарманда
Аташтирган полвон ёри бор эди.

Айтай берсам бўлмас сузим адоси,
Отамнинг бор эди бекдан қудаси.
Уғли билан бек кетгандир сафарга
Қайтиб келиб йифиб олиш ваъдаси.

Курган одам ҳавас қилар бўйини,
Бўй қизларнинг кўп экан-да ўйини,

Үйнаб-қайнаб бўғоз бўпти жувонмарг
Сарғайтди отамнинг ранги рўйини.

Улдирди деб отам шўрли бўзлайди,
Ўз ўлимин бек келмасдан кузлайди,
Даф қилгундай бирор мардак борми деб,
Қизи учун бир одамни излайди.

Отам айтар: элда қандай юраман,
Бундан кура очиқ гўрга кираман,
Бирор мард кеп шу қизимни йўқ қилса
Хақига тўрт лали тилло бераман.

Шарманда-шармисор бўлдим ўзим деб,
Элга қандай тушар энди кузим деб,
Шундай ишга мен шурлини жунатди
Мен бормайин, ўзинг боргин қизим деб.

Шундай бўлди оға бизга қабоҳат,
Бундай ишга йўл қуярми шариат,
Шу сабабдан оға сизни имладим,
Сизлардайдан чиқар эди маслаҳат.

Бир кечада даф қиласан кетасан,
Ироққа обориб яксон этасан,
Тўрт лали тиллони олсанг ҳақига
Ишламайин майда қувшаб ётасан.

Бир қизларни ўлдирсанг сен нетади,
Ҳа демай эсингдан чиқиб кетади,
Турт лали тиллани ўйла оғажон
Сендайларнинг бир умрига етади,

деб Ойчаман барзанги қулни галлайберди. Ҳар хил сўзлар билан алдай берди, шундай йўл билан Тегинаойни ўлдирмоққа йўллайберди. Қул тўрт лали тиллони эшишиб шошиб қолди, ғайрати тошиб қолди, қачон улдирайн деб бошини қашиб қолди, тиллони ўйлаб тезроқ қизни ўлдирмоқлик пайига тушиб қолди. Ойчаман мушкул ишининг осон бўлганига суйуниб, энди ғайрат қилинг деб, унинг биқинига туртиб, тийиниб, одамкўшинингга йўлиқдинг, энди ўзингдан кур деб Тегинаойнинг орқасидан койиниб турибди. Қул бўлса тезроқ кўрсат синглингни, синглингни ўлдириб түқ қилайин кунглингни, мен қизни қопга соб олиб кетаман, бир овлоқ жойга

оббориб, овлоқда яксон этаман, түрт лали тиллонгниям берасан, бирдан шундан-шүёкқа кетаман, бу ерларга қайтиб келиб-кетаман, дейтири.

Алқисса, Ойчаман қулни эргаштириб келиб, йироқдан Тегинаойнинг утовини курсатди, қулни ўз шаштидан тұхтатди. Кундузи түфри келмас, мен анави теракнинг қошига түрт лали тиллони олиб келаман, сен ҳам шу теракнинг қошига ярим кечада келасан, деб бир узун теракни курсатди. Кундузи бир овлоқда дамингни оласан әл уйқуга кетгандан сұнг келасан, кечаси олиб кетиб бир ёқлик қиласан, деди. Бу гап қулга маъқул тушди.

Қул бир овлоққа кетди. Куни бүйи бир жарнинг соясида ётди. Вақт ҳам ҳуфтонға етди, ярим кеча элат ётди, бир чаночга түрт лали тиллони жойлаб Ойчаман теракнинг қошига етди. Бир томондан қул ҳам энтикиб келиб қолди, чаночдаги тиллони олди. Тегинаойнинг утовига равона булди, тиллони қулга топшириб Ойчаман бунда қолди, қул кетиш вақтида Ойчаман берган қопни олди. Бориб утовга кирди, ухлаб ётган қизни курди. Шундай қилиб, ноз уйқуда ётган вақтида билдирмай қопга солиб Тегинаойни қул күтариб кетди. Қопни орқалаб иккى сойдан утди. Шу вақт ҳамма ёкни түзон тутти. Кунчиқардан келган довул қуюн булиб қулни учиривб осмону фалакка күтариб кетди. Қул шошиб қолди, энди үлдім деб дами ичига тушиб қолди. Үлдім деб кетиб бораётір ҳар доим ҳар доимда құзин очиб қараётір, қаватида ялтираб турған юлдузларни кураётір. Бир майдондан сұнг қуюн — түполон тина берди, қул ҳам қоп-попи билан шалпиллаб осмондан эна берди. Қул узини ерга тушиб майда-майда бұб кетаман деб үлдіга жүйди, лекин худди биров ёқасидан ушлаб баччани ерга құйғандай аввайлаб ерга құйди. Ұзининг тирик қолғанига ҳайрон қолиб, тилләм турібдимикан деб құлинин құйнинг солиб, тиллосининг борлигини билиб, бу қандайин сир бўлди, деб орқасидаги қопни ерга құйиб у ёқ-бу ёққа қараб туриб әди. Караса қошида бир қудуқ турибди. Қудуқнинг қошига келиб фаросат қилиб қараса, ниҳояти чуқур қудуқ экан. Шунда қул туриб ўйлади: Пичоқлаб үлдирсаям — үлим, ханжар билан сўйсаям — үлим, қудуққа ташлаб юборсаям — үлим, барибир үлим-да, кел-е, қўлимни қонга ботириб, қонни ювгали сув ахтариб юргандан кўра шу қудуққа ташлаб юборайн. Үлим деб гумон қилиб, қул бир томонга

солди-кетди, қопнинг ичида Тегинаой гумбирлаб қудуқ-қа тушиб кетди. Қоп бора-бора қудуқнинг тошларига тийиб кетди, тош тийган вақтида қурсоқдаги боланинг ўнг оёғига лат етди. Қудуқнинг ярим белига етганда бирор қопни илиб олди. Тегинаойни ўлимдан қутқариб қолди. Кароматман қудуқнинг ярим белида бир токча пайдо бўлди. Ҳалиги ушлаб қолган одам шу бино бўлган токчага чиқариб қўйди. Қопнинг оғзини ечди, қоп сирғалиб пастга тушди, шу вақт Тегинаой уйқудан кўзини очди, ўзини қоп-қоронғи чуқур жойда кўриб хуши бошидан учди, хаёли ҳар ёққа қочди.

Алқисса, Тегинаой ўзини бундай жойда кўриб ҳайрон қолди, диллари вайрон бўлди. Бу ерга қандай қилиб келдим экан ё менга бир бало бўлдимикан, ё ухлаб ётганимда бирор об кеб бир чуқурга солдимикан деб осмонга қараса баланд тешикдан юлдузлар йилтираб кўриниб турибди.

Тегинаойни мададкори ким эди, бу Темурнинг пири Бобо Саид эди. Бобо Саид Тегинаойнинг қундошлари қилаётган ишлардан хабардор эди, қул қопни кутариб жўнагандан сўнг, очилмай гули сўлмасин, ажали эрта тўлмасин, олиб бораётган қулни шайтон вас-вас қилмасин, бегуноҳ Тегинаойман ичидаги соҳибқирон қулнинг қулида нобуд булмасин, одамқушнинг олиб кетаётганини ўйғониб кетиб Тегинаой билмасин, юраги ёрилиб кетиб бир балога гирифтор бўлмасин, деб худодан мадад сўраган эди. Тегинаойга әлло таоло қаттиқ уйқуни берган эди.

Алқисса, пири Бобосаид кароматни кўрсатган эди, довул — қуюн бўлиб қулни қоп-попи билан осмону фалакка кутариб кетган эди, осмонда парвоз этган эди, ерга қўнган вақтида шу қудуқнинг қошига етган эди. Энди қул қўрқиб кутарган қопини ташлаб кетар, ўлмай қолганига ўз вақтини хушлаб кетар деб турганида қул қопни қудуққа отган эди, ўзи таваккал деб йўлга кириб кетган эди, кароматман Бобосаид қудуқнинг ярим белига қопдан олдин етган эди. Қопни ушлаб олиб қўлига тутган эди. Тегинаойман ичидаги боласини ўлимдан халос этган эди.

Алқисса, Тегинаой не қиларин билмай ўтираберди. Вақт саҳарга етди. Бирдан Тегинаойни тўлғоқ тутди. Тегинаой бундай ўйлаб қараса Кийик ширам қишлоғига келин бўб тушганигаям ўн ойга яқин вақт бўлибди, бўйидаги боласининг ҳам ойи-куни тўлибди, шул сабаб-

дан тұлғоғи қистаб келибди. Ана әнди қудуқнинг ичиде әканин билиб, күнгли бузилиб, күзига ёшлар тизилиб: Мени қилма хору зор, ёмон ишга гирифтор, қоронғу қудуқ ичиде үзим ёлғиз, кимим бор, бир оғим гүрда, бир оғим ерда бұлган вақтимда мадад бер парвардигор деб қодир оллони ёд этиб, тұлғоқ аралаш Тегинаой-нинг зор-зор йиғлаб турған жойи:

Бу қудуқда очдим найлай күзимни,
Кім об келган билмам бунда үзимни,
Банду бүғним, сұякларим қақшайды
Қодир олло үзинг бергін түзимни.

Мен турибман бүйнимга об үлемни,
Шундай вақтда билгин үзинг ҳолимни,
Мушкул ишим осон айла худойим
Омон-әсон құлға олай үғлемни.

Бир вақтлари элда бұлдим ғажакдор,
Бугун бұлдим шундай кунга гирифтор.
Бандангдирман обрүй бергін худойим
Бир чуқурда мени қилма хору зор.

Елғончининг иши шундай бұларми,
Мендай шүрлар бир чуқурда қоларми,
Кенг дүнәңгни үзинг құлдинг менга тор
Бұлмаса қудуқда тұлғоқ келарми?

Сенга етсин мендай шүрнинг ноласи,
Бузилгандир бұзлаб күнгил қалъаси,
Эсон-омон әнди бино бұлсин-да.
Шикор кетган баҳодирнинг боласи.

Іозимни юварман күзим ёшига,
Ёшим томиб бу қудуқнинг тошига,
Болам пири, келсин әнди, худойим,
Бобо Сайд үзи келсин қошига.

Пири билар ишнинг оғир палласин,
Мушкул ишим осон йұлға йұлласин,
Боламнинг пиридир Сайдбарака
Мен ўлсам-да, муридини құлласин.

Бұзлаётір Тегинаойдай муштипар,
Бор сүзини Ҳакка айтиб боякбор.

Күркма,— деган товуш келди ғойибдан—
Бўб турибмиз болам, сендан хабардор.

Подшоларнинг элда бўлар ноиби,
Қистовга ярамас отнинг майиби,
Соҳибқирон боланг бўлар қошингда
Соҳибқиронларнинг бордир соҳиби.

Комил пирлар шу қудуқقا дориди,
Инсу жинс баридан келиб қўриди,
Шу сўзлардан олиб кучу қувватти
Осон бўлиб Тегин қўзи ёриди.

Танасига пирлар сўзин ўйлади,
Боласини йўргакка об жойлади,
Омон-эсон олиб қўлга боласин
Қодир Ҳаққа минг бор шукр айлади.

Нидо келди: кўзингдан ёш қўймагин,
Яхшиликни ёмонликка жўймагин,
Соҳибқирон боланг бўлар жаҳонгир
Оти Темур бошқа исм қўймагин.

Алқисса, Тегинаой пирларнинг сўзини зикр қилди, бизни ҳам қўллайдиганлар бор экан деб фикр қилди, аввалига үзини, кейинига қўлидаги қўзини банд қилиб яратганига шукур қилди. Боласини қўлга олиб суюниб, бисмилло деб эмиза берди ийниб. Шу алфозда тонг отди, вақт ҳам чошгоҳга етди, боласиман овниб Тегинаойнинг ёлғизлигиям эсидан чиқиб кетди.

Ана энди Тегинаой боласиман бўла берсин, икки камлима сўзни бошқа жойдан эшитинг...

Турфа элатнинг ичиди бир Мусабой деган бойи бор эди. Мусабойнинг тўққиз сурув қўйи бор эди. Учи кам икки юз тойи бор эди, элга босилдириқ бўлгидай сояси бор эди. Ўн уч сурув туюси бор эди. Катта-кичик уч юздан ошиқ бияси бор эди. Мусабой тирамада бозор-учари яқин деб Кеш шаҳрига яқин жойдаги қишлоғига кучиб кетар эди. Даҳмардаю миражўрлари молларини боқиб чуллаётар эди. Мусабойнинг чулда Занжирсара деган қудуғи бор эди. Бу атрофдаги одамлар қудуқдан сув тортиб ичар эди. Молларини қудуқдан сугорар эди. Қовғани ўн-ўн беш ҳўқизнинг терисидан тикириб, пор туюларга тақтириб сув тортар эди. Қовғанинг катталигидан

унча-бунча арқон чидаш беролмай узилиб кетар эди. Шу сабабли арқон булмайди деб занжир билан қовғани тортар эди. Унда-бунча занжир ҳам бўлмас эди. Занжирларнинг зўридан саралаб тортар эди. Занжирсара қудуғи дейилишининг сабаби шу эди. Шу қудуқ қошида Мусабойнинг Занжирсара деган яйлови ҳам бор эди.

Мусабойнинг қудуғи шу Тегинаой турган қудуқ эди. Даҳмардалари навбат билан молларини сугорар эди. Алқисса, Содиқ сари билан Чори чиноқнинг шу куни навбати эди. Содиқ сари тушгача, Чори чиноқ тушдан кейин сугорар эди.

Алқисса, Содиқ сари сув тортгани чошгоҳда етиб келди, занжирнинг учини қўлига олди. Ўн олти туяга тиркаб тортар эди, аввал туюларни қаватма-қават тиркаб, занжирни бирин-бирин улаб қовғани қудуққа ташлади. Ҳайт деб сувни торта берди. Қошидан шивиллаб утаётган қовғани куриб, ҳар хил хаёлларга бориб Тегинаой ўзига ўзи ўйлади: Худонинг бундан зиёд каромати буларми, бизни чиқариб олгали қовға келарми, энди вақтимни хушлайн, боламни белимга маҳкам бойлаб қовғани маҳкам ушлайн, ким бўлсаям бизларни ёруғ дунёга чиқариб олар, деб улини рўмол билан маҳкам бойлаб, қовғани ушлади авайлаб. Ана-мана дегунча қовға билан ташқарига чиқиб кетди. Бу ишлардан бехабар Содиқ сари: Сағара бир гап булдими, туюларнинг кучи адo бўб қолдими, нимага қовға оғир бўб қолди, тошга илашиб қолдими деб сўкиниб шундай қараса қовғани ушлаб турган одамзотга кўзи тушди, Содиқнинг ақли шошди, қилар тадбирдан адашди, турган жойида қотиб қолди, эс-хуши кетиб қолди, қўрққанидан мадори қуриб ҳисоби йитиб қолди.

Бир майдондан сўнг чўпон ўзига келиб қараса жамоли ойдай, қўзлари қарчигайдай, сини-симбати желишган, юзлари олмадай пишган, ёши ўн бешдан ошган, кўрганлар эсдан адашган, қошлиари қийилган, соchlари елкасига ёйилган бир сарвқомат қиз Содиқ сарига ўй суриб қараб турибди. Икки бетида иккитадан тўртта холи бор, ҳар қандай шаҳзодага хотин бўлгундай ҳоли бор, қиз деса қулида ингалаган ули бор. Шунда Содиқ сари ўзига ўзи: Отим Содиқ сари эди, катта юртнинг нори эди, кеча-кундуз тилаганим шундай пари эди, ўзим ҳам уйланолмай эсим кетиб, каллам қотиб, куринган қизларга кузимни сотиб юриб эдим, ана энди хотинлиям бўлдим деб Тегинаойнинг қошига бориб вақтини

хушлаб, ҳар хил қилиқни бошлаб, Тегинаойнинг қўлидан маҳкам ушлаб, қучоғига тортмоқчи бўлиб, муродига етмоқчи бўлиб, рози бўлса давру даврон сурмоқчи бўлиб, қиз бўлмасаям майлига, қўйни ташлаб ўзга юрга кетмоқчи булиб Тегинаойга тармаша берди, ҳадидан ошаберди, буни куриб Ойтегиннинг ақли шошаберди, шарманда бўлдим деб кўзига ёш жўнаберди, кўзида ёши мултираб, бўғинлари қалтираб, чўпонга қараб бирикки оғиз сўз айтаётир:

Мен йўқоттим оға, юрар йўлимни,
Жоним оғам танг қилмагин ҳолимни,
Қиёматлик сингил булаӣ ўзингга
Кўйиб юбор ушламагин қўлимни.

Аввалига бино бўлмай ӯлайин,
Тар очилган қизил гулдай сулайин,
Қўлим ушлаб мени қилма шарманда
Қиёматлик сенга сингил бўлайин.

Қодир ҳаққа айтар менинг нолам бор,
Куйғанлардан ўзим, кўзда жалам бор,
Насиб этса бир кун келар отаси
Қиз дема ўзимни, кўрдинг болам бор.

Сен ўзингни кўп зўравор билмагин,
Мени қийнаб бунда абгор қилмагин,
Худонинг қаҳрига дучор бўлмагин,
Оғам дедим ташламагин сўзимни.

Үт туташди найлай губдай танима,
Шу юришлар тегди менинг жонима,
Бомдод вақти, оға, кўзим ёриди
Мен ботиб ётибман қизил ашкима.

Менга ўтди айрилиқнинг ситаси,
Ҳолим кўрса йиғлар чўлнинг бўтаси,
Бир куни келиб танда бошинг юлмасин
Қўлимдаги шу боламнинг отаси.

Чупон бўлиб юргин қўйу қўзингга,
Бир балолар кўриндими кўзингга,
Қиёмат савдосин қўйдим орага
Бир худодан инсоф тила ўзингга.

Бир вақтлари мендаям уй бор эди,
Еш бошимга ҳар хил кулфат дориди,
Құдуқ бұлды наилай менинг маконим
Құдуқнинг ичіда күзим ёриди.

Күнглингга ҳеч ёмон ишлар келмасин,
Оға сени шайтон вас-вас қымасин,
Шайтоннинг сүзига кирма мард бұлсанғ
Қиёматда юзинг қора бұлмасин.

Алқисса, шундай гапларни айтиб чүпонга ёлвөра-
ётір, лекии чүпон ҳеч бұшамай қайта тирмашаётір. Бу-
лар шу алфозда ёқалашиб туриб эди: Ҳұ, нима гап?—
деб бир одам желиб қолди. Содиқ сари бундай қараса,
үзининг бойын, остида ғуной тойи, Мусабой кеб қопти.
Шунда Мусабой чүпонни койиб, дунёда аёл борми бесо-
йиб деб бир-икки оғиз сүзин Содиқ сарига айтаётган
жойи:

Бу муштипар турар ранги сарғайиб,
Күппак итдай сен кетибсан талтайиб,
Бирорнинг хотинин нега ушлайсан
Хотин борми чұлда юрган бесойиб.

Ёқалашиб үзингни зүр биласан,
Бу ишингман охирі күр бұласан,
Қаҳрим келса билгин үзинг ұласан,
Аёл борми чұлда юрган бесойиб,

Овлоқ жойда сен үзингдан кетасан,
Бир шүрликнинг жигар-бағрин сұтасан,
Чирқиради құлидаги боласи
Болани майиб қиб қүйсанг нетасан.

Сен жувонмарг, билиб юргин ҳолингни,
Билмай қопсан дейман босар йүлингни,
Үткинчи аёлман нима ишинг бор
Ҳолинг билиб боқабер-а молингни.

Булут келмай баланд товда қор қайда
Хизмат қымай савдогарга иор қайды,
Мол бергандай тармашасан жувонмарг
Сенга чұлда текин келган ёр қайды?

Эрига бу ишни маълум қымасми,
От ҳайдаб устингга эри келмасми,

Сапчадай қиб бу бошингни олмасми
Армон билан сендай номард ўлмасми,

деб Мусабой ўз чўпони Содиқ сарини сўкиб, икки-уч
қамчини ёнбошига сўкиб, ҳар алвонда гаплар билан
нуқиб ташлади. Шундан сўнг муртини бураਬ, узангига
оёғини тираб, Тегинаойга қараб манзил маконини, су-
юшган полвонини сўраб Мусабойнинг айтаётган сўзи:

Ҳайрон булиб, болам, сенга қарайман,
Рост сўзласанг ўз боламдай кўрай ман.
Бу жойларга қандай тушди гузаринг
Манзилингни, маконингни сўрайман.

Ё бирордан бирор ситам ўтдими,
Бир гап билан жигар-бағринг суттими,
Не сабабдан овлоқ жойда юрибсан
Ё бирор бўзлатиб ташлаб кетдими?

Не сабабдан ташлаб чиқдинг жойингни,
Мен сўрайман олганингни — бойингни,
Қайси элда болам, кимнинг қизисан
Ким дейди маълум қил қиблагүйингни?

Қаердадир ўйнаб-усган маконинг,
Борга ушар қайфу билан армонинг.
Об келиб шу чўлга ташлаб кетдими
Ким эди, жон болам, суйиб олганинг?

Бу дунёнинг иши шундай бўларми,
Ҳар бандани ҳар хил куйга соларми,
Қўлига боласин ушлаб сендайлар
Бутадайн бўзлаб чўлда қоларми?

Не савдолар тушди азиз бошингга,
Еқанг ҳўлдир кўздан оққан ёшингга,
Халиям, жон болам, бахтинг бор экан
Обруйинг тўкилмай келдим қошингга,

Билмам борми манглайнингда шур ишинг,
Ҳайрон қилди мени чўлда юришинг,
Жонингдан тўйдингми сўзла ростингни
Кўп бўлдими уйда жанжал-уришинг?

Тегинаой бу сўзларни бойдан эшишиб: Бу одамга
нимадесам экан? Бу одам дўстми-душманми, чўпондан

айнириб олишига, ҳар хил сўзларни орага солишига қарасам ақли-фаросатли одам кўринади. Мол оласи ташида, одам оласи ичидан дейишади, бу одам ҳам бизни кўролмай юрганлардан бўлмасин, тилим тойиб кетиб бошим яна бир балога қолмасин, сипоҳи халқининг душмани кўп бўлади дейишади, мабодо бу одам тўрамнинг душмани бўлмасин, нима бўлсаям ўзимни танитмайин, Тўрағай баҳодирнинг хотини бўламан деб айтмайин, ёлғон гапирганимни билиб утирибдими деб оғзига келганини сўзлаб, бутадай бўзлаб: Бобожон, мени сўрасанг ўз йўлидан, ўз хилидан, боғдаги гулидан, ўйнабусган элидан адашгандан бўламан, ота-онадан етим қолиб ақли шошгандан бўламан, бир момонинг қулига уч ёшимда қиз бўлиб тушгандан бўламан, вояга еткашиб ўз тенгима момом қўшгандан бўламан, эримни Бадахшонга навкар қилиб олиб кетиб, ўз ёридан адашгандан бўламан. Иккى қайним бор эди, безор қила берди, иззага чидай олмай бошим олиб шу йулларга тушгандан бўламан, саҳар-саҳар шу қудуққа дуч келиб, дам олиб кетайин деб турганимда кўзим ёриб, шод бўлиб, дарёдай тошгандан бўламан, чошгоҳ бўлган вақтда шу чупонингизни қўлига тушиб дод дебон шошгандан бўламан деб ҳар хил ёлғон-ёшиқ гапларни ростдай қилиб Тегинаойнинг Мусабойга қараб айтган сузи:

Жоним бобо бу пешонам шур экан,
Кўп кўргилик тақдиримда бор экан,
Бевақт айрилганман ота-онадан
Етимларга шу кенг дунё тор экан.

Етимлик ўртади, бобо, танамни,
Шу жунларга солди мендай санамни,
Вабо тегиб шурлик ўлган дейишади
Мен билмайман оқ сут берган энамни.

Худо солди адo бўлмас ситамни,
Ўзи кечирсин-да гуноҳ, хатомни,
Энамман баробар ўлган дейишади
Таний олмай қолдим, бобо отамни.

Уч ёшда баридан жудо бўлганман,
Етим бўлиб овлоқ уйда қолганман,
Рахми келиб олиб кетган бир момо
Шу момо қўлида катта бўлганман.

Ота-эна дерга, бобо зор бўлдим,
Бўй кўрсатиб бир кун гажақдор бўлдим,
Момом қўшиди бир йигитга тўй қилиб
Ерим кетиб, охир шундай хор бўлдим.

Бор гапим шул, шундай бўлиб келаман,
Кун кўрар бор бўлса ўйнаб-куламан,
Бошим овган ёққа кетиб бораман
Қизсизга қиз, улсизга ул бўламан.

Мусабой шундай бої эди, ниҳоятда мард, бамисли Хотамтой эди, унча-мунча нарсаларнинг фарқига бор-мас эди, бирор бир иш қилаётган бўлса сояда қараб турмас эди, бирорларга мол-ҳол қарз берсаям бер деб қистаб бормас эди, бир гапнинг изини суриштириб юр-мас эди. Тегинаойнинг гапларини эшитиб: Эй қизим, ундаи бўлса уйимга олиб кетайин, сенга ӯхшаш икки қизим бор, шуларга қўшиб уч қизли буб ётайин, юрма болам бу чўлларда бетайин, қизларим не жийса сенгаям кийдираин, қизларим тўқ бўлса сениям тўйдираин, бир кун эмас, бир кун шикор кетган ёринг келиб қолса икковингни бириктириб қийдираин, қайта бошдан катта тўйини қилдираин, сени ўз болаларимдай кўрайин, ёринг келгунча тарбия қилиб юрайин деб Тегинаойни уйига эргаштириб кетди, олдин-кейин уйга етди. Мусабойнинг Ойширин, Гулширин деган икки қизи бор эди, икковиям бўйи узун бўйдор эди, сут устига бино бўлгани учун қайсиси катта, қайсиси кичик эканини билиш душвор эди. Кўрганлар ҳавас қилар эди, келин қилайин десаям — Мусабойдай боїга тенглашолмаймиз деб ўйланиб қолар эди. Икки қизининг ҳам бўйи етган эди, Ойширину Гулширин деб добираси кетган эди, бирори ўн бешга, бирори ўн олтига кирган эди.

Алқисса, Мусабой Тегинаойни қизларига қўшиб қўйди. Бирордан икки яхши, икковдан учов яхши дегандек қизлар, бир-бириман ўйнаб-кулишиб, ҳар хилда ҳазил қилишиб, гоҳ ўйнашиб, гоҳ олишиб, кунма-кун ойдай тўлишиб, давру давронини сураберди. Энди гапни ўзга жойдан эшитинг.

Хуросон деган бир катта мамлакат бор эди, унинг подшосини Кўкалдош дер эди. Кўкалдош подшонинг қанча-қанча тўпу тўпхонаси, олти минг отхонаси бор эди, қирк минг одамни лашкар қиб тўйдирган эди, ҳаммасига бир хилда кийим кийдирган эди, ҳаммасини

отли қиб отига арпа, үзига кўрпа бердиран, кайфу са-
фосини сурдиран эди, қирқта қуръа дузи бўлиб, қир-
қига ҳар куни қуръани курдиран эди.

Бир куни қуръадўзлар қуръасин куриб Кўкалдош подшога кўрганидан хабарни бериб, Искандар қуръа-
дўз қирқига бошли эди. Искандар қуръадўзларни эр-
гаштириб шоҳнинг олдига кириб, аввалига салом бериб
сўзлайман деб томоғин қириб қуръадўзнинг ҳаммаси-
нинг тилидан кўрганин бирма-бир териб, эй тақсир
подшоҳим, ўйласам бўғиним бушайди, кўзимга ёшим
жўшайди, қуръада куришгани рост бўлса дунёда бир
зўр бино бўладиганга ўхшайди. Минг йил даврон айла-
гидай, шоҳларни яксон айлагидей қанча-қанча мамла-
катларни бўйсундириб, қалъа, қўроғи айлагидай, деб
Искандар қуръачи Кўкалдошхонга бир-икки оғиз сўз
айтиб турибди:

Куним борда Элда даврон айлайнин,
Аттанг деб ёшимни маржон айлайнин,
Сузларимга қулоқ солгин подшоҳим
Кўрганимни бир-бир баён айлайнин.

Қуръамида шундай бир сир кўринди,
Қанча шоҳнинг манглайи шур куринди,
Бир бола туғилиб булар жаҳонгир
Подшоларнинг баридан зур куринди.

Остига чилтонлар кўрпа тушайди,
Минар отин саҳобалар қашлайди,
Кўрганимга кўнглим борар бузилиб
Зўр жаҳонгир бино булар ўхшайди.

Тўқсон юртга ўтадиган амри бор,
Минг йил яшар жуда узоқ умри бор.
Ўйлай берсам найлай кунглим бузилар
Соҳибқирон булар ўзи зўравор.

Қанча шоҳнинг қўроғонини бузгидай,
Подшо бўлиб сонсиз лашкар тузгидай,
Ҳали ётири эна қурсоқ ичида,
Бино бўлса ҳамма шоҳдан ўзгидай.

Бино бўлса ул вояга етмасми,
Иигит бўлиб қўлга ханжар тутмасми,
Тўқсон подшо қарар бўлса измига
Сенгаям бир куни навбат етмасми?

Кетар үхшар сен қурдирған салтанат,
Үйласам бўзларман йиглаб надомат,
Бино бўлса кун қиёмат бўлмасми,
Энди, шоҳим, ўзинг бергин маслаҳат.

Бу сўзларни Искандар қуръадўздан эшитиб Кўкал-
дош подшонинг ақли шошаберди, юрагига ғулғула ту-
шаберди, ақли доно вазирларини, оқсоқол акобирлари-
ни ҳузурига чақириб кенгашаберди, Тошботир деган ва-
зир жойидан туриб, ўзини бошқалардан ақлли кўриб:
Эй подшоҳим, бунинг учун асло ғам еманг, ўзингизни
у баччадан кам деманг, ҳали у бачча отасининг белидан
энасининг қурсоғига ўтган бўлса, бир чангл гўшт бў-
либ энасининг ичидаги ётган бўлса, бунча ол кетди гап
не даркор? Агар менга солсангиз, сўзларимни инобатга
олсангиз қуръадўзларни хизматга солсангиз, бу бачча-
нинг эгаси қайси мамлакатда эканини қуръадўзлардан
билисангиз, бино бўлмай даф қилмоқнинг пайида бўл-
сангиз, даф қилиб келмоққа одам сайлаб, шуларга ме-
ни бош қилсангиз,— деди.

Тошботир вазирнинг гапи ҳаммага маъқул бўлди,
унинг айтган сўзларига ҳаммаси қойил қолди. Алқис-
са, қуръадўзлар хизматда бўлди, қулларига қуръасин
олди, охири баччанинг қайси элатда, қайси мамлакатда
экани аён бўлди: Бу бачча энасиман Самарқанддан бе-
рида, Қарши деган шаҳардан нарида кўриниади, деб
қуръадўзлар Кўкалдош шоҳига баён қилди. Шунда Кў-
калдош шоҳ Тошботир вазирни чорлатиб, вазирга қа-
раб суз қотиб, одамкўшларга бошли этиб: «Айтган
амримни биласан, шу ишга ғайрат қиласан, тўрт кишини
сайлаб, қаватингга оласан, от ҳайдаб йўлда еласан, ос-
моннинг остида бўлса, ернинг устида бўлса шу бачча-
ни эна-пенаси билан ўлдириб келасан, деб қанча-қанча
гапларни тайинлаб, Кўкалдош подшо Тошботирга қараб
айтаётган сўзи:

Одамқуш айладим эшиит сўзимди,
Шундай хизмат сендан бўлмоқ лозимдир,
Хар ишишгни билиб қилгин, Тошботир,
Сайлаб мингни ўзинг аспи тозимди.

Бор сўзимни айтай сенга боякбор,
Тўрт одамга ўзинг бўлгин жиловдор,
Дўст-душманга билдиримагин спирингин
Гоҳ эллардан ўтгин бўлиб қаландар.

Бұлак-сұлак ёвни яқсон этарсан,
Күп жойлардан қаландар бұб ұтарсан,
Чарчаганда овлоқ жойда ётарсан
Охир бир кун шул манзилга етарсан.

Англаб билгин аввал юрган элини,
Оти нима, үзи кимнинг келини.
Топиб олсанғ шу баччанинг энасин
Қорнидан тилицілік үлдір улини.

Қуръадұзнынг бириң олғин қошинга,
Қандай бұлса пухта бұлғыл ишиңгана,
Шу мушкулни үзининг бажо айласанғ
Ойчинорни құчоқлатай түшиңгана.

Тулпор миниб майдон-майдон олиб кел,
Ұша юртга қиёмат кун солиб кел.
Катта ишга боряпсан Тошботир
Баччани үлдириб, яқсон қилиб кел.

Сен ишонгин менинг айтган сұзимга,
Ваъда бердим қайтмам сира изимга,
Ғайрат килиб шу хизматин қиб келсанғ
Құшар бұлдым Ойчинордай қизимга.

Алқисса, бу сұзларни Құкалдош подшодан әшитиб Тошботир вазир хушвақт бұлиб, мийніға кулиб, ҳали күрмаган, билмаган баччани энаси билан нобуд қылғандай бұлиб, қайтиб келиб шоқнинг қизи Ойчинорни олғандай бұлиб, хилча белидан тортиб қүйніга солғандай бұлиб, ғайрати тошиб, ҳаддидан ошиб, қопдай шишиб, жұнамоқ бұлаберди, баччанинг пайига тушиб, подшога қараб, қуръадұзнынг энг билгірини сұраб турибди. Құкалдош подшоям қайсисини олсанғ, сарлаб олавер деб вазирининг ҳар сұзини яхшиликка жұраб турибди.

Алқисса, Искандар қуръадуз Тошботирга ҳамроҳ булиб борадиган бұлди, лашкарларидан Тошмирза түқчини, Сулаймон токчини, Муртазо байроқчини сарапалаб олди. Беш киши биргалашып остида отлар йүрғалашиб, анча тоғу чұлдан ошиб, турли-туман әлдан ошиб, қанча-қанча дарё-күлдан ошиб, йўлнинг танобини тортиб, гоҳ юриб, гоҳ ётиб, қуръадұзи қуръа тутиб, борар жойини нишон тутиб кета берсін, энди гапни үзға мамлакатдан әшитинг: Қуръадұз сақтайдиган етти мамлакат бор эди, бирні Хуросон эди.

Хурсоннинг одамлари йўл тортишман сарсон эди, бири Ироқ эди, йиққани яроқ эди, эккани терак эди, ёққани чироқ эди, мингани пироқ эди, яхшиликдан йироқ эди: бири ўрис эди, салтанати кўп шоҳларнидан дуруст эди, бири фаранг эди, қуръасига шу бачча тушгандан бери нима қилишини билмай ҳаммаси гаранг эди; бири Ҳиндистон эди, қизларининг хушрӯйлиги элларда достон эди, эркаклари айер, хотинлари маston эди; бирини Бум дер эди, қўй сўймай товуқ сўйиб ер эди, уларнинг гапини маъқуллашиб товуқ гушт даво бўлар эмиш дер эди; бири Хитой эди, эккан экини чой эди, ниҳоят пухта эл эди, шунинг учун ҳамма эли бирбиридан бой эди.

Алқисса, етти мамлакатнинг аркону давлат қуръадўзлари қуръасидаям соҳибқирон баччанинг бино бўлиши кўринган эди. Эшитгани юрап йўлидан суринган эди, нима бўлсаям шу баччани даф қиламиз деб ҳар қайсиси ҳар жойдан уринган эди.

Қуръадўзлар қуръасин созлаб, узоқ манзил жойни кўзлаб, баччанинг тураг жойини излаб, ҳар қайсиси ҳар жойдан жўнаган эди. Етти мамлакатнинг йўлда келаётган одамлари бошқа мамлакатнинг одамларини билмас эди, ўз йўлидан қолмас эди, белига бойлангани олмас эди, минган тулпори толмас эди. Гоҳ пиёда, гоҳ сувора йулларда булиб овора ҳар қайсиси ҳар ёндан Занжирсара томонга яқинлайберди бора-бора. Шундай қилиб, ой қиблага ботаберди, неча куну неча ҳафта ўтаберди, сатта золим одамкушлар тинмай йўлни торта берди, нечови йўлдан адашса яна қуръа тутаберди, мўлжаллаб юрап йўлини, боз йўлига кетаберди. Осмонда ой тўлган эди, ёвлар йўлда елган эди, одамкушлар этишгунча бачча бино бўлган эди. Олдин-кетин худди ваъдалашгандек одамкушлар Занжирсарага даҳл бўлган оқшоми Сайдбарака отини Темур қўйган баччаем олти кунлиқ бўлган эди. Қуръада куриб, аниқ нишон қилиб Занжирсара кишилогига асир бўла келган эди, йўлнинг устига ё баҳил ўтиради, ё меҳмондуст сахий ўтиради, дегандай Мусабойнинг уйи катта йўлнинг устида эди. Карвон ўтсаям, тўй излаган полвон ўтсаям Мусабойнинг нон-тузини тотиб кетар эди, чарчагани бир кечакки кеча ётар эди. Мусабойнидан нонсизи нон, сувсизи сув олиб яна йўлига кетар эди, шу боисдан ҳам бурилиб келган одамни суриштириб ётмай, тилига тушунмасаям иззатига етар эди. Аямай қўйни сўяр эди,

ҳар хилда овқат пишириб меҳмонларга қўяр эди, оч кетдим дегани бўлмас эди, келган меҳмон тўяр эди, бир хил очкўзроқ меҳмонлар қорни тўйгандан сўнг, дастурхондаги нонларни олиб белбоғига туюр эди.

Алқисса, бугунги келган меҳмонлар ҳар хил тоифадаги одамлар эди. Ҳамишаги Мусабой-да, учта қўйни бирдан сўйди, хизматкор йигитларни хизматга қўйди, катта меҳмонхонаси бор эди, келган меҳмонларнинг бирини шу меҳмонхонага жойлади, олдиларига узун дастурхонни тайлади, барини меҳмон деб сийлади. Меҳмонлар ҳам еб бўлиб қанча овқатти, бир-бириман қилиб сұхбатти йўл юриб чарчаган эмасми, таппа-таппа ётди, бари уйқуга кетди. Ана энди гала одамкуш Мусабойнинг меҳмонхонасида ухлайберсин икки калима сўзни бошқа томондан эшигинг.

Вақт ярим кечадан утиб эди, балки саҳарга етиб эди. Тегинаой ноз уйқуда ётиб эди, ухлаб ётиб бир носоз туш кўрди, ўзини нохуш кўрди, тушида кўрсатиб кароматини, эшитиб Тегинанинг додини, Темур деб қўйган боласининг отини Сайд Барака пири Тегинаойга қараб зорлаб турибди, «ҳаялламай шаҳри Бухорога келгин» деб чорлаб турибди, куйиб-пишиб манглайлари терлаб турибди. Бобо Сайд пирининг Тегинаойга айтатётган сузи:

Сен муридсан, мен пириңман Тегина,
Сўзларимдан сен хабардор бўлгина.
Неча сўзим сенга айтай қулоқ сол,
Ҳаялламай тез Бухоро кегина.

Еқангни ҳул қилас, қизим ёшинга,
Не кулфатлар солай дейшиб бошинга,
Тур жойингдан Бухорога кел, қизим,
Қанча душман бориб қунди қошинга.

Тонг отгандан сўнг кун қиёмат бўлгудай,
Борган фаним сени англаб билгидай,
Муаллақ, бир ажал келган үхшайди
Ўзингни ўғлингдан жудо қилгудай.

Шундай кунда паноҳ берсин қодир Ҳақ,
Бил сенларга ажал келди муаллақ,
Фанимлар қулига тушма жон болам,
Қўлга тушсанг ўғлинг улар билгин нақ.

Сени үйлаб ташвиш ўртар танимди,
Мурид десам қийнаб танда жонимди,
Бир бўлак одамкуш борди қошингга
Дўст демагин бари сенга ғанимди.

Муштипарсан, на иш келар қўлингдан,
Тез жўнагин қолма болам йўлингдан,
Тонг отган сўнг ғаним сени бўзлатар,
Айриласан қўлда гўдак улингдан.

Жўнаганинг бирор одам билмасин,
Олдинг ўраб касофат иш қилмасин,
Ғанимлардан йироқ юргин чирофим
Соҳибқирон билан нобуд бўлмасин.

Эрта чошгоҳ ёвга дучор бўласан,
Қўзингдан айрилиб бўзлаб қоласан,
Эртароқ тушмасанг Бухор йўлига
Болангнинг қонига забун бўласан.

Ана шунда эшлиб пирининг сўзини Тегинаой уйқудан очди кўзини, «ҳай аттанг» деб кўлкаси тўлиб, қўлига боласин олиб бошига сочини тирмаклаб туйиб, икки кўзидан ёшини қўйиб, бир телпакни бостириб кишиб, пою-пиёда йўлга тушди. Бошга тушса кўз тортар дегандай таваккали худо деб ўзи билмаган йўл билан, қанча қумлоқ чўл билан, зор-зор йиғлаб, сийна-бағрини доғлаб Тегинаойнинг йўлда кетиб бораётган жойи:

Бугун этдинг мени гадо,
Зорим эшиш қодир худо,
Бошимга солма шур ғавро
Сен ўғлимдан қилма жудо.

Ўзинг бўлгин мададкорим,
Қайда билмам севган ёрим,
Ғанимларга дуч қилмагин
Бўлмади ишда барорим.

Оёғим йўлда қаварди,
Ёшларим сели-себарди,
Боламнинг қайдা отаси
Билмадим ундан хабарди.

Иүлим очгин тұтасидан,
Дарак йүқдир отасидан,
Отасин топмай юрганда
Айирма бұтасидан.

Ситамим бұлди зиёда,
Муна ёлғончи дунёда,
Құзимни құлга күтариб,
Йұл торттим найлай пиёда.

Оёғим қолди тилиниб,
Устим тиканга юлинниб,
Қаватда ҳамдард бұлмаса,
Муштипарлигим билиниб.

Аввал этдинг элда сара,
Бугун қиб мунгли бечора,
Хайронман худо ишиңнега
Чұлларда қылдинг овора.

Алқисса, худонинг каромати билан, Сайд Барака пирининг шарофати билан бир жиірөн қашқа от Тегинаойга күндаланғ келди, буни күриб Тегинаой аввалига ҳайрон бұлди, изига шодмон бұлди. Шундай отнинг қошига бориб қараса мукаммал анжоми бор, қочса қутыладыган, құвса етадыган дами бор, бели маҳкам тортылдыган, әгарининг ортига бұктаруви ортилдыган, жилов или әгарининг бошига қистирилиб турибди.

Буни күриб Тегиной үзіча фикр қилиб, қодир Ҳақ-қа шукр қилиб, отнинг кошига келиб манглайн силаб күрді. От бошини әнкайтириб турди. Отни бир чуқур жойға еталаб борди, бисмилло деб тошға оёғин қўйиб миниб олди. Отга минган ҳамоно Тегинаойға зўр құдрат келгандай бұлди. От шариллаб жұнай берди елдай бұлиб, сойдан оққан селдай бұлиб, баланду паст жойлар унга мисли ҳовор йўлдай бұлиб, Тегиной вақтини хушлаб, әгарининг бошидан маҳкам ушлаб, от жиловини үзи ихтиёрига тамшлаб, юришга күнгли үсиб, боласин бағрига босиб, бийдай Ҳовар чұлини кечиб кета берди. Фойибдан келган жиірөн отга миниб, от эса нишобларга кийикдай эниб, Тегинойнинг айтганига куниб, юришини таваккал қилиб кетаётган жойи:

Эгар бошидан маҳкам ушлаб,
Юришига вақтин хушлаб,

Борар йулни ўзи бошлаб,
Ғойибдан келган жийрон от.

Гоҳида йиғлаб зору зор,
Шайх эди бундан хабардор,
Каромату шарофатдан
Келган эди шундай тулпор.

Тегинойим борар якка,
Сиғиниб қодир фалакка,
Остидаги бедов тулпор
Үйнаб йўлда дирка-дирка.

Йўл тортиши мисли ушди,
Осон қилиб мушкул ишди,
Йўл дегани писанд эмас
Балки қанот боғлаб учди.

Қойил бўб Ҳақ қудратига,
Товба қилиб гудуратига,
Миниб Тегиной йўл тортти
Ғойибдан келган отига.

Ҳақ эшитди ноласини,
Олдига олиб боласини,
Ҳар деганда кесиб ўтди
Эр Хизирнинг даласини.

Маҳкам қиб ушлаб улини,
Минган ғойибнинг молини,
Комил пири устоз шайхи
Билганди унинг ҳолини.

Ўтган жойи тўзон тутиб,
Бухорони нишон этиб,
Алҳамди бир қайтаргунча
Қанча чўлдан кетди ўтиб.

Йўл тортади шундай жонивор,
Вақтин хушлаб Тегин дилбар,
Қаерга борарин билмайди
Юрган жойи бийдай Ҳовар.

Ҳаққа шукур этиб борар,
Жийрон ўзин отиб борар,

Ҳеч манзилга тұхташ йүқдир,
Күп жойлардан ұтиб борар.

Тегин күнгли мисли баҳор,
Иұлда борар субҳи саҳар,
Шу алфозда борар эди
Күндаланг бұлды бир шаҳар.

Қабанғ жийрон бу ҳайвонга,
Ұзи эли безабонга,
Бурилиб бориб тұхтади
Хонақоҳли гүристонга.

Бошида жуган нұхтади,
Қылған иши пухтади,
Бир очиқ гүрнинг қошига
Бориб айланиб тұхтади.

Алқисса, Тегиной шу от бизни бир манзилга етказ-
гандай, бошимиздан бир ғуборни кетказгандай, муш-
кул ишимизни битказгандай, деб отдан тушди. Бу туш-
ган жойи катта бир мозористон эканини билиб, нима
булса булар деб таваккал қилиб, ғанимлардан йироқ
кетганига суюниб, шу мозорнинг авлиё-азизларига
сийиниб үтиреди. Шундай қараса миниб келган жийрон
от йүқ, ҳа-па дегунча күздан ғойиб бұлибди, отдан айи-
рилиб, боласини олдига олиб, күзини уйқу чалиб, таш-
қарида ётса биромас-биров куриб қолар, менинг бунда
эканимни, бу әлга маълум қилар деб қошидаги очиқ
гұрга кириб ётди, шу алфозда уйқуга кетди. Бу жой
шаҳри Бухоронинг чеккасидаги мозористон эди. Ана
энди Тегинойни уйқуда қўйиб, икки калима сўзни үзга
жойдан эшигининг.

Мусабойнинг меҳмонхонасида тошдай буб қотган,
тонг отгунча ухлаб ётган соҳибқиран баччани ұлдирмоқ
йулинни тутган, одамқушликни касб этган гала жонсиз
бири олдин, бири кейин уйқудан тураберди, хаёли ҳар
ёққа овиб, турғанлари бетини ювиб, эртан-мертан чой
ичайлик, қолмасин чойнакда совиб дейишиб, ечиб қўй-
ган кийимларини кийишиб, қўй гүштини күп кўрмаган
гала очқуз яхна гүштни силкиллаб тортиб ейишиб, дас-
турхондан тураберди, чой билан гүштга тўйишиб, чиқли
йўнғичқа кўрпага дамлаган подадай нечови турди ма-
йишиб.

Мусабой: меҳмонлар энди йўлга кирса керак, йўлга кириш олдидан сув-пув олиб тараддудин кўрса керак, қай томонга кетиш йўлини энди мендан сўрса керак деб ўйлаб туриб эди, шу вақт Хурросоннинг одамкуш жонсизи Тошботир Мусабойга яқин келиб ҳар жойдан тимсол қилиб, аввал сенинг уйнигда, бўлмаса сенга яқин жойингда бир янги тиндан бола кўрган бир келинчак бор, келинни кўрмоққа бўлдик интизор, ёлғонни солмай орага шу келиндан бергин хабар. Қасрдалигини сен биласан, балки яқин қариндоши бўласан, бизга келинни кўрсатсанг ҳақига тилло оласан, агар бизга кўрсатмасанг билгин қўлимда ўласан деб Мусабойга қараб қуръаларига тушган келинчакни сўраб Тошботирнинг айтаётган сўзи:

Узоқ элдан йўллар тортиб келамиз,
Шу келиннинг биз йўқчиси бўламиз,
Келинни кўрсатсанг агар бизларга
Хаққин бериб сенинг кўнглинг оламиз.

Биздаям бор кошонали кирдикор,
Шу келинни излаб бўлдик дарбадар,
Суюнчига биздан тилло оларсан
Агар билсанг бизни қилгин хабардор.

Қулоқ солгин алвон-алвон сўзларга.
Тўғри гапир қараб турган кузларга,
Ийӯчи бўлиб биз келганимиз элингга
Шу келинчак даркор бўлди бизларга.

Кезиб келдик қанча ернинг юзини,
Кўрмоқ бўлиб келинчакнинг узини,
Ёлғон айтмай рост гапиргин бизларга
Софинганимиз қўлидаги қўзини.

Курмасак кетмасмиз билгин қошингдан,
Кўрсатсанг биз шод бўлармиз ишингдан,
Шу ерда деб эшиганимиз узини
Ёлғон айтсанг айриласан бошингдан.

Шу атрофда дебон гумон қилганимиз,
Шул сабабдан бунда даҳл бўлганимиз,
Уйингдами ёки яқин жойингда
Ростин айтгин шунинг учун келганимиз.

Шул маврудда биз чун хизмат қиласан,
Хизматинга биздан инъом оласан,
Рост сұзламай сен алдасанг бизларни
Қутулмайсан, билгин тайин үласан.

Келган деб эшиздик Занжирсарага,
Рост гапиргин ёлғон солмай орага,
Сен бизларни унча-бунча демагин
Иулиққансан эл сұраган тұрага.

Қайдалигин білдір, фармон айларман,
Билдирсанг үзингни шодмон айларман,
Келинни күрмоққа муштоқ бұлғанмиз
Билдирмасанг үзинг яксон айларман.

Бу сұзларни меҳмандан әшитиб, бечора Мусабой шошиб қолди, не дерини билмай ақлдан адашиб қолди, күркәнідан ёшлари жүшиб қолди, буларнинг излагани ким экан деб үйлай-үйлай уйида Ойширинман, Гулширинман қызларига құшиб қўйған келинчак эсига тушиб қолди, шу келинчакни сұраб келган үхшайды, эл кезиб йўқчи бўб келган үхшайды, агар буларга ростини айтмасам қиёматни менга солган үхшайды, юрган бир мусофир-да деб унинг отини, үйнаб-үсган юртини ўзи кимнинг хотини эканини суриштирмай бошим балога қолган үхшайды, шу уйинг куйгур меҳмонарнинг бировига хотин бўлган үхшайды, ҳозир у келинчакни чиқариб курсатмасам шу келинчакнинг касофатига мендай шўр ўлган яхшийди, аввалига келинчакдан эринг қаерда, үйнаб-үсган еринг қаерда деб сұраган бўлмасам эридан қочган бўлса, мен сени эрингдан яшириб боқаман деб бирор ваъда берган бўлмасам, мен у келинчакман инсофим кетиб ёмон ишга борган бўлмасам, агар шу излаб келганларнинг бировига хотин бўлса, курсатсам ўз хотини-да олади кетади унинг учун менинг бекордан-бекор бошим нега ғавғога қолиб ётади деб ҳар жойни үйлаб, Мусабой ростидан сўйлаб, келинчакнинг бунда келиш сабабини баён айлаб айтиётган сузи:

Айғир бўлмай кўп галани уюрмас,
Бирлашмаган эл душманни қайирмас,
Чин сўзимни сенга айтай меҳмонжон
Ҳеч кимга үзганинг ёри буюрмас.

Ҳар хил ишлар булар одам бошида,
Үйим күрдинг эр хидирнинг даштида,
Бир келинчак дучор бўлди ўзимга
Қўй сувлагич қудуғимнинг бошида.

Йиғлаб юрган экан кўзда жаласи,
Мени ҳайрон қилди унинг ноласи,
Қудуқнинг бошида менга дуч бўлди
Қўлида бор экан гўдак боласи.

Келинчак йиғлади кўзини ёшлаб,
Қайтгали бўлмади овлоқда ташлаб,
Чўлда бўпти дедим шўрли саргардан
Ноилож обкелдим уйимга бошлаб.

Ишонгин меҳмонжон айтган сўзимга,
Бир баҳона шерик бўлдинг тузимга,
Келинчакни мен ияртиб обкелиб
Буйинса деб қўшдим икки қизимга.

Сўрмадим не сабаб чулда юрибди,
Мен ўйладим кўп кўргулик кўрибди,
Бошқа гапни мен билмайман меҳмонлар
Бир ҳафтадан бери шунда турибди.

Қайси элдан билмам излаб келасан,
Келинни кўрсат деб зуғум қиласан,
Ҳозир чорлаб обкеламан ўзини
У ёғини меҳмон ўзинг биласан.

Қисноқ қиб айладинг ҳолимни ночор,
Сизларга ўзини қилайин дучор,
Ўзин об кеб мен кўрсатай кўзингга
Нима қилсанг ўзингдади ихтиёр,

Алқисса, бу сўзларни Мусабой айтди, келинчакни чп-
қариб берайин деб қизларининг турадиган уйига қайт-
ди. Бир-бирининг тилига тушунмасаям гап-сўзининг ав-
зойидан бунда турган сатта одамкушлар вақти хуш
булишаётир, бир-бирига имо қилишаётир, тилига ту-
шинган Тошботирнинг одамлари ишимиз ўнгидан келди
деб дарёдай тўлишаётир, Мусабой кириб кетган уйга
қараб олдин-кейин келишаётир.

Бўсағанинг қошига бориб, Мусабой томоғин қириб:

Хой Ойширин, деб чақириб, қошларингдаги келинчакни берман айтиб юборинглар, деб бақириб турибди.

Шунда Ойширин отасига қараб: Отажон у келинчакни аввал оқшом күрибедик, ухлагунча у билан сұхбат қурибедик, уйқумиз келгандан сұнг қават бұб үринга кирибедик у келинчак йүқ әкан, әртан-мертан турибедик,— деди.

Мусабой бу сирга ҳайрон булиб, диллари вайрон булиб, меҳмонларнинг қошига келиб, бұлған воқеани баён қилиб: Эшил меҳмонлар сұзимни, гунохкор қилма үзимни, кеча бир ёққа қочиб шу жувонмарг тубан қилгандай юзимни, изинг үчкурнинг бу ердан изи үчгандай, сизларни узоқдан таниб кечалаб бир ёққа қочгандай, унинг учун мени қылмангар гуноҳкор, рост гап турганда ёлғон сұз үзи не даркор, у келинчак қочибди, нима қылсаларинг үзларингда ихтиёр,— деб бечора Мусабой одамкушларга қараб бир-икки оғиз сұз айтиб турибди:

Шум фалак бошимга савдо солдими,
Мендей шұрга күн қиёмат бұлдими,
Келинчак қочибди билинг меҳмонлар
Касотига мендай одам үлдими?

Эрта турдим чап қовоғим учиби,
Излаб келган келинчагинг қочибди,
Ажалимга келганимкан жувонмарг
Кеча бор бұб бугун изи үчиби.

Қонли ёшлар оқар нурли күзимдан,
Меҳмонлар хабардор бұлинг сұзимдан,
Ҳаммани ухлатиб келин қочибди
Бу гапларни эшигдим мен қизимдан.

Кече күриб танигандай сизларни,
Бохабар қиб қаватига қызларни,
У жувонмарг қочиб кетган кечалаб
Гуноҳкор қиб кетган үхшар бизларни.

Сахийликни мен күнглимда үйладим,
Шул сабабдан гузар йұлни жойлардим,
Не қылсанг ихтиёр сенда меҳмонлар
Рост сұзимни мен сизларга сүйладим.

Холига қарадим, дедим муштипар,
Юрган дедим бу чұлларда дарбадар,
Дарбадар келинчак кеча қочиби
Нима қылсанг үзларингда ихтиёр.

Отим Мусабойдир, юзларим сомон,
Бошимга солғандай қоронғу туман,
Бор сұзимми сизга айтдым меҳмонлар
Сұзимди ёлғонга жүйманғиз гумон,

деб бечора Мусабой келинчакнинг кечалаб қочиб кетганини, бу ишдан ҳамманинг бехабар ётганини, у келинчак бошқа йұлни тутганини сұзлаб турибди, сен бизни алдаяпсан деб Тошботир сиёсат қиб ҳезлаб турибди, энди нима бұлды дейишиб гала одамкушлар бирбирига юзлаб турибди.

Шунда Тошботирнинг бирга олиб келган құръадузи Искандар: бу одамга билиб-бilmасдан зулм құлмайлик, келинчак чиндан ҳам қочган бұлса бекорга йүлдан қолмайлик, йироқлад кетиб етолмай пушаймон бұлмайлик. Энди құръага қарайлик, келинни аңглаб құрайлик, қочиб жетганини билсак ҳаялламай йұлга кирайлик, қайға кетган бұлсаям, орқасидан сұрайлик, қай манзилга борган бұлса биз ҳам шунга борайлик,— деди. Бу гап ҳаммасига маңқул бұлди, құръадұзлар құръасини құлға олди, муроватин бураб құръани ишга солди, келинчакнинг Бухорога қочганини құръалари маълум қилди.

Ана энди Мусабой бунда қолди, сатта одамкушлар шаҳри Бухорога йұл олди, үн иккі күн деганда булар Бухорога даҳл бұлди. Бухорога етиб келиб құръаларин ишга солди, келинчакнинг катта бир мозористонда ётганини аңглаб билди, қаторлашиб мозористоннинг дарвозасига келди.

Энди билмаганин билдирамиз, рангин гулдай сұлдирамиз, пайманасин тұлдирамиз. Шу мозорнинг ичидә ул-пулиман үлдирамиз, дейишиб дарвозадан кирмоқчи бұлаётір, гала жонсиз одамкуш қилди шундай масла-хатты: Энди қылайлик ғайратти, қандай қылсак ҳам бола-поласи билан шу аёлни үлдірсак, шунда топармиз муротти энди навбат-навбат кирамиз дейишиб, Тошботир олди навбатти. Тошботир дарвозадан кириб, күп мозористонни оралаб бораётіб эди, келинни куриб, уз құлнимман үлдирайин, қошига бориб деб бораётганды осмондан бир мушт келиб Тошботирни үлдиреди уриб.

Тошботир жазосини топиб қолди, тумшуғи қора ерни қопиб қолди.

Бир майдондан сұнг Рум мамлакатининг одамкуши энди навбат меники деб кириб кетди, ҳалиги мушт буниям уриб кетди, жони узилиб буям юмалаб бориб бир очиқ гүрга кириб кетди.

Алқисса, шундай қилиб, одамкушлар навбат билан кела берди, келгани тил тортмайин үла берди, ҳаммаси адо булиб, жонидан жудо булиб шу мозористонда «муродлари» ҳосил булаберди.

Тегиной бу сир-савдони куриб ҳайрон булиб: бу қандайин сир бұлди экан, бу одамлар қаердан келди экан, осмондан келаётган мушт қандайин каромат бўлди экан, деб туриб эди. Шу вақт Темурнинг пири Саид Барака Тегинойнинг қошига келиб қолди: Болам, бу сиру савдолардан қўрқма, булар сенинг жонингга, қўлингдаги болангнинг жонига келган одамкуш ғанимлар эди, насиб этса энди давру давронингни сурасан, қўзингнинг кўп яхши ишларини кўрасан, энди мен билан бирга юрасан, менинг манзилимга борасан деб Тегинойга қараб Бобо Саид пирининг айтаётган сўзи:

Энди менман бирга-бирга юрасан,
Менинг айтган манзилимга борасан,
Борар жойинг курсатарман, жон болам,
Тўрағай келгунча унда турасан.

Сўзимга қулоқ сол, болам, муштипар,
Бир неча ишлардан қиласай хабардор,
Довруғи кетгандир қўлда болангнинг
Шул сабабдан келган бунга душманлар.

Қуръя ташлаб бу болангни билганди,
Етти юртдан сатта золим келганди,
Ҳақ ишига шак келтирган ғанимлар
Курдинг болам, бари бунда ўлгандир.

Неча савдо ёш бошингдан утибди,
Гулдайин жигаринг, болам, сўлибди.
Сенга душман бўлган тўртта кундошинг
Кар-кўр булиб сандирақлаб ётибди.

Қасот ишлар сенга бўлди поима-пой,
Сақлар доим комил пирлар ҳам худой.

Кўнглингдан чиқаргин нелар ўтганин,
Боланг эсон, шукр қилгин Тегиной.

Элда бўлар қизим, давру давронинг,
Қолмас сира юракдаги армонинг.
Омон қолди келган шунча балодан
Соҳибқирон бўлар энди ўғлонинг.

Энди менман бирга-бирга юрасан,
Менинг айтган манзилимга борасан,
Борар жойинг курсатарман, жон болам
Баходир келгунча унда турасан.

Сенга айтдим болам неча насиҳат,
Боланг учун мен курсатдим каромат,
Хали гудак ҳеч нарсани билмайди
Не бўлса-да, Темурга бўл эҳтиёт.

Алқисса, бу гапларни Темурнинг пири Саид Барака Тегинойга сўзлаётир, эна-болани бир қорали жойга етказишни кузлаётир, хаёлида тадбиру кароматни излаётир. Бобо Саид сукутга боргунча, яхши хаёл сургунча, кўзин очиб яна қайтиб тургунча икки калима сўзни бошқа жойдан эшигининг.

Мусабой аввалига уйидаги келинчак, эртасига бир бўлақ одам кетгандан сўнг, шу куни ўтгандан сўнг, бу ишларга ҳайрон бўлиб ўрнига ётгандан сўнг, ширин уйкуга кетгандан сунг бир туш куриб эди: Бир шайх тушига кириб эди, не сабабдан ўз хилингнинг ёрини, қўлида қўчқорини танимай юрибсан деб Мусабойни койиб туриб эди, энди эҳтиёт бўл деб келинчакнинг қўлидаги боласиман қайтариб бериб эди, шундан бери Мусабой бу қандай туш бўлди экан деб гарансираф юриб эди.

Алқисса, Бобо Саид сукутдан турди, шу маҳал бир одам ғир фаланг отни келтирди. Шунда Бобо Саид Тегинойга қараб соқолини уч марта қўлиман тораб: Болам, мушкул иш осон булиди, ғойибдан учқур от келибди, энди айтган сўзни биларсан, фаланг тулпорда еларсан, бобонгдан хурсанд бўларсан, чап қулогини буарсан, ўзингни осмону фалакда куарсан, Алҳамдуни уч марта қайтариб, валлоззолин деб унг қулогин буарсан, ўзингни ерда куарсан, қўнған жойингда катта бир ҳовли бор, ҳовлига қараб юарсан, шу вақт олдин-

га пешвоз чиққан бир одамни күрарсан, таъзим қиб салом берарсан. Бугун жума кечаси сен күн чиқар томон боряпсан, ишоолло ишиңг ўнгидан келар, деб Тегинойни айтганига күндирди. Бисмилло деб фаланг отга миндирди. Сайд Барака пири бир неча гапни тайин қилиб Тегинойни жүнатаётір:

Айтган сұзим билгин болам,
Элда ўйнаб-кулгин болам,
Соҳибқирон Темурланға
Күп әхтиёт бүлгин болам.

Алвон-алвон дүнгин болам,
Фаланг отга мингин болам,
Сен алхамди уч қайтариб
Бориб ерга құнгин болам.

Бахтинг очсин қодир мовлон,
Кенг дунёда сургин даврон,
Келишингда Бухорога
Об кеп эди тулпор жийрон.

Бугун бүлди отинг фаланг,
Обод бүлар күнгил қалъянг,
Ха демасдан сен күрарсан
Ўзинг юрган адир даланг.

Дуо олиб кетгін пирдан,
Күп бүлдинг ўзинг саргардон,
Катта кетмай юрса боланг,
Охир бүлар қазо гардон.

Күп бүлади ризқи оши,
Тожи давлат күрар боши,
Бир камлиги шу бүлибди
Чүлоқ қипти қудуқ тоши.

Элда даврон сурар боланг,
Күп сирларни күрар боланг,
Түқсон юртга подшо бүлиб
Еши мингга кирап боланг.

Менинг ҳам бүлди хизматим,
Билар-билмас шарофатим.
Хүш дегайсан Тегин қизим
Менинг охирги суҳбатим.

Ана энди бу гапларни Бобо Сайд пири айтди, илоё болангнинг яхшилигини кўр, «омин оллоҳу акбар» деб икки қўлинини бетга тортди. Тегиной ҳам минди отти, буради чап мурватти, фаланг от париллаб осмонга тарилаб кетди. Пирининг айтган гапини ёд этди, алҳамади санаб уч марта қайтариб валлозолин деб буради ўнг мурватти, кўринг шундай кароматти: Тегиной ерда турибди. Қайга бойлайман деб бу отти, шу вақт фаланг от узи кутарилиб ғойиб буб кетди.

Тегинойнинг ўзи бир ҳовлига тушди, энди йигиб ақлман ҳушди, шундай осмондаги ҳулкар юлдузга қаради. вақт ҳам ярим кечадан ўтиб боради, аста-секин ҳовлига қараб юради, ҳовлига яқин бориб олдига келаётган бир одамни кўради, одобман салом беради. Ҳалиги одам: «Болам орқамдан юр, деб бурилиб боради, олдин-кейин катта бир уйга киради. Тегиной фаросат қиб қараб, ухлаб ётган Ойширинман Гулширинни кўради. Шунда Тегиной ўзини Мусабойнинг уйига келганини билиб, Мусабойни отасидан зиёд ҳурмат қилиб, шукур қиб, Ҳақ қудратига, Бобо Сайднинг кароматига, Мусабойнинг ҳурматига. Бобожон алҳол сизнинг ион тузингиз менга ато қилган экан, бу дунёning иши ўзи шундай бўлган экан, ҳар кимни ҳар куйга солган экан, кечиринг бобожон, қочирган қизингиз яна қайтиб келган экан деётири. Шунда Мусабой:— Болам, мен кечирмайну сен кечир, мендан гуноҳ ўтган экан, эс-ҳушим кетган экан. Сен кетгандан бери қаёққа боришими, кимга юрак ёришимни, сени кимдан сўрашимни билмай гаранг булиб юриб эдим, сени худо яна қайтариб берибди, мендан ўтганини сен кечир деётири.

Алқисса, оқариб тонг отаберди, ой қиблага ботаберди, шундай қилиб ойдан ой, кундан-кун ўтаберди. Тегиной Мусабойга ўзининг Тўрағай баҳодирнинг аёли эканини билдириди, қўлидаги Темур ўғлини ўйнаб кулдирди. Мусабой ниҳоятда мард одам эди. Темур олти ёшга борган сўнг бир муллони чақиртириб келтирди, муллога бош-оёқ сарпо бериб, муллонинг кўнглини тўлдирди. Шу болани ўқитиб тарбия қилмоқ учун уста обкелиб бир иморат қурдирди.

Ана энди иморат битгандан сўнг Темурни муллога берди, мулло баччани ўқитмоқман машфул бўлди. Темур бугун бундай, эрта ундаи улғайиб вояга етаберди, унинг тез хотирлигига мулло қойил бўлиб ўқиш ишларига кўнгли тўлиб, бир куни Мусабойнинг олдига келиб:

— Эй Мусабой, бу баччада бир хосият борга үхшайди, менинг берган илму сабоқларим озлик қиласынанда үхшайди. Илми етарли буб қолди, менга солсанғыз энди бу баччани ҳар хил ҳунарга ургатмоқ керакка үхшайди, деди. Шунда Мусабой Темурни ўқитған учун муллони тиллаю зар, құйу құчқор, луктаю нор бериб рози қилди, муллога рухсат бериб энди тарбия ишиман машғул бўлди.

Мусабойнинг отларининг ичида бир кўк қашқа оти бор эди, ўзиям ниҳоят зўр тулпор эди, шу отга Темурни миндириди, шу отни миниб товларни товлаб, қўлингдан келса шамоллаб овлаб келабер деб Темурга тирдон тула ўқман битта сари ёй берди. Бобосининг бу ишига вақти хуш бўлиб минган тулпори қуш бўлиб, кўк қашқани елдириб, товларга чиқиб ҳар хил овларни нишонга илдириб, ҳар куни келаберди широлғани тулдириб, мерганликда тенги йўқ бўлиб ўсаберди шўх бўлиб, мингани қашқа кўк бўлиб, от устида юриши бамисли хону бек бўлиб, баччанинг бу юришига энаси ман Мусабойнинг кўнгли тўқ бўлиб кунлар ўтаберди.

Темурнинг иши қуш ови бўлиб, мингани бедов бўлиб, ўр-нишобга от ҳайдайди юраги мисли тов бўлиб. Бир куни отга широлғаларини қонжига бовни илдириб, кўк қашқани елдириб шундай келаётib эди. Келаётган йулида бир бўлак баччалар уйчик қуриб ўйнаб ётган экан. Темур шуларнинг устидан келиб қолди, отини баччаларнинг қошида тўхтатиб: Ҳов баччалар, нима иш қиб ётибсизлар, бу уйчаларни нима қиласизлар?— деб сурди. Шунда ёши етти-саккизларга борган бир бола бу уйларни сотамиз деди. Нархи неча пул манави уйчигингнинг деб бир уйчикни курсатди.

— Нархи бир танга,— деб жавоб берди бола.

— Ма, бир танга, шу уйчик бизники бўлди,— деди Темур. Шундан сўнг баччалар ўйнаётган жойида қолди. Темур отини қимтиб ўлга солди, ҳа-па дегунча уйига етиб келди. Энасиман Мусабой широлғани кўриб хурсанд бўлди.

Алқисса, Темур шу кеча ётиб, ширин уйқуга кетди, тушида кўрди шундайин аломатти, кўп қўшин қилиб келаётир ғазотти, шу баччаниям ўлдириб кетамиз, паймонасини тўлдириб кетамиз дейишиб Темурни сўрайберди. Темур ҳам жон борича қочиб бора берди. Товга қочди қўймади, сойга қочди қўймади. Хаворга кочди қўймади, бир бийдай. Ҳовар жойда қочиб бораётib эди,

олидан кичик бир тепа күндаланг келди, тепага чопиб чиңса бир уйча турибди. Темур шошиб уйнинг эшигини очди, ичига кириб эшигин ёпиб тураберди. Қувиб кела-ётган лашкарлар Темурни тополмай от чопишиб ўтиб кетди. Темур лашкардан омон қолиб: Эй худо, мени шу душмандан сақлаганингга шукр деб уйғониб кетди, қараса туши экан. Шу кеча ётди, эрта мертан тонг отди, апил-тапил еб олди энаси берган овқатти, кундаги одатича отига миниб, товга қараб жұнаб кетди. Товда юриб каклик, қүёни отди, пешин-пешин овдан қайтди. Үт-ган кунги йүлдан кетди, яна шу туновги баччаларнинг қошига етди, күк қашқа отини тұхтатиб туновин бир танггага уйчасини сотган баччага қараб сұз қотти:

— Эй бачча, манави уйчиғинг неча пул? — деб бир уйчикни курсатди.

— Минг танга

— Эй сен тентак бұлдингми, сенинг бир уйчиғингни минг тангага ким олади? — деди Темур.

— Кеча бир тангалык уйға кириб лашкар тортган душмандан қутулған мардак бу уйчани минг танга бұл-саям олади-да, — деди ҳалиги бачча.

Шунда Темур таппа ташлаб, хумор күзини ёшлаб отини жилов ипидан ушлаб, менинг гунохимдан үтинг, сиз менга пир бұлдингиз, мен сизга мурид бұлдым деб икки оғиз сүзини бошлаб турибди:

Мен билмадим сизда борин хосият,
Уйчиғингиз менга қилди каромат,
Сиз пиримсиз мен муридман устозим,
Күрсатдингиз кече қанча шафоат.

Пиримсиз деб қабул этдим үзингиз,
Сиз устозсиз менга устун сүзингиз,
Айтишади танимасни сийламас
Мен тавоб қиласман босган изингиз.

Мендай муридингиз шодмон айлангиз,
Не иш бұлса менга фармон айлангиз,
Танитсангиз энди, пирим, үзингиз
Исму шарифингиз баён айлангиз?

Халигача сиздай пирни курмадим,
Мурид булиб хизматида юрмадим,
Сизда борга үхшар сиру хосият
Аввалроқдан мен фарқига бормадим.

Узим ўжар, ўжарликдан қолмадим,
Бир бачча деб назар-писанд қилмадим,
Энди тавоб қилар бўлдим пойингиз
Мартабангиз улуғлигин билмадим.

Қўлингиздан билдим ҳар иш келади,
Кўрган одам сизни ҳурмат қилади,
Обрўйингиз баланд, ёшингиз кичик
Муридингиз пирим, Темур бўлади.

Мартабани сизга қилган мұяссар,
Құдрати кенг яратган парвардигор,
Қўлингизни беринг энди мурид деб
Пирим бўб доимо бўлинг мададкор.

Алқисса, бу сўзларни Темурдан тинглаб, Темурнинг
үзига ихлосманда эканлигини англаш, баччаем: Танит-
сам танитайин үзимни, анлаган ўхшар сўзимни деб вақ-
тини хушлаб, Темурнинг ўнг қўлини ушлаб, тамония
қириб, ҳар жойдан тимсол келтириб айтиётган сўзи:

Қулоқ соб тинглагин Темур тилимди,
Мард йигитга ҳақ солмасин үлимди,
Неки фармон бари булар худойдан
Сену менинг ишим ҳаққа маълумдир.

Ешиш сўрсанг саккиз ёшга кирганман,
Ота-энам хизматин қиб юрганман,
Беш ёшимда бир чинорнинг остида
Бир мўйсафид қари чолни курганман.

Баҳоваддин, болам, бери кел деди,
Сўзларимга бирпас қулоқ сол деди,
Ўзим қари, кўнглим ёшdir жон болам,
Ҳақ фармони бир иш бордир қил, деди.

Мулло бўлсанг қунт қил зеру забарга,
Худо ҳунар берар қули чеварга,
Балогардон бўлсин деди шу бачча
Ҳақ амриман ўзим келдим хабарга.

Бобо яна айтди: Ўйнаб куларсан,
Ҳарна ишни элдан олдин биларсан,
Соҳибқирон Темур сенга йўлиқса
Пиру мурид бўлиб кўнглин оларсан.

Бобо Саид дейди билсанг ўзимни,
То охират унитмагин сўзимни,
Давру даврон мендан ўтди жон болам,
Ўзингга топширдим Темур қўзимни.

Пирларнинг арвосин қиласмиз-да шод,
Шул сабаб уларни сен ҳам билгин ёд,
Сенинг учун қанча хизмат қилишган
Самарқандда қураган дейшиб тожу тахт.

Пиру мурид бўлиб ушладим қўлинг,
Не тиласанг осон қилай мушкулинг,
Менинг пирам билсанг Саид Барака
То ҳозир сенинг ҳам очгандир йўлинг.

Бобошайх отангга қилиб каромат,
Энангга қўшгандир қилиб васият,
Сен бино бўлган сўнг эна қорнида
Бобо Саид олди пир бўлиб навбат.

Ҳаммамизга амир қилгандир худой,
Ўзи шундай дунё — бу кўҳна сарой,
Қанча пирлар сен чун хизмат қилгандир
Бир-бирининг қўлин тутиб пойма-пой.

Алқисса, Баҳовуддин бу сузларни Темурга бирма-бир баён қилди. Мурид бўламан деб турган Темурни шодмон қилди, бирори пир бўлиб, бирори мурид бўлиб, бир-бирининг қўлин олди. Баҳовуддин балогардон айтди: Дунёда дўстликнинг нархи фалон пул деган гап йўқ, биримиз катта, биримиз кичик; бунинг сира фарқи йўқ, мен устоз — пирларимнинг амири фармонини қиласман, қўлимдан келганча сенинг хизматингда бўламан, сенга дуч келадиган хавф-хатару балолардан иложим етса сени олдинроқ хабардор қиласман,— деди.

— Шундай қилинг устоз — пирим, менинг ҳам бир номус-орим, мен бино бўлиб кўрганим йўқдир падарим, муна элда энамдан бошқа йўқ бирорта ғамгузарим, деди Темур.

— Биласман, отангни Тўрағай баҳодир дейди, кечакундуз фарзанд доғида кўйди, шу сабабдан саҳобалару шайхлар сенинг энанг Тегинаойнинг юлдузини отангнинг юлдузига қўшмоқ учун Ҳақ амриман битик муҳрини қўйди, шундан сўнг шартини отанг бажо келтириб

энанг баҳодир Тұрағайга тегди. Бу гапнинг барини пирим Сайд Барака менга маълум қилган эди, сени соҳибқирион қилиб тарбиялаймиз дейишиб, ҳаммалари ке-ча-кундуз хизматда бұлған эди, сенга жиловдор бұлиб юриш навбати энди менга қолган эди, бу гапни бирорға айтма, оғзингдан жармалаб изига пушаймон этма, деб Баҳовуддин Темурға тайинлаб айтди. Күз очиб-юм-гунча Баҳовуддин құздан ғойиб бұлиб жетди, уйчик қиб ётган баччалар уй-уйига тарқаб кетди.

Темур күриб бундайин кароматти, миниб олди бедов отти, уйига қараб солиб кетди, бир майдонда уйға етди.

Темурни уйида дам олмоққа қўйиб, икки оғиз сўзни бошқа ёқдан эштинг.

Бадахшонга шикор қиб кетган, кеча-кундуз йўл тортиб охири душман юртига етган, ёвман юзма-юз бұлиб қанча душманни қийратган, қичов буб қолганда ширин жонини қийнатган, остида отин уйнатган Тұрағай баҳодир лашкари охири сонсиз ёвни яксон қилди, омономон бұлған сұнг, эл йифилиб Бадахшон юртига Тұрағай баҳодирни хон қилди. Тұрағай баҳодир хон бұлиб Бадахшонни сурай берди, кўрган тушини яхшиликка жўрай берди. Кундан-кун ўтаберди, ой қиблага ботаберди, шу алфозда Тұрағай баҳодир ҳисоблаб кўрса шаҳри Кешдан жўнаганига роппа-роса ўн бир йил утибди.

Баҳодир пар ёстиққа бош қўйиб, уйлай бериб икки қўздан ёш қуиб ўзиға ўзи айтди: Эй Тұрағай, сен бу дунёга на учун келдинг, одами одам деган экан, бир куни товдами, овдами ё бўлмаса юзма-юз келган ёвдами порт этиб ажал ёқангдан ушласа, хумор кўзингни ёшласа, Тұрағай баҳодир ўлибди деган куни орқангдан бирор излайдиганинг, отам деб бузлайдиганинг бўлмаса, ўлдинг-учдинг тамом-вассалом. Энди эртадан бошлаб мен хонликни қўяйин, отимни йўлда чуяйин, йўл тортиб Кешга борайин, Тегинойдан нима пайдо бўлганини курайин, агар ул бўлса элни йигиб тўй берайин, агар қиз бўлса ул ўрнида курайин, нима бўлсаем тақдиримдан курайин дёб шу кеча ётди, эрта мертан тонг отди. Оқсоқол акобирларни йигиб, қилди шундай маслаҳатти: Эй халойик, бир гапни ўртамиизда бир қилайлик, мен шаҳри Кешга бориб келаман, шунгача ўрнимга бирорни хон қилайлик, деди. Шунда оқсоқоллардан Мирали деган обнўли оқсоқол жойидан туриб, шундайин маслаҳатти бериб: амри подшо вожиб деган экан, хонимиз

Тұрағай баҳодир ўз юртига бориб келгунча, у ердаги ҳолу ақволни күриб келгунча бирөвга хонлик қилиб турмок лозим бүб қопти, кенгашли түн кенг келар деганларидай, кимни хон сайлаймиз?— деди. Шунда бошқалари: үзингиздан маъқули бўлмас, сиз турганда бошқамизнинг гапимизни эл инобатга олмас, сиз хон бўласиз,— дейишади.

Алқисса, Бадаҳшон юртига хонликка Мирали оқсоқолни сайдади, бошига бошқатдан достор бойлади. Шундан сўнг Тұрағай баҳодир қошига икки кишини олиб Кешга қараб ҳайт деб ҳайдади.

Дунёда не ёмон — соғиниш ёмон, ўз элатини, аркону давлатини, ҳали кўрмаган фарзандини соғинган Тұрағай баҳодир қистов қилиб йўл тортти, қанча манзил жойлардан ўтди, охири бир ҳафтаю икки кун деганда шаҳри Кешга етди. Ўзига ўзи ўйлади: орадан ўн бир йил ўтибди, нималар қилиб, кимлар кетибди, бирор мени танимаса, аввал уйимга борайин, қани беш хотиним нима ишлар қилиб ётибди, деб туғри үзининг уйига қайтди. Аввал Тегиной ёримни курайин, худо берган бўлса қўшкокилли қучқоримни курайин, ўғлимдан кечирим сўрайин, ўғлим билан топишиб тўй тараддудини кўрайин, деб Тегиной турган уйга отини бурди, бирон майдон йўл юрди, ҳа демайин етиб борди. Шундай қараса, Тегинойнинг ҳовлиси ётир ҳувиллаб, буни куриб баҳодирнинг юраги кетди шувиллаб, бирор кори хол бўлганга ўхшайди деб кузидан ёши оқаверди гувиллаб, Тұрағай баҳодирнинг кунгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, на бўлгандир ёрим билан ўғлима, қариганда ярап деб эдим ҳолима, деб бўтадай бўзлаб қаватида бир келган икки навкарига қараб сўзлаб турган жойи:

Оҳ деганда мумдай эрир юрагим
Куриганга ўхшар боғда терагим,
Отам дерға бирор зўйрат курмадим
Беэга қолгандай ису чироғим.

Қодир эгам менга кулфат сочдими,
Ё хаёлим ёмон йўлга қочдими,
На ёрим бор, на улим бор ховлимда,
Бир сабабман бошқа жойга кўчдими?

Мендан шўрдан давру даврон кетдими,
Майдон бўлса ширин жонин сотдими,

Қарай-қарай охир бир кун Ойтегин
Бошқа эрнинг этагидан тутдими?

Қайси гүрга тиқай энди ўзимни,
Ўзим ўлсам ким босади изимни,
Бошқа эр қиб кетган бўлса Тегиной
Куролмайин қолдим, аттанг, қўзимни

Үйлайберсам юрак-бағрим тилинди,
Қўзларимга селоб ёшлар илинди,
Ор олай деб аҳмоқ бўлиб юрибман
Энди бугун аҳмоқлигим билинди.

Ешим кетди манглайимга урарман,
Бетим бўлиб энди кимдан сурарман,
Ерим кетган бўлса бошқа бирорман
Қўлидаги қўзим қандай кўрарман?

Соқолим ювилиб оққан ёшима,
Не савдолар тушди аттанг бошима,
Ҳам ёримдан, ҳам қўзимдан айрилиб
Қандай қарай тенгим билан хешима?

Шону-шавкат энди менга ярашмас,
Қадимгидай эл ҳолимни сўрашмас,
Одамзод дунёда ўздан қолмасин
Ори борлар бетимга ҳеч қарашмас.

Майдонда мен юрдим жонимни сотиб,
Мен баҳодир дебон элга сўз қотиб,
Худо берган ёру ўғлим йўқотиб,
Очиқ гўрга кирап бўлдим мен энди.

Қай кўчага отим буриб солайнин,
Қаландар бўб кетар бўлман бош олиб,
Тирик бўлмай мен аввало ӯлайнин,
Кўрингандан садақа нон тилайнин.

Алқисса, Турагай баҳодир бутадай бўзлаётир, оғизига келганин сўзлаётир, энди қаландар бўб кетмоқни кўзлаётир.

Шунда қаватидаги навкарларидан бири: Эй тақсир, бекордан-бекорга ўзингизни койиб селу себар ёшингизни қуийиб, пешонангизга туйиб ётибсиз, аввал суриншириб кўринг, у ёқ-бу ёққа даракчи бўб юринг, агар

ёру ўғлингизни топсангиз элу халқни йиғиб түйини беринг, агар тополмасангиз тақдириңгиздан күринг, бу ерда бұзлаб туришингиз қандайин гурунг,— деди. Бу гапман Тұрағай баҳодир үзига келиб, түфри айтасан деб навкарга кулиб, ҳайданглар бұлмаса,— деб отини йұлга солиб, энді катта хотинлариникига бормоқчи бұлиб жүнади. Катта хотинларининг уйлари ҳам бир-бирлариникига қорама-қора эди, энг яқынроғи Сора эди. Сора деган хотининикига борди. Сорани шундайин ҳолда курди: тентак буб ақлдан озған, үзидан умидин узған, күринган нарсани майдалаб бузған. Буни бу ақвонда курған баҳодир:— Бунисиям бұлары бұбди, ұлары қопти,— деб отини ҳайдаб үтиб кетди. Энді Ойдоно деган хотиним қандай экан деб ҳовлисига етаберди. Қараса Ойдоно хотини күр булиб, курғанлигини күрган экан, сони қармалаб дуч келған томонға үзини үриб юрган экан. Буям гүрнинг ёқасига борибди, күп савдони күрибди деб от ҳайдаб үтаберди. Отини Ойчаман деган хотинининг ҳовлисига қараб бурди, бунисини бетларидан пес очған, курғаннинг баҳраси учған ҳолда күрди. Бунисиям бұларича бұлибди, тириклиқда үлибди деб от ҳайдаб үтаберди. Энг охиргиси Гулсира бұлды, ҳовлисига яқын келди, қараса оёқ-құли шол, ётибди бөхол.

Шунда беш хотинидан ҳам умидни узиб, күзидан ёши сизиб:— Ҳай аттанг, қиёмат бұлған экан, очилған гулим сұлған экан, құтонимнинг бари адойи нобуд бұлған экан, мендай шұр сүппайиб ҳаварда қолған экан деб отни буриб, навкарларнинг рухсатини бериб, боши оққан томонға қараб йулға кириб кетаётіб эди, олдидан бир узи тенғи, ёши уртадан ошған, қарилеги яқинлашған бир одам күндаланғ келиб, Тұрағай баҳодирининг жиловидан олиб, баҳодирни таниб, оташин бұб кетаётганини билиб, тұхтатиб гапға солиб: «рангингиз үчгандай куринасиз баҳодир, сизга не бұлды»— деб сұраб турибди:

Күрган одам сизга ҳайрон бұлади,
Холингизга күнгли вайрон бұлади,
Күзингиздан қуйлади селоб ёш
Сиздай зұрда қандай армон бұлади?

Фаридай куринар нега ҳолингиз,
Бу элатда баланд эди құлингиз,

Не сабабдан бузилгандир кўнглингиз?
Қайга бўлди сизнинг борар йўлингиз?

Сиздай зўрга бир кору ҳол бўлдими,
Ё бир жойдан нохуш хабар келдими,
Не сабаб хафасиз полвон Тўрағай
Яқин одамлардан бири ўлдими?

Миниб опсиз бедов отнинг толмасин,
Айтган гапим сизга малол келмасин
Яқинлардан бирортаси ўлдими
Айрилиқни қодир эгам солмасин,

Эл бошига доригандир бир ўлат,
Ўлатнинг дастидан бузилар элат,
Шу ўлатдан бирор одам ўлдими
Шундан бўзладими сиздай валломат.

Қадрдонсиз мен кўнглингиз бўлайин,
Қўлдан келса сизга кўмак қиласайин,
Бу кетишда узоқ ўшар йўлингиз
Суз сўраб сабабин билиб қолайин.

Йўлга кириб йифлаяпсиз қилиб дод,
Не сабаб хафасиз сиздай валломат,
Кеш юртнинг ори, сизга йўл бўлсин
Суз сўрадим билсангиз мен Худойзот,

деб Тўрағай баҳодирнинг жиловидан ушлаб, ҳар жойидан тимсол қилиб сўз бошлаб, Худойзот деган бир таниш киши баҳодирга қараб, йўлда бўзлаб кетишининг сабабини сураб турибди. Баҳодир бундай қараса ўзига таниш Худойзот деган бир боғбон олдида отининг жиловидан ушлаб сўз қотиб турибди. Ўйлаб қараса бу одамни ҳар доим боғда ишлаб ётганида кўрар эди, ўтаётуб унга салом берар эди, бир майдон тўхтаб уман ҳангомаи сухбатни қуран эди. Қўярга қўймай икки сават узумни боғбон хуржунига солиб берар эди, бир-бирини икков жуда иззат қилиб юрар эди. Бу одамнинг Худойзот боғбон эканини билиб, кўлкаси тўлиб, бошидан ўтган сиру савдоларини бирма-бир баён қилиб, баҳодирнинг боғбонга қараб айтиётган сузи:

Бу дунёда қолмади-ку ҳеч кишим,
Ўнг десам чап бўлди ҳар ишим,

Кўп савдолар ўтди менинг бошимдан
Ўйлаверсам тўхтамайди кўз ёшим.

Неча йиллар юрдим бўлиб бефарзанд,
Қодир Ҳаққа йиғладим мен қилиб дод,
Бухородан битта хотин об эдим,
Бўйига бўлган сўнг ӯзим бўлдим шод.

Баёнхондан бўлди шундайин фармон,
Лашкар тортиб боринг дебди Бадахшон,
Неча йиллар шу орадан ўтгандир
Қайтиб кеп юрагим бўлди тўла қон.

Фарзанд бўлар одамзодга кўнгил тўқ,
Бола бўлса одам бўлар элда шўх,
Тегинадай ҳомиладор ёримдан
Келиб кўрсам ҳеч бир жойда дарак йўқ.

Бахт-иқболни қодир эгам солмади,
Бирор ишим айтганимдай бўлмади,
Тўрт хотинга келсан үлат тегибди,
Бу элатда юргилигим қолмади.

Баридан жудо бўб бағри пораман,
Қандай қилиб энди элда юраман,
Сўз сўрадинг олдим ураб Худойзот
Бошим оққан ёққа кетиб бораман.

Куйганимдан мен йиғлайман зору зор,
Шу кунларга солди-я парвардигор,
Бу жойларнинг бор сирини биласан
Тегинани билсанг шундан бер хабар?

Жудоликни менга эгам солдими,
Тегинадан хабар бергин Худойзот,
Қўтоним бузилиб вайрон бўлдими,
Е үлатдан боласиман үлдими?

Алқисса, бу сўзларни Турагай баходирдан эшишиб,
Худойзот боғон қолди бошини қашиб. Элдан эшишган
гаплар эсига тушиб, не дерини билмай қолди ўйланиб
шошиб. Охири баҳодирга караб: Раҳмим келар қараб
бўлган тусингга, Тегина деб сира олма эсингга: Тегина
жувонмарг элда бузилди, унинг бузуклигини эшишган
одамнинг юрак-бағри эзилди, кўзимман кўрганим йўқ,

құлғымман әшитиб юрибман. У жувонмарг сиз кетган сұнг кимлар билан үйнаб, әлнинг ори бор одамларини қийнаб, бир кечаси бир үйнашиман қочиб кетган эмиш үй-жойини ташлаб. Ҳеч ким билмайди үйнашиман қа-әңқа кетсаям, алқисса, бу әлдан үз оғиман қуриди, шул кетгандан сұнг әлга бир үлат дориди, касофатинг бошингни егурнинг касофатига қанча-қанчани ёстиғи қуриди, деб Тегинадан билған-әшітганини баҳодирга баён қилиб Худойзот боғбоннинг айтаётган сүзи:

Тегинани тилга олманг баҳодир,
Тилга олиб кулги бұлманг баҳодир,
Элу юртнинг юзин ерга қаратди
Унга сира йүқчи бұлманг баҳодир.

Қасотига әлга үлат дориди,
Овозаси күп әлатни түриди,
Үнга сира йүқчи бұлманг баҳодир—
Шул сабаб нечовининг шүри қуриди.

Сұрманғиз ҳаромининг изини,
Ерга қаратди-ку элнинг юзини,
Қайға кетганини ҳеч ким билмайди
Бу әлатдан үчиргандир изини.

Нечов шол бұб, нечов күр бұб ётиди,
Боласи үлғанлар шүр бұб ётиди,
Үлат күпдир, табиб камдир бу әлда
Бир табибга бари зор бұб ётиди.

Нечовлар пес бұлған, нечовлар мохов,
Нечовлар гунг бұлған, нечовлар соқов,
Әл шурига келган экан жувонмарг
Ақлдан озгандир нечов бұб анқов.

Әлга тегди жувонмаргнинг касоти,
Нечовларнинг сосиб ётар жасади,
Жувонмаргнинг оти үчсин илоҳим
Оти қора бұлди Қешнинг әлати.

Қай бир жойда битта қишлоқ бор эмиш,
Бир табиб чиқиби жуда зүр эмиш,
Борган одам шифо топар дейиши
Шифо топиб келаётир борганлар.

Үзи аёл ҳар хил дардга пир эмиш,
Зур табиб дер күзи билан күрганлар,
Шундай гаплар элда бўлди овоза
Мақташади кўпни кўриб юрганлар.

Зор йиғлабсиз аттанг сиздай зўравор,
Тўртта хотин бари дардга гирифтор,
Эшиганим барин айтдим баҳодир,
Тақдирга таң энди бермоқлик даркор.

Тўрағай баҳодир бу гапларни боғбондан эшишиб,
«ҳай аттанга, қўтонимнинг бари бузилган экан, бу дунё-
дан давру давронимни арқон или узилган экан, найла-
йин манглайимга шу кўргиликлар ёзилган экан», деб
бир чўлу биёбонга отини буриб, энди мени эл оралаб
юришлигим қолмапти, мен Тўрағай баҳодирман деб
кўкрагимга ургилигим қолмапти, эл ёриб бирор даврага
киргилигим қолмапти, бу ерларда менинг Тегиной ёрим
қани, ундан нима пайдо бўлган деб сўрасам, бир умрга
эсимдан чиқмайдиган гапни айтиб солса, ундан кўра
улганим яхши, ҳеч кимга үзимни билдирамай, балки ус-
тимдан кулдирмай кетайин. Мен энди баҳодир Тўрағай
эмас, баҳти қора Тўрағайман, үзи ҳароми бўлсаям ичи-
даги болам ҳурмати Тегинойимни бир излаб кўрсам-
микан. Шу кўзимнинг йўлида қаландар буб юрсамми-
кин, деб пешонасига уриб девона буб йўлга кириб бо-
раётган жойи.

Баҳодир деб бердинг кучди,
Ев кўрганда олдим учди,
Мен девона Тўрағайман
Баҳодирлик отим учди.

Қолмади найлай қарорим,
Бўлмади ишда барорим,
Мен қаландар Тўрағайман
Ўйилгандир кирдикорим.

Сонсиз ёвни ёлғиз қувган,
Бугун юзин ёшман ювган,
Бир бенаво Тўрағайман
Энам мени нега тувған.

Бой қиб эди эгам үзи
Менга бериб қўйу қўзи,

Мен девона Тұрағайман
Ұлган куни үчар изи.

Энди мендан қолди түя,
Сон-саноқсиз қулун, бия,
Бир девона Тұрағайман
Ато қилмай бешта уя.

Баҳодирлик отим қани,
Учмоққа қанотим қани,
Елғиз кетган Тұрағайман
Ота дер фарзандим қани?

Билагимда зүрим қани,
Элда номус-орим қани,
Пирсиз кетган Тұрағайман
Бобошайхдай пирим қани?

Туз кавлагич метин қани,
Тушда күргич ботин қани,
Мен бир бүйдоқ Тұрағайман
Сони бешта хотин қани?

Товни босган тұлым қани,
Аввалгидай сұлым қани,
Комил пирлар ваъда қилган
Соҳибқирон ўғлим қани?

Қанча ғунои тойим қани,
Кошонали жойим қани,
Масжид қуриб ютиб олган
Әрим — Тегинойим қани?

Кийик құвгич далам қани,
Бофим тұла лолам қани,
Зор йиғлаган Тұрағайман
Чүпон айтган болам қани?

Мен айрилдим кошонамдан,
Үт чиқар куйган танамдан,
Беюорт қолган Тұрағайман
Итлар искар пешонамдан.

Тегинойдай санам қани,
Сирдошу ғамхонам қани,

Ердан чиққан Тұрағайман
Болам дерга әнам қани?

Қадимгидай шавкат қани,
Бошда тожу давлат қани,
Бир бенаво Тұрағайман
Гүрим қучар фарзанд қани?

Боғим тұла узум қани
Құттан тұла құғим қани,
Мен бир үчган Тұрағайман
Пир құчган юлдузим қани?

Дунё ишиңгга ҳайронман,
Бугун адоман, вайронман,
Зот күрмаган Тұрағайман
Элни кезган саргардонман.

Отмоққа йүқ парлы ёйим,
Иүқдир менинг кирап жойим,
Бир беватан Тұрағайман
Шундай яратған худойим.

Минар асил пироқ қани,
Үйимдаги чироқ қани,
Үйлай берсам барисига
Чидайдиган юрак қани?

Тийилмасдан күзда ёшим,
Бу чүлларда гангиб бошим,
Борари йүқ Тұрағайман
Қаландарлик бұлди ишим.

Элдан-элга кезар бұлдим,
Ұлсам ёлғиз мозор бұлдим,
Олгин әгам омонатинг
Жонимдан ҳам безор бұлдим.

Күп ғамхона қилдинг мени,
Шұр девона қилдинг мени,
Охир шундай қиласар бұлсанг
Нега бино қилдинг мени?

Баҳодир деб бердинг шавкат,
Қанча бүй-у, сину-синбат,
Бола дебон йиғлай-йиғлай
Охири кетдим бефарзанд.

Ули борнинг ўзи бордир,
Қизи борнинг изи бордир,
Безуйратнинг неси қолар
Үлар чоғда ўзи хордир.

Бола дерга уялмадим,
Бола олиб суюлмадим,
Ота бўлиб искаб-искаб
Дийдорига тўялмадим.

Нега бино қилдинг худо,
Охир қилар бўлсанг гадо,
Ол дейман омонатингни
Барисидан бўлай жудо.

Алқисса, бечора Тўрағай баҳодир зор-зор йиғлаб, сийна бағрини доғлаб, ўзи бузук бўлсаям ундан бино булганми-бўлмаганни гумони фарзандини сўроқлаб, азройил келса жонини беришга чоғлаб кетиб бораётир. Шунда йўлда кетиб бораётуб ўзига ўзи: девона бўлган одам от миниб юрадими, от минган девонага бирор каландар экан деб жавоб берарми деб отидан тушиб бошидан жуганини олиб ҳайдаб юборди қамчи қушиб, энди ўзи пойи тусиб, неча қирлардан ошиб, кузларига ёш жўшиб, айрилиқ савдоси бошига тушиб; дунёда не ёмон — тирик айрилган ёмон, бирор жойда менинг болам бормикин деб гумон қилиб, йўл юра-юра чарчаб, ҳориб қолди, оёқлар қавариб қолди. Кел-е,— деди ўзига ўзи,— девона қаландарнинг борарга манзил жойи, киарга уйи бормидики, мен ўзимни-ўзим бунча қийнаб йўл тортсам. Борар жойимнинг тайини йўқ, энди шу кеча шу жойда ётайин, дамимни олиб эртами-индинни бошим овган томонга кетайин деб бир қумтепанинг устига ўзини таппа ташлади. Иул юриб ҳориган, кўп манзилни тўриган эмасми бирдан кўзини уйқу чалди, бир майдонда ухлаб қолди.

Тўрағай баҳодирни ухлашда қўйиб, икки калима сўзни ўзга жойдан эшигининг.

Тулпор оти ҳар алвон елган, товга чиқиб ов қилиши ни одат қилган Темур бу куниям товга чиқиб овлаб келади, бориб келгунча ўн саккиз какликман саккизта товушқон отди, широлғани суллаб уйига қайтди, уйидагилар ҳар хил ўтлардан, гиёҳлардан қўшиб, боплаб пиширди овқатти, овқатдан кейин Мусабой Темурга қараб берди шундайин маслаҳатти:

— Темурхон болам, товушқон отиб келдинг едик, каклик отиб келдинг едик, кийик отиб келдинг едик, чил отиб келдинг едик. Мана ҳозир баҳор вақти, чүлга кеп-кетар қушлар, кеп қопти қора бовурдок, түғизтумо-лоқ, фоз билан үрдак, энди бир-икки кун чүлга чиқиб овлаб күрсанг, кеп-кетар қушлардан отиб кеп берсанг, үзинг ҳам чүлларни томоша қиб күрсанг, күрган-билган-ларингни айтиб берсанг,— деди.

— Майли бобо, бир-икки кун чүлларни, чүлларда қанча белларни овлаб келаман, ҳеч бу томонларга юр-ганим йүқ, үзим ҳам хұп томоша қиласман, насиб бұлса широлғани мүллаб келаман,— деди.

Шу кеча ётди, әрта-мертан тонг отди, әгарлаб ми-нибди совиб қолған тулпор отти. Энаси ҳавас билан сир-ғиган отнинг аслақа, анжомларини созлаб, узоқ жой-ларга бориб, овламоқни күзлаб, отни әгарлаётган жойи:

Ов деган доим күнгил хушлади,
Овга чиқса широлғани чошлади,
Жийрон тұбал тулпор отин чақириб
Бисмилло деб қашов билан қашлади.

Майдон бұлса мардлар қилас әрликди,
Зұрлардан күр қичов вақтда шерликди,
Бисмилло деб от белига тайлади
Тибитдан босилған майин терликди.

Таълим олған әл таниған мулладан,
Рисқин тилар доим Қодир оллодан,
Қулочини бисмилло деб тайлади
Усти кимхоб остиң күрсанг тилладан.

Овламоқ бүб Эр Хизирнинг чүлини,
Об келай деб широлғани мүлинини,
Ният билан таштай берди отига
Ҳавасман энаси қилған жулини.

Овда юрса онг деганда интилди,
Отған онги парли ўқ еб ииқилди,
Бисмилло деб боз устидан ташлади
Чирозига сачоқ тиккан дигилди.

Баҳорда күр жала қуйған савурди,
Ҳамроҳ қиласма феъли ажаб товурди,

Дегилнинг устидан бачча ташлади.
Зар сочоқли қимматбаҳо давурди.

Иш бўлсаям катта ишни ўйлади,
Отга минса суқсурдай буб бўйлади,
Ҳамма ёғи кашта ийиб сирилган
Боз устига тақим чирги тайлади.

Яхши одам доноларга шерикди,
Эл мақтайди доим иши йирикди,
Бисмилло деб от белига ташади
Шарлозман сирилган жаҳолдирикди.

Ким билади ҳақ кимларни суюрин,
Шоҳлар билмас бир кун тахтдан тоярин,
Ният билан қўйди отнинг белига
Боши олтин, пайга тўйган иярин.

Чўлда қилмоқ бўлиб энди сайилди,
Ов қилмоққа доим кўнгил мойилди,
Оёқ тираб торта берди шердай буб
Тўғаси ярқиллаб турган айилди.

Онг қутилмас мерғанларнинг дастидан,
Эл куйинар ёмон одам дастидан,
Пуштанини тортди қаранг ёш бачча
Маҳкам қилиб тушайилнинг устидан.

Ёшлигидан тову чўлга жўш урди,
Онгни кўрса ўққа тутиб шоширди,
Узангиси икковилям тиллодан
Бисмилло деб икки ёққа туширди.

Ким чидайди айрилиқнинг дардига,
Худо иқбол берар суган мардига,
Бўктарув қиб кўринг босилдириқди
Маҳкам қиб бойлади эгар ортига.

Қаранг энди ёш баччанинг ишига,
Жўнамоқ буб Эр Хизирнинг даштига,
Қайишлари чармгарнинг қўнидан
Зар жуганни солди отнинг бошига.

Келига тирдонни созлаб бойлади,
Парли ўқни тирдонга соб жойлади,

Неча кунлик озиқасин жамлаган
Хуржунини от белига тайлади.

Ейни олди бачча эгнига осиб,
Кийим кийган ярашиқли муносиб,
Бисмилло деб от белига минди-да,
Дуо олиб жүнайберди йўл босиб.

Алқисса, Темур эгарлаб минди тулпор отти, ҳайт деб
чўлга қараб овга жўнаб кетди.

Темурни ов машғулотида қўниб, икки оғиз сўзни
бошқа жойдан эшитмоқ даркор.

Турагай баҳодир шу ухлагандан ухлаб ётиб эди,
узоқ ҳам тонг саҳардан ўтиб эди. Бир ажойиб туш кўр-
ди, тушида узоқдан тумшуғи оқариб учиб келаётган бир
қуш курди. Бу қуш нимани тишлаб келяпти экан деб
қараб туриб эди, қуш туғри Турагай баҳодирнинг ус-
тига келиб муаллақ тўхтаб оғзида тишлаган оқ нарсани
баҳодирнинг бошига қўниб, ўзи нарироққа бир тепага
бориб қуниб, орқасига бурилиб, Турагай баҳодирга қа-
раб, қанотини ёзиб-ёзиб тураберди. Бу қуш бошимга
нимани қўйди деб, бошини ушлаб курса бир оқ дастор,
дасторни томоша қилиб, ўзини дасторини бошидан олиб
ўрнига ҳалиги қуш қўйган дасторни кийса лоппа-ло-
йиқ, менга хўи муносиб экан деб турганда уйқудан уй-
ғониб кетди. Бундай қараса туси экан. Бошидан дас-
торини олиб курса ўзининг ҳамишаги дастори. Шунда
бу қандай туш бўлди экан деб жойидан турди, яна қай-
тиб ётгиси келмай у ёқ-бу ёққа юрди. Шу вақт оқа-
риб тонг отди, сув йўқ, таямил қилди тахоратини, кан-
да қилмайин деб ўқиб олди бомдодди. Намозни ўқиб
бўлиб қай томонга таваккал қиб солди кетди. Шу кет-
гандан кетди, қанча жойлардан ўтди. Шу сўнгги куни
чошгоҳдан ўтганда катта бир карвонга дучор бўлди.
Шунда карвонларга қараб, кузида ёши милтираб: Эй
карвонлар, юрагимда купдир қайғу армонлар, бир май-
дон тўхтаб ўтинглар; сўз сўрайман жавоб бериб кетинглар,
деб бечора Турагай баҳодир, зору зор йиғлаб, кар-
вонлардан сўз сўраб турган жойи:

Бирга уйнаб-кулсанг турфа эл бўлсин,
Утган жойинг тову шаҳар чўл бўлсин,
Бир майдонга сўз бериб ўт карвонлар
Эл кезган халойиқ сизга йўл бўлсин?

Лұқ-у нориңг йүл тортибди қатор бүб,
Шайланибсан күп жойлардан үтар бүб,
Савдогарнинг иши шундай бұлади
Мол ортибсан үзга юртда сотар бүб.

Кеча-кундуз тинмай йүлни оласан,
Мен билувда узоқ әлдан келасан.
Бир майдонга тұхтаб үтгін карвонлар
Сүз сүрадим асли қайдан бұласан?

Савдогар бүб әлдан әлга юрдингми,
Касбинг сабаб күп жойларга бордингми,
Қанча шаҳар-қишлоқларда бұлғансан
Тегін деган бир аәлни күрдингми?

Эркак-аәл — әлман савдо қиласан,
Талашиб-тортишиб ҳаққинг оласан,
Мабодо күрдингми шундай аәлни
Савдо иши күп одамни биласан.

Менинг бир хотиним қочиб кетгандир,
Орадан үн йилча вакт үтгандир,
Шундай аәл дуч бұлдими мабодо,
Излай-излай мендан мадор кетгандир.

Армоним күп, адo бұлмас нолам бор,
Адашган бандаман күзда жолам бор,
Иүқчи булиб юрмас әдим аәлга
Унинг билан бирга кетган болам бор.

Боримдан жудо буб қолдим дарбадар,
Күзим деб бұзлайман куну тун, сахар,
Мен адашдим шундай ёрман, боламдан
Агар билсанг шундан менга бер хабар.

Бу сұзларни әшиитган савдогарлар, Тұрағай баҳодирга қараб кулишаберди, туяларини тұхтатиб яқин келишаберди. Бир хиллари: Биз бир юрган савдогарлар карвони бұлсак, әрдан қочган хотинни қайдан биламиз, дейишаберди. Шунда карвонларнинг ичидә Ҳасан деган бир художайиси бор әди, Ҳасаннинг айтган гапи барча учун эътибор әди, у ким туш күрдим деса, таъбирини айтиб берар әди, унинг айтгани таъбирда келар әди. Шу сабабдан уни карвондаги одамлар Ҳасап оқсоқол деб юрар әди.

Ҳасан оқсоқол Тұрағай баҳодирнинг бор давлатидан айрилиб, юрар йұлдан тойрилиб, бұтадай бұзлаб, гұмона боласини излаб юрганини билиб, баҳодирга раҳми келиб, унинг қаландар әмаслигига қаноат ҳосил қилиб, үзларнинг келаётган әлини, бораётган йұлини бағын қилиб, унинг хотиниман улини билмаслигини аён қилиб, баҳодирнинг күнглини күтариб, бир-икки оғиз сүз айтиб турибди:

Оқилинг донодай, турқинг зұравор,
Бир сабабман сен бұлғандай қаландар,
Әл сұраган хонзодага үхшайсан
Хұрматингга тұхтар билсанг карвонлар.

Айрилган үхшайсан гулгун даврондан,
Даврондан айрилиб бұпсан саргардон,
Қаландарлар сира сенға үхшамас
Ҳар хил савдо үтар билгін инсондан.

Раҳмим келар бу қылған нолишиңгга,
Күп савдо тушибди азиз бошингга.
Не тиласанг Ҳақдан тила қаландар
Ұзи құшар излаб юрган кишингга.

Бизни билсанг узоқ әлдан келамиз,
Хаяллатсанг юрар йұлдан қоламиз,
Карвон халқи умри үтар йұл юриб
Хотинман болангни қайдан биламиз.

Отим Ҳасан, үтган жойим бил Эрон,
Хитойга тиркадик юк ортиб карвон,
Эронда қолгандир рұзгору ватан,
Хаяллатма юрар йұлдан қоламиз.

Бу йұллардан ҳар йил тұрт бор үтамиз,
Хар келганды ҳар йұл билан кетамиз,
Қанча вақтлар ҳориб, чарчаб йұл юриб
Ортган молни үзга юртда сотамиз.

Донолар билинар маъқул сүз билан,
Одамзот қувонар үғил-қиз билан,
Борар жойинг мұлжалини билмасанг
Кетар бұлсанг майли юргин биз билан.

Қайға борсак бирға олиб борамиз,
Не есак, не иссак баҳам кұрамиз.
Бирор жойдан топсанғ агар дарагин
Иүқтотганингни топишга кұмак берамиз.

Бу гаплар Тұрағай баҳодирға малҳам бұлғандай, хаёлиға иши үнгдан келғандай, боласини топиб қувониб, суюниб қолғандай бұлди. Ҳасан оқсоқолнинг айтган гапи маъқул келди, борар жойимнинг аниғи бұлмаса, шу карвонларға құшилиб кетсам ҳам бұлади, деб бирға кетишға рози бұлди.

Буларнинг гап-сұзига қулоқ солиб турғанлар гапнинг охиди аниқ бұлғанини билиб, «Ҳайт» деб нор тұяларини құзғаб йұлға солди.

Булар шу юрганидан шу куни номоздигарға йұл тордиди, кун ғир-пира бұлғанда катта бир қудуққа етди, от, эшак, тұяларни сувлаб кетамиз, үзимиз ҳам шу кеча сув ичиб, чой ичиб дамимизни олиб ётамиз, эрта-мертан юкларимизни ортиб, яна йұлға кетамиз дейишиб қудуқни күриб, суюнишиб, тасира-тусур юкларни тушираберди. Идишларидә суви қолмай сувсаб, чарчаб келаётған одамлар эмасми, юкларини тушириб олишиб, бары йиғилиб қудуқнинг қошиға келишиб, хаччада илиниб турған қовғани томоша қилишиб, қовғанинг катталигига хайрон қолишиб, бу қовғаман қандай қилиб сув тортиб оламиз деб мулзам бұлишиб турибди. Үттис олти, Тұрағай баҳодирман үттис етти киши бирикиб, не қилишни билмай қовғани сувга ташласа, уни тортиб олишга күнгиллари тұламай хайрону лол бўлиб қолишиди.

Шунда Ҳасан оқсоқол: Эй йигитлар, энди бир тавқал қиласылғык, арқонни бир учини хаччага бойлаб қовғани сувга солайлық, насибамизга яримроқ бұб сув илашса, күпайлашиб тортиб олайлық, агар тұла бұб тортиб ололмасақ, үтираберамиз-да термулишиб, мададни кимдан тилайлық,— деди.

Бу гап ҳаммага маъқул бұлди, арқонни буш ипини қудуқнинг хаччасыға бойлаб, қовғани сувга солди, қовға гумбирлаб ташлаб кетди, шалп этиб сувга етди, үзи оғир нарса эмасми сувга чүкиб пана бұп кетди. Энди ҳаммаси ҳа деб тортаберди, қовға бир күриниб құзғалди, лекин жойидан бери келмади, ҳарчанд уриниб күришиди, ҳеч бир иложи булмади. Ҳаммаси сувсаб, очқаб келаётған одамлар эмасми, қовғани торта-торта тинкамадори қолмади.

Шунда ҳаммаси үйлаб қараса сув тортадиган ҳеч бир идиш йұқ, үзларининг беидиш юришга, сув топғанда идиш тополмай мулзам бұб турғыша үзларини койиб ётири. Нон-пон ейин деса томоғидан үтмайди, сув ичайин деса қовғага күч етмайди. Ҳеч иложини қилемдемай, оғзига ушоқ сололмай бары турған жойига таппа-таппа ташлаб қолди, нечөві құзини ёшлаб қолди, шундай қиб ҳар қайси жойда ёнбошлаб қолди.

Алқисса, иложисизликдан шу кеча шу қудуқнинг қошида сувсиз ётди, барининг танглайлари қотди, бу ёғига ағнашди, у ёғига ағнашди, қийналишман шу кеча ўтди, катта юлдуз чошгоқ кутарилиб тонг отди. Бир хили уйқуда күрган түшларини келиб Ҳасан оқсоқолға айтди. Бирори: Мен түшимдә бир булоқнинг қошида юрган эмишман, ичаман десам булоқнинг суви қирқ газ чуқурлікка кетған эмиш деса, унға Ҳасан оқсоқол «Иштонсизнинг тушиға иккі қарич бұз кирибди, сен сувсаб ётганингга шундай түш күргансан»,— деди.

Шунда Тұрағай баҳодир Ҳасан оқсоқолға: Сиз күрган түшнинг таъбирини айтасизми?— деди.

— Ҳа мени одамлар түш жүрагиң оқсоқол дейиша-ди,— деди.

— Үндай бұлса мен түнов кече бир түш күриб әдим, шуни жүраб беринг,— деди.

— Қани айтинг, чамалаб күрайин, дилга кеса таъбирини айтаб берайин,— деди.

— Мен түшимдә бир түмшүғи оқарыб учеб келаётған бургут қүш күрдім, бургут келиб менинг бошимға оқ дастор қўйиб үзи қанотин қоқиб бир тепада караб турди. Дастор менға лоппа-лойиқ бұлди. Кийиб күрган вақтимда уйғониб кетдім,— деди.

— Бундай қүш— асли фарзандға тобун бұлади, үндей бұлса боланғыз топилиб қолади, дастор обрұға тобун бұлади, энди обрұли бұласиз,— деди Ҳасан оқсоқол.

— Илойо, айтганингиз келсин,— деб бечора Тұрағай баҳодир қувониб қолди. Бу одамлар энди нима қилишни билмай, юқ ортиб йұлға тушишиға мадори қолмай галдираб тураберсін, энди иккі оғиз гапни бошқа жойдан әшитинг.

Темур күн бўйи овлаб, уни отди, буни отди, алқисса, широлға күпайди, овга қизиқиб кетиб, қаёққа кетганинг билмай жуда узоқ жойларға кетди. Энди орқамга қайтаман деб туриб әди, отни орқага буриб әди күн

ботди. Чаппадан шамол эсиб қолди, ана-мана дегунча ҳамма ёқни туман босиб қолди. Қаёққа юрарини, отини қаёққа бурарини билмай шошиб қолди, аввал юриб курмаган чўл эмасми ўнгу чапни билмай охири адашиб қолди. Тонг отгунча отининг жиловини ўз ихтиёрига ташлаб кета берди, оти не-не жойлардан, не-не сойлардан утаберди. Баҳор вақти тонг калта, адашишман билмай қопти отаберди. Тонг отгандан сўнг туман ҳам тарқаб кетаберди, жонивор от кунчала-кунчала бир қудуқнинг қошига етаберди.

Темур бундай қараса, кўп карвон қўш ташлаб бари ётибди ёнбошлаб, булардан йўл сўрайман деб вақтини хушлаб, энди отнинг жиловин ушлаб ётган одамларга кўз ташлаб отини тұхтатди.

Шунда Ҳасан оқсоқол жойидан туриб, Темурнинг олдига бориб: Эй болам, сени бизга худо етказди, ўзинг қувватли бачча кўринасан, биз кечадан бери манави қудуқдан бир қовғани кўпайлашиб ололмай ётибмиз, шунга сен ҳам қўшилиб тортсанг агар чиқариб ололсак, сўнг ўз йўлингга кетасан, ҳақингга дуо қилар эдик, деди.

Бу сўзларни эшитиб: Шунча одам бўлиб бир қовғани тортиб ололмадингизларми?— деди Темур.

— Ҳаммамиз бирикиб тортсак ҳам қовғани жойидан қўзғатолмадик, деди Ҳасан оқсоқол.

— Бўлмаса мен ўзим бир тортиб кўрайин, қўлимдан келса қовғани чиқариб берайин,— деди Темур.

— Биз шунча киши бўлиб тортолмаганда, сен бир ўзинг қандай қилиб тортасан?— деди оқсоқол.

— Ха буям бир таваккал-да,— деб Темур отидан тушиб, жилов ипини бир саксовулга илдирди-да, қудуқнинг қошига келди. Буни куриб одамлар: Ҳали бу бачча-да, ниманиям билади, қовғани тортиб олиш сенинг ҳаддингми, дейишиб кулди. Темур кеб арқонни маҳкам қиб ушлади. Баҳовиддин пирим деб торта бошлади, ха-па дегунча бир ўзи сув тўла қовғани чиқариб ташлади, сувни обхонага бушатиб, қовғани яна ташлади. Алқисса, анамана дегунча тўрт қовға сув тортиб бўлди:

— Энди ҳаммангизга етама?— деб турибди. Бундай олпни аввал охир курмаган, эшиитмаган одамлар: «Тавба» дейишиб ёқаларини ушлаб, сувни куриб вақтларин хушлаб қолди.

Шунда кўпни кўриб юрган Ҳасан оқсоқол Турағай баҳодирга қараб: Эй қаландар, одамзод дунёга бир марта келади, куни тўлгунча бир хиллар даврон суриб қо-

лади, бир хилнинг иши шу санама кундаем чаппасидан келади. Беш кунлик дунёга бир марта келганингдан кейин элда баланд қўлинг бўлса, ширин-шакар тилинг бўлса, искарга боғингда гулинг бўлса, фарзандинг бўлса—мана бўзболадай олисифат улинг бўлса, улган кунинг иси-чироғингга эгалик қиласа,— деди. Тўрағай баҳодирнинг сув тортган бўзболадан ҳеч кўзини узгиси келмай қолди. Ҳасан оқсоқолман баҳодир гурунгман булиб овқату суво эсигаям келмай, шу йигитнинг ишига, қийилган қалам қошига, эс оқилман бардошига ҳаваси келиб қолди, ҳар алвонда гурунг қилиб қолди.

Бошқалар эса сув идишларига сув солиб, дастурхонни урталарига олиб қолди. Ҳаммалари қоринларини тўйдириб, бирин-бирин жойидан туриб йўл тараддудига кираётир. Темур ҳам энди овга ҳозирлик кўраётир. Карвонлар туяларини турғазиб юкларини ортаберди, турганлари эса арқон билан махкамлаб тортаберди.

Алқисса, карвонлар йўлга тушди. Шунда Ҳасан оқсоқол Тўрағай баҳодирга гап қушди:— Эй қаландар, энди биз билан кетасанми, ё бошқа йўлни тутасанми деб.

Бечора Тўрағай баҳодирга шу бачча иссиқ кўринаётир. Ҳасан оқсоқолга қараб:— Сизлар кетаберингизлар, мен энди сизлардан айрилиб қолар бўлдим, бошқа йўлни олар бўлдим, деб қудуқнинг қошида турган Темурнинг қошида қолаберди.

Карвонлар жўнаб кетгандан сунг, бу чол не сабабдан ўз ҳамроҳларидан айрилиб қолди экан, деб Темур отига миниб олди, «Хайр бобо, мен ҳам овга кетдим» деб отини буриб йўлға олди. Шунда бечора Тўрағай баҳодир ўзининг ёлғиз қоб кетишини билади. Кўзлари жавдира, соқолини қули билан тараб, кўзда ёш мўлтираб, кетаман деб от бураётган баччага қараб, манзил-маконини сўраб, сўзлаб турган жойи:

Сени кўриб банди бўғним бўшайди,
Суякларим ҳар жойидан шовшайди,
От устига ярашади савлатинг
Қилган ишинг олп йигитга ухшайди.

Карвоннинг баҳтига бунда келдингми,
Ҳумоюндай бизга соч солдингми,
Одамзот боласи сендей буларми
Ё девлардан қузим, улгу олдингми?

Широлғанг кўп, билдим овдан келасан,
Остингдаги тулпор отни еласан,
Иссиқ кўринасан, болам, кўзимга
Уз элингда кимнинг ули бўласан?

Онг қутилмас сендай мерган қастидан,
Келиб қолдинг кўп карвоннинг устидан,
Уз элингда, болам, кимнинг улисан,
Бул бобонга сўзла гапнинг ростидан?

Тову чўлни кезиб даврон сурдингми,
Топган онгни ёйман кўзлаб урдингми,
Одобу гапларинг ўхшаб бироғга
Яхшилардан сен тарбия кўрдингми?

Айрилмасин одам дўсту хилидан,
Ўйнаб-усган турфа, дуркун элидан,
Ҳамма қойил бўлди қилган ишинингга
Ҳар қимсанинг бу иш желмас қўлидан.

Ун, ун бирда билдим, болам, ёшиңгни,
Одамзот қиболмас сенинг ишингни,
Ростингни айт, ўзинг кимнинг боласи
Менга айтгин асили қариндошингни?

Кўзларим термулиб сенга қарадим,
Ҳосил бўлармикан менинг муродим,
Хили хиштинг, қариндошинг ким дейди
Отанг ҳам энангни, қўзим, сўрадим?

Қўрган одам қувонади бўйингни,
Нима дейди ўйнаб-усган жойингни,
Оқ сут берган энанг кимдир, жон болам
Уз элингда ким дер қиблагўйингни?

Ов қилиб совубди бу тўбичоғиниг,
Рустами достонга ухшар сиёғинг,
Елғон айтмай рост сўзлагин, чироғим
Бироғга келишар қошу қовоғинг.

Уз элингда недур касб ила коринг,
Уруғингда борми бирор номдоринг,
Мендай бобонг жонинггадир садаға
Ким дейди тарбият берган падаринг?

Сўз сўрадим юрган мен бир қаландар,
Бир сабабман чўлда бўлдим дарбадар,
Қанча одам очқаб, сувсаб ётганда
Сен келиб ҳаммага бўлдинг мададкор.

Одамнинг тоймасин бошдан давлати,
Кўп бўлди бобонгнинг бошда кулфати,
Сени кўриб, меҳрим тоблаб боради
Тўғри гапир соқолиман ҳурмати.

Бу сўзларни бободан эшитиб, Темурнинг кўнглига ҳар хил гаплар келиб, бобони бир ўткинчи девона билб, ўзи тенги болалар билан ўйнаб юрганда «Сенинг отанг йўқ, етимсан» дейишган гаплари эсига тушиб. Баҳовиддин пирининг: «Сенинг отангни Тўрағай баҳодир дейди», деган сўзларини ёд олиб, бу қаландар чолганима десам экан, сўзларига қандай жавоб берсам экан, деб ўйланиб қолди.

Бу ўйланиб қолишнинг сабаби ҳам бор эди: энаси Тегиной Темурга отаси ким эканини, қаерларда юрганинг айтмас эди. Хаёлига бола болалик қилиб отасини излаб кетадигандай, ёлғиз боласи бир ёққа кетиб қолиб жигар-бағрини сутадигандай бўлаберар эди. Мусабойгаям: Бобо, Темур неварангизга отасининг қаерларда эканини айтмай турайлик, ишнинг орқасини кўрайлик, деб тайинлаб қўйган эди. Шу бонсдан Темур отасини исми-шарифини Баҳовиддин пиридан эшигтан булсаям, бор йўқлигини билмас эди, энасини одамлар табиб опа, табиб қизим дейишар эди, шунинг учун энасининг отини бирорвга айтгиси келмас эди.

Алқисса, бобога қараб, узангига оёқни тираб: Гузар йўлда жойим бор, остимда Фунон тойим бор, кунглимда кўп ўйим бор, Мусабой деган қиблагўйим бор. Узим бир юрган мерганман, қулимда парли ёйим бор, овчиликдир касбу корим, ўрта йўлда кирдикорим деб бир-икки оғиз жавоб бериб турибди:

Тарзинг курсам узинг юрган қаландар,
Дучор булиб сўз сурадинг боякбор,
Ўз йўлингга кета берсанг бўлмасми
Аввалига менман қанча ишинг бор?

Салом-алик бўлар сўзнинг зийнати,
Эл бор жойда бўлар арқон-давлати,

Нима ишинг бордир, бобо, мен билан
Жавоб берай соқолингнинг ҳурмати.

Тов-чўлда ов қилмоқ касб ила корим,
Гузар йўлда хонаю кирдикорим,
Сен сурадинг хилим билан хешимни
Мусабой дер бобо билсанг падарим.

Ўйнамоққа бобо манзил жойим бор,
Узим мерган, қўлда парли ёйим бор,
Бир қишлоқнинг донг таратган бойидир
Мусабойдай менинг қиблагўйим бор.

Бобожон, бўлмасин сўзим озори,
Элат бўлса, бордир унинг бозори,
Манзилимни, маконимни сўрадинг
Үрта жойда карвон йўлнинг гузари.

Ўзим кўрдинг ёй кутарган мерганман,
Дучор келган онгин отиб юрганман,
Ешимни сурадинг бўлдим ўн бирда
Мен отамнинг тарбиятин кўрганман.

Жойим сурдинг бобо Занжир саради,
Мол-ҳолига қудуқдан сув беради,
Отам сахий, гузар йўлда туради
Нонсизга нон, сувсизга сув беради.

Тусмол гапга бобо рангинг сўлдирма,
Юким оғир, от белини толдирма,
Билганим шу, бошқа сўзни сўрама
Кўп тўхтатиб мени овдан қолдирма,

деб Темур отни ҳайдаб жунамоқчи бўлди. Бечора баҳодир боланинг тезоблаганини кўриб шошиб қолди. Кўзини ёшлаб Темурнинг отининг жиловидан ушлаб: Эй болам, мени бир қаландар деб ўйладинг, шу сабабдан менга ёлғон-яшиқ сўзладинг, боям худо билади сен тўғри сўзлаётгандирсан, қорнинг сувидай буб кунлар ўтиб бораётир, ёш баччалар ҳадемай камолига етиб бораётир. Мен сенинг Мусабой отангни танийман, Мусабойнинг мен билувда икки қизи бор эди, аёлиям ёши элликдан ошиб бир ўғил кўрмоққа зор эди, бу ўйнамол дунёнинг ўйини кўп. Мусабой бошқа хотин олдими, сен-

дай фарзанд шу кейин олган хотинидан бино бүлдими,
күп яшагин үлмагин, бобонгни нодон билмагин, нима
бүлса рост сүзла, ёлғонни орага солмагин деб Темурдан
яна бир-икки оғиз сүз сүраб турибди:

Күнглим ярим эди, болам, билмадинг,
Қаландар деб мени құзга илмадинг,
Елғон-яшиқ сүзни солдинг орага
Бобонгга рост сүзни баён қилмадинг.

Парвоз қиб учибсан манзил-хонангдан,
Тарбият күрибсан ақли дононгдан,
Гапни буриб мен бобонгни алдама
Гап очмадинг оқ сут берган энангдан.

Күрса энанг суюнади бүйингни,
Отанг күрса искар рангу рүйингни,
Рост турганда ёлғон сүзга не ҳожат
Мусабой деб айтдинг қиблагүйингни.

Мусабой булади менга қариндош,
Бир үсганимиз, бирга ейиб нону ош,
Рост сүзла Мусабой ниманг булади
Бобонгда қолмади наиласин бардош.

Қишлоғида жуда эътибор эди,
Адашганга доим жиловдор эди,
Үрта ёшдан ошган эди аёли
Мен билувда икки қизи бор эди.

Е бүлмаса бошқа хотин олдими,
Сендей йигит шундан бино бүлдими,
Бир келбатинг Тегинойга үхшайди,
Тегинойни ё Мусабой олдими?

Сүзларимга құзим хафа бүлмагин,
Бобонгнинг гапини оғир олмагин
Бино бүлган бүлсанг Мусо құлида
Тегинойнинг сен боласи бүлмагин?

Қодир эгам кечирсин-да хатонгни,
Белингга бойлабсан болам пұтангни,
Мусабойга келишмайди келбатинг
Менга түфри айтгин құзим отангни.

Бу гапни бободан эшитиб Темурнинг қаҳри келди, илондай заҳри келди. Айниқса, бобонинг Тегинойни Мусабой олдими, ундан сендей фарзанд бино бўлдими, деган гапи ботиб кетди, юрак-бағридан ўтиб кетди. Бобони жеркиб ташлайин деса оппоқ соқоли бор, буям туғри келмайди, бу чол эса гапни айлантириб эзишдан колмайди, алқисса, билганимнинг тўғрисини айтмасам бўлмайди, деб Темурнинг бобога қараб жавоб берәётган сүзи:

Сўз сўрашдан, бобо, сира қолмадинг,
Айтган гапга сира бовар қилмадинг,
Ёшигнинг ҳурмати жавоб берайин
Уз қадрингни сен қаландар билмадинг.

Овқиб юрган мерғанларнинг хилиман,
Мен ҳам бирвларнинг жону дилиман,
Ота-энам даркор бўлса, бобо эй,
Шу қишлоқда бир табибнинг улиман.

От мингандар тову қирдан ошади,
Пиёдалар сувсиз чўлда шошади,
Шу қишлоқда бир табибнинг ўғлиман
Энамнинг отини табиб дейишади.

Энам қилган доим мени тарбият,
Товларда ов қилиш ўзимга одат,
Отамнинг бор-йўғин бобо билмайман,
Мусабойдай бобом бордир бадавлат.

Остимда ўйнаган тулпор тўрим бор,
Уз элимда номусим бор, орим бор,
Қайга юрсан жиловдор бўб юргали
Баҳоваддин деган қўллар пирим бор.

Ҳали бобо кўрганим йўқ ситамни,
Эгам ўзи кечирсин-да хатомни,
Энам мени ўзи қилган тарбият
Бола бўлиб кўрганим йўқ отамни.

Энамнинг отини табиб дейишар.
Топганини ўрталиқда ейишар,
Қанча касал келиб-кетар ҳар куни
Келган бари назир-ниёз қўйишар.

Баланд товда бўктар-бўктар қормиди,
Савдогарнинг тиркагани нормиди,
Отам йўқ, энамни айтдим бобожон
Е шуларда бирор қарзинг бормиди?

Алқисса, бечора Тўрағай баҳодир баччанинг гапидан бирор маъни айролмай боши қотаберди, икки кузидан ёши оқиб кетаберди. Хаёлига «бу бачча менга тўгри гапни айтмади, уз билганидан қайтмади, бир ёш баччага зор-зор йиғлаб турганим билан бирор маънили гапни билмасам, Табиб деган аёлни аввал охири курган бўлмасам, ундан кўра шу баччага, «Болам, менинг касалим оғир, мен ҳам энангга бир қўринсан шояд дардан халос бўлсан, деб бачча билан бирга бориб, табиб энаси ни куриб, унга назир-ниёзимни бериб курсам, балки у билгир аёл бўлса, бошимдан ўтган сиру савдоларни айтиб берар» деб Темурга қараб: Болам, ундей бўлса сенман бирга борайин, табиб энангни курайин, назир-ниёзини берайин, агар касалим яхши бўлиб кетса мен ҳам уз элимга борайин, табиб қизимни элимда маҳтаб юрайин,— деди.

Шунда Темур бобога қарамай кетмоқни кўзлаб турган эди, қулоғига бир нидо келди: Эй Темур, шу чолнинг кўнглини қолдирма, рангини гулдай сўлдирма, бундай танг вақтда баччалигингни билдирима, ҳар ишни ўйла танангга, олиб бориб кўрсат табиб энангга,— деди. Бу нидони эшиштан Темур: бобо, майли менман бирга юринг, бориб энамнинг олдига киринг, назир-ниёзини беринг, тузалмасангиз тақдирингиздан кўринг,— деди.

Бечора Тўрағай баҳодир узига узи нима бўлсаям элига аралашайин, эл бор жойда гап бор, бирор баланддан пастдан, юқори тумандан келади, шу ерда кўп гаплар аниқ бўлади, деб баччанинг орқасидан эргашиб жунайберди. Нидони эшиштан сўнг Темурнинг ов қилиш ҳам эсидан чиқиб кетди, бобони эргаштириб мўлжаллаб уйларига қараб бурди отти, отиям ер тепиб туриб эди, ём еган жойинга қараб йўлни бошлаб кетди. Қаландар чолмай Темур роса уч кун йўл тортти, уйларига намози пешинда етди. Темур отини тұхтатди. Ёлғиз бола ёвдан ёмон дегандай бечора Тегиной болам не сабабдан кечикиб кетди, деб йулига қараб утирган экан. Темурнинг олдига пешвоз чиқиб гап сўрайин деса, бир чол Темур-

нинг қаватида кўринди. Номаҳрамга қўзим тушмасин деб Тегиной яна қайтиб ичкари кириб кетди.

Темур отини отхонага бойлади олдига хашак тайлади. Бобони меҳмонхонага жойлади. Қайтиб келиб эди энасининг қошига, не сабабдан кечга қолдинг ёлғизим, деб Темурга қараб сўйлади:

Эгам ўзи қарасин-да ҳолингга,
Қандай қушлар кебти борган чўлингга,
Не сабабдан кечга қолдинг ёрқиним
Қўзларим тўрт бўлди қараб йўлингга.

Қизиқиб ов қилиб йироқ кетдингму,
Ошна билиш топиб шунда ётдингму,
Сен кечикдинг ҳаловатим қолмади
Ё бироннинг нону тузин тотдингму?

Ҳар кунлик одатинг нега келмадинг,
Кунлик кетиб, кунлик қайтиб келмадинг,
Ҳаммамиз суюниб қолган үзингга
Шуни сен танангга ўйлаб билмадинг.

Сенман тўқдир билсанг менинг юрагим,
Үзингсан-ку ҳам таянчим, тирагим.
Кечикканинг болам айтгин энангга
Юзимнинг ёруғи, ёнган чироғим.

Хавотир бўб уйқу келмас қўзимга,
Гоҳ тасалли бераман мен үзимга,
Не сабабдан ҳаялладинг жон болам,
Тўғри жавоб бергин қўзимга.

Бу сузларни энасидан эшитиб Темур: эй эна, мен бир қиз боламишимки, бунча алағда бўлсанг, чўлда не кўп экан мен курмаган қушлар кўп экан, овга қизиқиб кетиб, ато қилганини отиб, қайтиб жўнайман деган вақтимда қолди кун ботиб, кун ботган ҳамоно қолди ҳамма ёқни туман тутиб. Алқисса, бир кеча адашиб қолдим, эртаси бир карвонга дучор бўлдим, қудуқдан сув тортиб бериб одамларнинг кўнглини олдим, шуларнинг ичида касалтабиат бир мўйсафид чол бор экан, бир табиби кўрмоқقا интизор экан, шу бобони эргаштириб келдим, табибга курсатиб дардан халос қилдираман деб бобога ваъда қилдим деб энасига қараб Темурнинг бир-икки оғиз жавоб бериб турган сўзи:

Құлымда ё бұлса, белімда тирдон
Остимда үйнаса назарі ҳайвон,
Мен қизмидім ташвиш тортсанг йүл қараб
Бекорга алағда бұбсан энажон.

Овлай-овлай ошдим қанча қирлардан,
Утиб кетдім ҳеч күрмаган ерлардан,
Овчилик ҳұнари шундай бұлади
Онгни қувиб от ҳайдадим үрлардан.

Томоша қиб күрдім Хизр чұлини,
Қанча бойлар олиб ётири тұлини,
Ов бақона қылдим сайру сайлни
Чүлда күрдім турфа қушлар мұлини.

Үтөв тикиб ётири элнинг бойлари,
Қимиз, айрон экан ичар чойлари,
Хұп ажаб жойларни күрдім энажон
Чүлни босған элатнинг күп қўйлари.

Қанча элга эна бордим ёнашиб,
Онг қувалаб кетдім қирлардан ошиб,
Энди қайтсам бұлар деган вақтимда
Кунбота-кунбота қолдим адашиб.

Тусмоллаб мен юрдим тинмай йүл босиб,
Отган онгни отгачувмақлаб ортиб,
Адашганинг олди йүл деб юрибман
Шу алфоз қарасам қопди тонг отиб.

Жабр бұлды остимдаги ҳайвонга,
Кун ёйилди дучор бұлдим карвонга,
Сув тортолмай ётган экан күп киши
Қовғаман сув тортиб бердим күп жонга.

Қовғасига бир ҳавуз сув кетади,
У қовғага кимнинг кучи етади,
Бари сувсиз қолған экан күп одам,
Сув дейишар барин лаби қотади.

Ё пирим деб тортдим үн түрт қовғани.
Мен билмадым қайси элнинг карвони,
Шерик бұлай дедим үзим савобга
Ё пирим деб тортдим үн түрт қовғани.

Обхонанинг барин сувга түлдирдим,
Қаини элни хушвақт қилиб кулдирдим,
Қаландар сифатли дардман бобони
Карвондан об қолиб бунда келтиридим.

Тонг отган сұнг шу бобони күрасан,
Тузатай деб хизматида турасан,
Дарди енгил бұлса шұрлы бобонинг
Тузатиб кейнинг жавоб берасан.

Алқисса, бу гапларни боласидан әшитган бечора Тегиной юраги тошиб қолди, бир үзім әл тортолмаган қовғаман үн турт қовға сув тортдым деганига шошиб қолди, әхтиёт бұл жон болам, майиб-пайиб бұб қолмагин деб ёшлари жүшиб қолди, күз тумору суқ туморлар әсига тушиб қолди. Ҳали ёшсан, күп нарсаны билмайсан, унча-мунча ишни писанд қылмайсан, үзингга жабр қиб ётгунча шу сув ичгич одамларман биргалашиб қовға тортсанг бұлмайма, ё бироман қүшилиб қылган ишининг күнглинг тұлмайма,— деб гоҳ йиғлаб, гоғ қувониб Темурнинг олдига ҳар хил овқатлар олиб кела-стир Темурнинг әнаси бечора.

Алқисса, шу кеча үтди, әрта мертан тонг отди, тонг отгунча қаландар чолгаям хизматкорлар қилиб турди хизматти, ташиб берди чойман ҳар хил овқатти. Тонг отган сұнг бечора Тұрағай баҳодир үзига үзи: Менинг белгили касалим бұлмаса, таваккал-да шу табиб аёлга күринайин, шояд ҳар нарсаны англайдиган табиб бұлса, менинг боламдан адашиб юрганимни билар, йұлимни үнғарыб яхши йўлга солар, деб алқисса табибга күринишни күзлаб турибди.

Бу кун Темур овга бормайдиган бұлди. Әрта билан бобонинг олдига саломга келди. Құсабой эса ҳар куни меҳмонга ўрганиб қолган әмасми, хизматкорларга меҳмонни тайинлаб, үзи бошқа ишларман машғул бұлди. Алқисса, меҳмон чолнинг олдига келмади, меҳмонни кимлигини билмади, Темур қаландар бобони үз әнасига бир күрсатаман, дарддан халос қилиб шод этаман, күнглинин олиб жұнатаман, деб: Эй бобо Табиб деган аёл менинг әнам эканини сизга маълум қилиб әдим, шул сабабдан бирга олиб келиб әдим. Әнди бир күриниш қылсангиз, худо шифо бериб бир сабабда дарддан халос бұлсангиз, тузалиб кетиб яна борар йўлингизди олсангиз дейтири.

— Ҳай майли болам, мен ҳам шундай ўйлаб туриб эдим,— деб табибга куринмоқчи бўлди. Шунда Темур энасининг олдига келди, бобонинг куринишини баён килди. Тегиной бўлса: Эй болам, у чол менга номаҳрам бўлса, унга юзма-юз бўлолмайман, бир гилам тутиб қўйсак, шу гиламнинг у ёғида дардман чол, бу ёғида мен касалини бир ёққа қўйсан, деди. Темур гиламни тутди, энасини айтган иши битди, шу вақт бобоям бер-ёқдан етди. Тегиной Темурга қараб айтди: олиб келган қаландар бобонгга айт; қаери оғрийди, нима сабабдан дарбадару қаландар бўлиб юрганини гилам ортидан баён қилсии, гапидан касалини биламан, шунга яраша дори-дармон қиласман деди. Шунида Темур бобога қараб: Эй бобо, энам юриш-туришингиздан хабар берсин, шунга яраша дори-дармон қиласман деётир,— деди. Шунда бечора Тўрағай баҳодир бошидан утганини бир-бир баён қилиб турган жойи:

Сузимга қулоқ сол қизим муштипар,
Бор гапимни сенга айтай боякбор,
Бир вақтлари элда эдим эътибор
Қисматим шул экан бўлдим қаландар.

Майдон бўлса юз қайтармас шер эдим,
Ўз элимда гуркираган пор эдим,
Эл бошига бирор кулфат дориса
Хизмат бўлса ман ҳам шунда бор эдим.

Тўрт хотинини сайлаб олдим ҳар жойдан,
Фарзанд тилаб юрдим кодир Худойдан,
Тўртовидан бирор тирноқ кўрмадим
Бора-бора баттар бўлдим гадойдан.

Мерған бўлиб қўлдан туйғун учирдим,
Сув ўрнига элга қўй, мой ичирдим,
Бир камлигим бирор тирноқ кўрмадим
Бола деса хаёлимни қочирдим.

Бухородан олдим яна бир қизни,
Ёруғ қилар дедим сарғайган юзни,
Бўйига гумона бўлган вақтида
Бадахшон жўнатди хонимиз бизни.

Неча йиллар Бадахшонда қолдим мен,
Гумона боламга интиқ бўлдим мен,

Нон-насиба қайтиб келсам жойимга
Күп савдони күриб ҳайрон қолдим мен.

Турт хотиним күр, шол бўлиб ётиби,
Бирори үйнашман қочиб кетиби,
Барисидан жудо бўлдим найлайн
Қаландарлик менга насиб этиби.

Шундай бўбди Қодир Ҳақнинг фармони,
Менга бўлди бир зуйратнинг армони,
Қизми, ўғил не эканин билмайман
Қўнглима бордайин ўхшар гумони.

Болам излаб юрак-бағрим тузлайман,
Қаландар бўб бутадайин бузлайман,
Тополмасам бирор жойдан дарагин
Бир бошимга якка гўрни излайман.

Фарзанд дебон куйдирғанман юракди,
Мендай шўрга дунё нега керакди,
Касалим шул мен боламни излайман
Табиб бўлсанг бергин шундан даракди.

Бу гапларни Тегиной қаландардан тинглаб, бу чол қаландар эмас, Тўрағай баҳодир — эри эканини англаб, мени бирор үйнашиман қочиб кетган деган экан-да, шундан ёмон гаплар тарқаб кетган экан-да, шўринг қурғур кундошларимнинг шури қисиб ётган экан-да, деб туҳмат гапга хайфи келиб, бу ишларни кундошларидан гумон қилиб, кундошларига қаҳри келиб, энди баҳодир тўрамга нима десам экан деб хаёлга толиб, охири ҳақ-ҳаққа қарор топади, кундошларимни об келтирайин, билмаганини билдирайин, эримнинг қўнглини тўлдирайин, ота-болани топиштириб, қайтадан үйнаб-кулдирайин. Бечора баҳодир тўрам хор бўбди, Темур боласини кўрмоққа интизор бўбди, мен қочиб кетди деган хотинингиз Тегиной бўламан, манави Темур ўғлингиз бўлади десам бу куйган шурнинг юраги ёрилиб кетсаям ажаб эмас, бу ишни асталикман қилмоқ даркор, об келтириб кундошларининг гап-сўзини билмоқ даркор, ҳаммасини ўз гуноҳига иқрор қилмоқ даркор, деб Темурни ичкарига имлаб: Бобонгга айт, аввал касал бўлиб, ётиши ўсал бўлиб ётган хотинларини ҳаммасини олиб келсин, аввал хотинларингизни дарддан халос қиласин, сўнгра сизнинг хизматингизда бўлайин, насиб бўлса, ту-

затиб юборсам дуонгизни олайин, балки бирор сабабман айтгичларим айтиб қолса болангизни олиб ўйнашиман қочиб кетган хотинингизни сўраб билайнин, аввал ўзини сизга дучор қилайнин деяпти, деб айтгин, деди. Темур энсининг гапларини бобога бирма-бир айтди, бобосиям:— майли об келсан об келайнин, аввал хотинларимни тузаттириб олайнин, худо ишимни ўнг қилса, боламдан ҳам бирор даракни билайнин, топиб олсан мен ҳам элга қўшилиб қолайнин, гуркираган тўйлар қилайнин, деб қишлоғига қараб қайтди, иккى кечаю-икки кундуз пою пиёда йўл тортид.

Тўрафай баҳодир йулда бораётуб ўзи ўйлади: Ҳар кимдан кўлиқ сўраб овора бўлиб юрмайин, Худойзот боғбонникидан бошқасиникига бормайин, тўртта эшагин сўрайин, тўдалаб олдимга солайнин, бориб хотинларимни топиб олайнин, ҳаммасини айтганимга кўндирайин, ҳар қайсисин ҳар эшикка сидираин, деб тўғри Худойзот боғбонникига жўнади. Тол тушда боғбонницида доҳил бўлди. Шундай қараса, боғбон терлаб-пишиб боғида ишлаб ётиди. Баҳодир боғбоннинг қошига бурилиб борди ассалому алайкум деб салом берди, боғбон валайкум ассалом деб алик олиб баҳодирга қараб юрди. Эй баҳодир, не сабабдан пиёда юрибсиз, йўл юриб жуда ҳорибсиз, шу кетгандан бери хаёлима анча қарибсиз, деб кўришиб қолди, бир-биридан ҳоли аҳвол сўрассиб қолди. Худойзот боғбон бир бурдоқи қўйни сўйдирди, баҳодирнинг қорнини тўйдирди. Шундан кейин баҳодирнинг шундайин юришини, энди қайга боришини сўради. Шунда баҳодир бўлган воқеаларни сўйлаб турибди:

Аввал бой буб бугун бўлдим қаландар,
Қанча одам юришимдан бехабар.
Бор сўзимни сизга айтай Худойзот
Тўрт эшак ўзимга бўлгандир даркор.

Тўрт хотиним ўлат тегиб хор экан,
Бўзлашиб ётиди хору зор экан,
Мен шуларни олиб борай табибга
Бир қишлоқда ўткир табиб бор экан.

Туртовини тўрт эшакка миндирай,
Неки деса айтганимга кўндирай,
Насиб этса шифо топса шўрликлар
Олиб келиб уясига қўндирай.

Эй Худойзот, қулоқ солинг сұзимга,
Хеч бир нарса күрінмайды күзимга,
Ҳаяллатиб мени йўлдан қолдирманг
Дарров бориб мен қайтарман изимга.

Табиб айтди барин олиб келгин деб
Шифо топса хотинли буб қолгин деб,
Күп кечикмай етказ деди қошимга
Нима десам айтганимни қилгин деб.

Куйған қулман үзим жигарпорамаң,
Шундан бери дарбадар буб юраман,
Бир синаң күрайин тақдир, қисматим
Ростин айтсам хотинларга бораман.

Барин олиб мен табибга борайнин,
Не иш бўлса боргандан сўнг кўрайин,
Давру даврон ато қилса мабодо
Одамдай буб мен ҳам элман юрайин.

Умидворман дардан халос бўлар деб,
Қочган ёrim яна қайтиб келар деб,
Ундаи хотин даркор эмас үзимга
Гумона қўзимдан дарак бўлар деб.

Пиёдаман оёқларим қабарди,
Табиб мени хотинларга юборди,
Аввал бошлаб хотинларинг тузатсам
Болангдан ҳам топарман деб хабарди.

Бу сўзларин Тўрағай баҳодирдан эшишиб, ундаи бўлса, сизни кўп гапга тутмайни, иложи бўлса ҳаяллатмайни, деб Худойзот боғбон арпага тўйиб ётган тўрт жангини созлаб берди.

Эшакнинг бирорини миниб, учовини еталаб баҳодир йўлга кирди.

Ўзиям яқин қолган экан ҳадемай етиб борди.

Алқисса, тўрт хотинини тўрт эшакка минидирди, тентакларини уриб-сўкиб айтганига кўндириди, хуллас бир неча кеча-кундузда табибнинг қошига кўндириди.

Шунгача билсаям билмагандай, кўрсаям кўрмагандай буб юрган Тегиной Темурга отасини билдиримай юраберди. Баҳодир эри тўрт кундошини олиб келди, ҳаммасини гиламдан нарига ўтказиб юбориб, узи таш-

қарыда қолди. Тегиной куфу сүфни қилди, барини тилга солди, тилга келгандан сұнг ҳаммасига савол қилди: Не сабабдан элингизга үлат дориди, сизларга нима бўлди, агар ростини айтмасангизлар яна қадимги ҳолларингга келтираман қўяман, рост сўзласаларинг дардларингни кўзини үяман,— деётири.

Тегинойнинг юзида ун қават ниқоби бор эди. Кундошлари танимади. Охири рост айтмасак бўлмас экан, бизни тузатаман деб хизмат қилмас экан, соғайиб йўлга солмас экан, деб Ойдоно бор гапни баён қилиб, ўзларининг қилмишларини аён қилиб: Бизнинг бир Тегиной деган кундошимиз бор эди, ўзи сулув гажакдор эди, эримиз баҳодир шикорга кетаётганда Тегиной ҳомиладор эди, биз уни кўролмай бир қулга тўрт лали тилло бериб ўлдиртириб юборибедик, шундан кейин бирдан элимизнинг бошига үлат дориб кетди, қанча-қанча одамларни ўлдириб қириб кетди, қанчасини ёстифи қуриб кетди, деб ҳамма ўтган сиру савдоларни Ойдононинг бир-бири айтиб турган жойи:

Қулоқ сол табибжон сўйлаган тилга,
Бир сабабман келдик шундай манзилга,
Қанча элнинг забун булдик қонига
Касофатлик биздан ўтди кўп элга.

Баҳодирни билсанг бизга эр эди,
Бирор эмас тўрт хотини бор эди.
Бизга худо бермадими, тувмадик
Эримиз шўр бир тирноққа зор эди.

Феълин кўрсанг мисли Хотамтой эди,
Яна бир хотинни олди Бухордан,
Ўз элида донғи кетган бой эди,
У кундошнинг оти Тегиной эди.

Шуни билан бешов бўлди хотини,
Биз билмадик бирор ишнинг чутини,
Бош қороғу бўлиб қолди Тегиной
Ловиллатди юрагимиз ўтини.

Аччиғимиз унга бўлди зиёда,
Бўғоз бўлди янги тушган уяди,
Кўролмайин қолдик бизлар баримиз
Кундошлик ёмондир билсанг дунёда.

Маслаҳатни тұртов қылдик бир бұлиб,
Күролмасдан ҳафсаламиз пир булиб,
Тұрт лали тиллони бердик бир құлға
Нобуд қылғын үлсін дедік күр бұлиб.

Тилло ҳаққы құл Тегинни об кетди,
Бир кечаси катта қопга соб кетди,
Биз билувда құл құлда үлгандир,
Нима бұлса биҙан нари бұб кетди.

Шундай қилиб бир кундошдан құтулдик
Боласиям бирга нобуд бұлгандир,
Бегуноқ шұрликни нобуд айладик
Жонига кундошлар забун бұлгандир.

Эртасига элга кулфат дориди,
Нечовларнинг билсанг шұри қуриди,
Ҳамма айтди шу келиннинг уволи
Ҳам ичіда ҳомиласи бор эди.

Аввал-аввал бир барини билғанмиз,
Аста-аста құл-оёқдан қолғанмиз,
Бир бечора бегуноҳни үлдириб
Ҳақ олдida күп гуноҳкор бұлғанмиз.

Биrimiz күр бұлдик, биrimiz соқов,
Тегинойнинг ё уволи урдими,
Биrimiz пес бұлдик, нечовлар мохов,
Хуллас элга оралади тилсиз ёв.

Тегинойни үлдиртирган үзимиз,
Охиратда қора бұлди юзимиз.
Бир-бир айтдым билғанимни сингилжон
Қолмади айтарга бошқа сұзимиз.

... Бу сұзларга ҳамма қулоқ солади,
Күп ишлар Тегинга маълум бұлади,
Энасининг кундошларин билған сұнг
Темурнинг ҳам энді қаҳри келади.

Үткір ханжар олди бачча құлиға,
Санчайин деб шу хотиннинг белига,
Баҳодир ҳам аччиқ қилиб турибди
Қулоқ солиб Ойданонинг тилига.

Темур айтди: Бир бошингдан сұяман
Күчкіл қонинг қора ерга құяман.
— Шошмай тур, жон болам,— деди Тегиной
Хамма билсин ҳақын ҳаққа жұяман.

Шундай ишлар қибти тұртта кундошим,
Гоҳи-гоҳи құримади күз ёшим,
Айтган құл ташлаб кетған қудуққа
Шу жойларда пирлар бұлды құлдошим.

Билмай қолдим қайдан бунда келдим мен,
Қудуқда эканим англаб билдим мен.
Кім обкелиб ташлаб кетған бу жойда
Еқам ушлаб ҳайрон бұлыб қолдим мен.

Бугун элда-кунда үйнаб-кулгансан,
Тулпор миниб тову қирда елгансан,
Билмаганинг мен айтайин Темуржон,
Қудуқнинг ичида бино бұлгансан.

Бобо Саид бизга күмак бергандир,
Оғир кунда мададкор буб тургандир,
Қудуқ ичра мен үйгладым зору зор
Күз ёшимдан әлат азоб күргандир.

Бирники мингга дер, мингники юртга,
Ёмонлар йұлиққан курдинг-ку дардга,
Үтган ишга саловат дер Темуржон,
Нелар курдинг барин ташла сен сиртга.

Шундай деб Тегиной ниқобин олди,
Кундошлар танишиб ҳайрон бұб қолди,
Энасинаң сұзина қилиб инобат
Темур ҳам қиличин ғилофға солди.

Барисин Тұрағай хұп англаб билди,
Темурнинг қошига чопқиллаб келди,
Воҳ болам деб босди қирдай тұшига
Отаси эканин баччаям билди.

Соқоли ҳұл булыб күзин ёшига,
Шукур қилиб Қодир Ҳақнинг ишига,
Фарзанднинг доини күрган Тұрағай
Боласини босаётір тұшига.

Неча йиллар йиғлаб оху нағомат,
Қодир Ҳақдан бұларми деб каромат.
Елғизини босаётір бағрига
Үзинг бұл деб болам менга бөш давлат.

Қут-барака келди Хизр чұлиға,
Отаси топишиб ёлғыз улиға,
Искаётір дийдорига түймайды
Қүшилдим деб мен ҳам одам хилиға.

— Бефарзандлар болам дерға зор экан,
Бир тирноқ күргали интизор экан,
Шүрқилайди күринг әнди баҳодир
Мен ҳам бола суяр куним бор экан.

Умринг узоқ бұлсих құзим, илойим,
Жоним болам, мен олдингда үлайин,
Мен ҳам бола суяр куним бор экан,
Шукур сени берди қодир худойим.

Бири бирини сира күзи қиймайды,
Софингандир дийдорига түймайды,
Ерқиним, деб ёлғизим деб бечора
Боласини бағридан ҳеч құймайды.

— Күйганинг күзида ёшлади маржон,
Юрак-бағри булиб үтар тұла қон,
Охир сизни куар куним бор экан
Мен ҳам ҳаққа шукур қылай отажон.

Бир вақтлари кетган Бұзнинг дашидан,
Бекебар юргандир рузғор ишидан,
Боласига сұзлаётір баҳодир
Шу вақтгача нелар үтган бошидан.

Фарзанд дебон шириң жоним сотбедим,
Пирларнинг сұзига қулоқ тутбедим,
Энангга ҳомила бұлған вақтингда
Узоқ әлга мен шикорга кетбедим.

Энангга қобединг булиб гумона,
Қайтиб келсам бузилгандай замона,
Излаб келсам ҳовлида йүқ ҳеч киши
Бұзлаб түшдим йүлга булиб девона.

Қаландар дегани шундай бұлар деб,
Элдан әлга юриб бўзлаб юрар деб,
Охир бир кун паймонаси тұлар деб
Үлган куни бир чуқурда қолар деб.

Қомил пирлар бўлганмикан хабардор,
Шу чўлларда болам сени дуч қилди,
Қодир эгам ё бўлдими мададкор,
Бўлмаса кетардим бўлиб қаландар.

Сени кўриб товдай бўлиб юрагим,
Сендан бошқа йўқдир менинг тирагим,
Энди ўлсам армоним йўқ дунёда
Эгали бўлибди ису чирофим.

Энди отанг дарёдайин тошибди,
Қувонгандан кўзга ёши жўшибди,
Қодир Ҳаққа минг бор шукур қилайин
Сени бериб мени элга қўшибди.

Яхши-ёмон бари бугун чашилди,
Ёмонларнинг кўринг ақли шошилди,
Неча йиллар бир-бирига бўб интизор
Ота-бала, эна бари қўшилди.

Алқисса, айрилғанлар бир-бири билан топишиб қолди, оғиз-бурун үпишиб қолди. Тегиной: ўз билганларингдан қолманглар, энди касал бўлманглар, бирорга ёмонлик қилманглар, омин оллоҳу акбар деб дуо қилди, кундошлари қадимгидай соппа-соғ бўлди. Ҳаммаси югуриб елаётир, қувонишиб кулаётир, тўйнинг тараддуудида бўлаётир, шундан бўлишиб турганда Мусабой қўйларининг қошидан келаётир. Аввал бир йўл ўткинчи чол деб эътибор бермаган, ундан бери Тўрағай баҳодирнинг қошидан кўрмаган Мусабой Тўрағай баҳодирни таниб — Э, Тўрағай баҳодирни худойим етказибди, ҳаммамизнинг ғуборимизни кетказибди, Темуржонман Тегинойни айрилиқ азобидан қутқазибди деб отидан тушиб, дарёдай тошиб, баҳодирга яқинлашиб, иккови икки нордай бўлиб кўришди қучоқлашиб. Омон-эсонлик қилишиб, чақчақлашиб-кулишиб бари қувониб, кулишиб қолди.

Ана энди Мусабой хизматкору даҳмардаларини чақириб, икки бурдоқи қўйни сўйдирди, учоқларга ўтни қўйдирди, катта меҳмонхонага узун қиб дастурхон таш-

лаб, эркаклар ичкарида, аёллар ташқарида қилаётир суҳбатти, ёш-яланглар югуришиб қилаётир хизматти, ташиб келаётир овқатти. Овқатдан сўнг Мусабойман Тўрагай баҳодир қилди шундай маслаҳатти; шунда баҳодир айтти: Эй Мусабой, менинг ҳам қанча-қанча қўйим, қанча-қанча йилқи-тойим, галада туяларим, сурувда бияларим бор эди, шулар ҳалиям бормикан, ёки чўпону даҳмардалар, туябоқару мироҳурлар йўқ қилиб юбордимикан?— деди. Шунда Мусабой: Сизнинг молҳолингизни ким ея олади, аввалгидан ҳам кўпайиб кетган, даҳмардаю мироҳурларнинг фирром қиладиган одамлардан эмас, деди.

— Ундаи бўлса менгаям худо ул берган экан, шунинг тўйига кетар деб шунча мол берган экан, энди мен ҳам бир элнинг олдидан ўтсам, Темуржоннинг қутлуғ бўлсин тўйини берсам, элни йиғиб суҳбат қурсам, мен ҳам энди элга қўшилиб одамдай бўб даврон сурсам,— деди.

Бу гап Мусабойгаям маъқул бўлди.

— Энди тўйни қаерда ўтказамиз?— деди баҳодир.

— Менга солсангиз, гапимни маъқул билсангиз, Тегинойман Темур неварам худди ўз болаларимдай бўб кетган, мен ҳам шуларга суюниб қолганман, тўйни шу ерда — бизникида ўтказсак, кейин ихтиёри сизга берсак,— деди Мусабой.

Алқисса, тўйнинг тараддуудида бўлишиб, тўйни шу ерда ўтказмоқни келишиб, чақиравчи юбориб қанча элга хабар беришиб, хабар топган эл йиғилиб келишиб, қур тортиб, баҳодирни қутлуғ бўлсин қилишибётир. Шундай қилиб, катта тўйни бошлаб берди, кўпларини ташлаб берди. Ҳар ким ҳар хил томошаман вақтини хушлаётир, Темурнинг тўйининг таърифини айтиб бермоқ бўлиб бахшиям дўмбирасин ушлаётир:

Қувониб фарзанд буйига,
Келишган рангу рўйига,
Чақиравчи қўяберди,
Келсин деб Темур тўйига.

Тўй берай деб боласига,
Очилган гул-лоласига,
Қанча эл тўйига кеп қолди,
Хизир чўлнинг даласига.

Келди элнинг марқалари,
Мингашиб ул эркалари.
Тўй учун сайлаб сўйилди
Қанча кўстам саркалари.

Қелиб қолди элнинг бари,
Қур тортишиб ёшу қари,
Ахта қўйни сўяётир
Қанча шишак, қанча чори.

Чупон-чўлиқ бари келди,
Полвонларнинг зўри келди,
Кўпкари деб бедов миниб
Йигитларнинг нори келди.

Тўп-тўп одам келаётир,
Катта ҳавар тўлаётир,
Тўрағайман Мусабойга
Қутлуғ бўлсин қилаётир.

Бахшилари қўлда сози,
Элга маъқул айтган сўзи,
Достон, терма айтишади
Нечовининг юмуқ қўзи.

Қайнатма қиб ошпазлари,
Хизмат қиб йигит-бўзлари,
Чангқавузин чалишади
Шу элнинг сулув қизлари.

Қичқириб бекавуллари,
Ҳар кун чоптирап кўпкари,
Катта борғи олаётир
Айирган зўр тулпорлари.

Четкирлари тортиб четдан,
Олиб кетар не бир отдан,
Томошибин бақиришар
Ҳалол! — дейишиб баланд бетдан.

Қўшнарини човиб ётири
Бир-бирини қувиб ётири,
Менга ўхшаган нечовлар
Минган отдан овиб ётири.

Тұдакаши от ҳайдади,
Навбатман ерга тайлади,
Фиррамкаш неча чобағон
Улоқни ипга бойлади.

Нечовлари құйма дейшиб,
Улоққа ип түйма дейшиб,
Әгарга тортган вақтимда
Сен улоққа тийма дейшиб.

Бекавули зот айтади,
Айирған олиб қайтади,
Бир-бирини нечов кенар:
— Құлдан келған мард шүйтади.

Кундуз куни шундан үтар,
Ори борлар жонин сотар,
Охир така айырған сұнг
Құшхонага тарқаб кетар.

Кечалари кураш булиб,
Хар әлатдан полвон келиб,
Саҳаргача олишади
Йиқитғанлар борги олиб.

Ұлан айтиб келин қизлар,
Лабларидан ҹанқовузлар,
Үрталиқда үйин қилас
Сатта сулув сарвинозлар.

Ұйнашиб қари ёшлари,
Түйнинг күп бұлар ишлари,
Қорин-ичак аритади
Тегинойнинг кундошлари.

Ұз қилмиши бүлиб сабоқ,
Хизмат қилас үйман қобоқ,
Икки кундош юваётір
Ширпиллашиб коса-товоқ.

Қирқ кеча-қирқ күндүз үтди,
Түй ҳам меъёрига етди,
Шундай қилиб бек Тұрағай
Фарзанд түйин тарқатди.

Элат келган ўнгу сўлдан,
Бир хиллари узоқ йўлдан,
Темуржонга дуо олиб
Берди тўйга келган элдан.

Унсин дейшиб ёлгиз қузи,
Баччада буб элнинг қузи,
Эл қатори қўл кутариб
Туар биздай бахши Рўзи.

Келиб қолди бир томондан,
Баҳоваддин балогардон.
— Омин денгиз,— деб турибди
Темур бўлсин соҳибқирон.

Темур умри бўлсин дароз,
Дейишади қанча шоввоз,
Шундай бўлсин деб турибди
Абдимўмин Қаҳҳор — устоз.

Боласин об қаватига,
Ёлғиз ул — бош давлатига,
Ота-она қувонишиб
Етди мурод-мақсадига.

АФСОНАЛАРДА СОХИБҚИРОН СИЙМОСИ

Халқимиз ўз миллий қаҳрамонлари — халоскорлари ни, баҳодирларини, доно йўлбошчиларию раҳнамоларини, донишманд алломаларини ҳамиша эъзозлаб, уларниг умр йўлларини қўшиқлар, достонлар, балладалар, афсона ва нақл-ривоятларда меҳру мухаббат ила акс эттирган. Шу боиски, фидоий қаҳрамонлар оғзаки ижод намуналарида абадий яшаш ҳуқуқига эга бўлишган. Ҳозир афсоналашиб кетган Алпомиш, Рустамхон, Гўрўғли, Авазхон, Ҳасанхон, Нурали, Равшан, Кунтуғмиш, Ёзижон, Барчиной, Зебихон, Келинойлар ҳам қачонлардир Тўмарис, Широқ, Муқанна, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди каби ҳаётда яшаган, босқинчи ёғийларга қарши курашда, эл-юрт тинч-осо-йишталигини сақлашда, қадриятларини асраб-авайлашда кўрсатган жасоратлари учун назарга тушган ва авлод-аждодларнинг бадиий салоҳияти туфайли идеал қаҳрамонлар сифатида балладаларда, қаҳрамонлик қўшиқларида, достонларда куйланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Дарвоҷе, Марказий Осиё минтақасида, жумладан Ўзбекистонимизда ҳам уларниг номлари (ҳатто тулпорларининг номлари) билан боғлиқ жойлар — ер, тоғу тошлар, булоқ, сойлар, қишлоқлар, тепаликлар, кўллар, майдонларнинг ҳозиргача сақланиб келаётганини, улардан қўпчилиги муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳларга айлантирилгани бежиз эмас, албатта. Халқимиз бундай жойларга шунчалик эътиқод қўйганки, уларга қурбонликлар қилиб, ҳатто дардларига, хасталикларига шифо излаганлар. Сузимиизга далил сифатида Гўрўғли қишлоғи, Чамбил қишлоғи, Ёзи-Зебо булоғи, Алпомиш қабри, Амир Темур қишлоғи, Соҳибқирон ғори, Темур бобо чинори, Амир Темур чашмаси, Тоҳир окқан жой, Тоҳир-Зухро мозори, Отабек тунаган мозор, Ойбек сув ичган булоқ, Абдулла Қодирий бўлган жой атамаларини, шунингдек, пирлар, азиз-авлиёлар, хожалар, эшонлар номлари билан аталган табаррук жойларни эсламофимиз мумкин.

Халқ оғзаки ижодидаги фольклорий ижод намуналарининг жоили анъаналарда яратилишини, «яшаши»ни жиддий кузатиш баробарида эшигтган-кетгандаримизнинг барчасини «бунинг бадиини ундаи экан, униси нақл-ривоятми ё афсонами» қабилица иш тутиб, фолбинлик қилишдан йироқроқ булган ҳолда, қаламга олишимиз виждоний ишимиз бўлмоғи лозим. Зеро, халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари, табиати бор... Оғзаки нутқда такрорланган мақол ёки ибора, айтилган ҳикоя ёхуд нақл-ривоят тез унтуилади. Ўз вақтида ёзиб олмадингизми кейинчалик уни кундуз куни чироқ ёқиб ҳам «топа олмайсиз». Тўғри, бунда халқ хотирасини айблаб бўлмайди. Халқ санъаткорлари минг, ҳатто ўн минг мисра наср ва назмдан иборат достонлару эртакларни, қўшиқлару бошқа фольклор намуналарини қувваи ҳофизларида сақлаб йиллар давомида эл олдида куйлаб юрадилар.

Ботирни эл унутмас, дейдилар. Худди шу нуқтаи назардан қарабанд Амир Темур ҳақидаги ривоят ва афсоналар узоқ йиллардан бери халқ оғзаки ижодида «яшаб» келаётганлигини тўғри тушунмоқ керак. Бу қадриятларни ёш авлод тарбиясида ўрни бекиёс, албатта.

Темур ҳақидаги нақл-ривоятлар шу пайтгача тўпланилиб, танқидий назардан қайта ўрганилиб ўқувчиларга тақдим қилинмаган эди. 1991 йилининг 1—20 август кунлари «Туркистон» рўзномаси ташаббуси билан амалга оширилган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси ана шу хайрли ишга илк бора қўл урди. Сафар иштирокчилари халқ орасида бўлиб одамлардан турфа оҳанг ва шаклдаги кўплаб ривоят ва афсоналарни ёзиб олди. Қўйида ана шу ривоят ва афсоналарнинг бир қисмига тартиб бериб, сиз азиз ўқувчилар диккатига ҳавола этаётирмиз. Бу нақл, ривоятларда соҳибқирон сиймоси улкан шахс сифатида намоён булади. Бу ҳам бўлса халқининг улуғ Темурга меҳру муҳаббатидан далолат беради.

Ривоят қилишларича, Темурнинг энаси Тегинабегим Бухорон шарифда донг чиқарган мулланинг ягона қизи бўлиб, у бекиёс ҳусни жамолга, қадди қоматга эга экан. Тегинабегим ҳусни осмондаги ойдай тўлиб, балоғатга етганда туш куриб, тушида турмушга чиқиши, ўғил кўриши, ўғлининг довруғи бутун дунёни эгаллаши маълум бўлибди. У бу тушидан ҳайрон бўлиб юраверибди.

Тегинабегимнинг отаси мулла Саид Бухоро мадра-

сасида таҳсил берар экан. Бир куни ёшларга сабоқ ўтиб турса, хонага дарвешсифат, оқ соқолли, оқ саллали нуроний салом бериб кириб келибди-да, мулла Сайдга, қизига совчилик учун келганини айтибди. Тегинани Тұрағай деган кишига турмушга беришни сұрабди. Аммо мулла кексанинг гапыга қулоқ солмабди, ҳатто уни талабаларга ҳақоратлатиб ҳайдатибди. Сұнг бир жойға қаматиб қўйибди.

Машғулот тугагач мулла Сайд уйига келса, қизи Тегинабегим жинни булиб ётган эмиш. Буни кўрибди-ю, ақли шошиб мадад излаб пири—шайх олдига борибди. Шайх мулла Сайднинг оҳ-зорини эшитиб: «Эҳ аттанг, хато қилибсан. Сенинг олдингга совчиликка борган Жаброил эди. Қизингни бермайман деганинг бир гуноҳ бўлса, парвардигорнинг севимли фариштасини ҳақоратлаганинг минг гуноҳдир,— деб, у билан мадрасага келиб, қарияни қамаган хонани сұрабди. Мулла хона Қулфига калит солиб очса, не кўз билмаган, сочлари тўзиган, кийимларини йиртган ҳолда Тегинабегим жинни булиб, узича ҳар хил қилиқлар қилиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиб ўтирган эмиш. Отаси бу ҳолни кўриб даҳшатга тушибди, худодан кечирим сұраб, йиғлаб ялинибди. Шайх эса қўлидаги ҳассаси билан Тегинабегимни секин-секин уч бор туртиб, нималарнидир уқиб куфсуф қилган экан, қиз үзига келибди.

Шундан сұнг мулла Сайд қизи Тегинабегимни Тұрағай Баҳодирхонга беришга рози бўлган экан.

* * *

Амир Темурнинг отаси оға-иниси, дуст-биродарлари билан тоққа овга чиқибди. Ўргансин деб ёш Темурбекни ҳам эргаштириб олибди. Тоққа чиққач ҳамма ҳар томонга ов овлаб кетибди. Улардан бири айиқ отибди, бошқаси жайронни қўлга киритибди. Яна бири илвисин, яна бирори кийик урибди. Темурбек ўз ёйини ҳаволатиб отиб, ҳеч бир ўлжани қўлга киритмабди. Охири кечки пайт ҳамма овдан қайтиб бир ерга түпланишибди. Овчилардан бири:

— Айиқни кўзидан отдим,— дебди. Бошқаси — жайронни қўли билан оёғини бирлаштириб қўйдим, деб мақтанибди. Улардан бири ёш Темурбекка қараб:— Ёш бек ўқ-ёй отишни билмас эканлар-да. Шунча юриб би-

рон бир чумчук ҳам отолмабдилар — деб кулибди. Бу гапни эшигтган Темур:

— Шунча жаллод бүлган жойда бир одам ҳам юрса нима бўлибди? — дебди. Барнабир овчилар Темурни мерган эмаслигидан кулишавериди. Темурни жаҳли чиқиб, аста ўринидан туриб узоққа кетибди. Бир жойга бориб, дараҳт орқасида пойлаб туравериди. Бир пайт ҳалиги мақтаниб, Темур устидан кулган овчи қўлидаги пиёлани оғзига олиб боргандা бир камон ўқи қиёлаб учиб келиб пиёлани учирив кетибди. Овчи қўрқиб кетиб орқасига ағанаб тушибди. Камон ўқи қаёқдан келди деб ён-атрофга қарашган экан узоқ бир жойда Темурбек кулимсираб турган эмиш. Ўқни у отганини билишиб, мана буни отиш машқини олган деса бўлади, деб мерганилигига қойил қолишиб, тан беришибди.

* * *

Амир Темур ёшлик чоғида оз сонли қушини билан Шаҳрисабзни олмоқчи бўлибди, аммо уни ололмай қўшини енгилибди. Ортга қайтишга мажбур бўлган Темур Қизил дарё деган дарёдан кечиб ўтиб бир қишлоққа келиб қўнибди. Қишлоқда бир кампир яшар ва унинг бир эчкиси бўлиб, фақат уша эчкининг сути билан тириклил қиласр экан. Амир Темур шу момонинг уйига келиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, момодан овқат қилиб беришни сўрабди. Кампир эчки сутидан атала қилиб ёғоч товоққа қуийб берибди. Темур оч эмасми, шошилиб ёғоч қошиқда аталадан ичган экан оғзи қуийб қолибди. Шунда момо, сен ҳам Амир Темурга ӯхшаб шошқалоқ экансац, болам, дебди.

— Темурнинг шошқалоқлигини қаердан билдингиз момо, — деб сўрабди соҳибқирон.

— Эшитишимча Темур олдин кичик-кичик қишлоқларни эгаллаб, куч тўплагач Шаҳрисабз беклигига ҳужум қилса ғолиб келарди. У эса бир йўла бекликни олмоқчи бўлди-ю, енгилди. Шунга ӯхшаб сен ҳам шошдинг ва оғзингни куйдирдинг. Аталани аввал товоқнинг гирдидан секин-секин ялаб курари ва сўнгра совуганини билгач қошиқни тўлдириб ичади-да, дебди.

Шундан сўнг Амир Темур:

— Дарҳон момо, сиз билан она-бала бўлдим, тилагингизни тиланг, мен уша Амир Темурман, дебди. Момо одамлар учун ариқ қазиб сув чиқарив беришини сўрабди. Амир Темур момонинг айтганини бажо келтириб

Танхоз дарёсидан ариқ қаздириб сув чиқариб берибди. Шундан бүён бу қишлоқнинг номи Дархон бўлиб, одамлари деҳқончилик қилиб яшар экан.

* * *

Амир Темур Боязид устидан ғалабага эришганида Боязидга: «Сен яхшиликни билмадинг, манманлик, зодимликдан қолмадинг. Энди ўзинг айтгил, сенга қандай жазо берай?»— дебди.

Шунда Боязид: «Агар қонхўр бўлсанг бошимни кес. Юрт таловчи, шуҳратпарамаст бўлсанг мамлакатга эгалик қил»,— дебди. Темур эса унинг топқирлигига тан берибди-да, тантилик билан яна гуноҳини кечиб, ҳукмдорликда қолдирибди.

* * *

Амир Темур мулозимлари билан бир қишлоққа келибди ва машҳур шайх истиқомат қиласидан хонадонга меҳмон бўлибди. Амир таърифи кетган шайхни синаб кўриш учун: «Қани энди шайх шайхлигини қилса-да бир лали узум олиб келса»,— дебди. Буни эшитган шайх хизматкорларини чақириб: «Фалон токда узум пишиб ётибди, шундан бир лали узиб келинг»,— дебди. Хизматкор гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай борса, ҳақиқатан ҳам бир токда узум пишиб турган эмиш. У узумдан узиб Темур олдига келтириб қўйибди. Амир қаҳратон қишида узум келтириш шайхнинг каромати эканини сезса-да, яна бир синаш учун кўнгли тут ейишга кетганини айтибди. Шайх яна хизматкорини чақириб, фалон жойдаги тутдан бир лали қоқиб келишни сурабди. Хизматкор борса бир тут оппоқ бўлиб пишиб ётганмиш, бошқа тут ва ўзга дараҳтлар эса қор остида музлаб турганмиш. Унинг ўзи ҳам бунга ҳайрон бўлиб, тутдан қоқиб олибди. Тутни ҳам курган Темур шайхга тан бериб, уз отини берибди. Шайх эса, отни нима қиласман, деб сўйдирибди-ю, гўшти билан Амир ва унинг мулозимларини роса меҳмон қилибди. Амир қайта туриб биринки чақирим йўлга келганда ўзига: «Эсиз шундай ажоийиб тулпорни сўйдириб юборди-я. Мен ундаи бедовни яна қандай топаман»,— деб ўйлади. Шу вақт орқасидан сўйилган оти кишинаб етиб келибди. Чунки Темурнинг афсусланганини шайх сезган ва отни тирилтириб эгаси изидан жунатгаи экан. Темур бу ҳолдан таажужубга тушиб кўнглида кечган гапдан пушаймон қилиб

изига қайтибди. Шайхни тавоф қилиб, узр сұраб, отни қайтадан инъом қилибди ва қаҳратонда тут ва ток месаси пишган бу қишлоқни шайхга муҳрлаб берибди. Шу-шу қишлоқни тут-ток ота деб атай бошлабдилар. Ҳозирги Тутакота қишлоғининг асли номи Тутток ота экан.

* * *

Амир Темурга нима иш қилиши тушида аён бұлавериди. Болалар билан үйнаганда ҳам салтанат расм русимини билаверибди. Үзи тенги ҳар болага бир мансабни бериб, үзи подшо бұлиб, бир хил болаларни вазир, бошқасини бек, үзгасига лашкарбошилик, айримиға баковуллик, баъзисига қоровуллик, күпига сипохлик ишини топшириб үйин қиласырыбди. Айримларни гуноҳкор деб жаллодга берар экан, узоқдан күрган уларнинг ишига ҳайрон қолар экан.

Бир куни бир бобо Темур ва дүстлари ёнига келиб, үйинига разм солиб «Ҳой подшо бұлған йигитча, агар чиндан ҳам улғайиб подшо бұлсанг жаҳонни бошқаришнинг удасидан чиқарсанми?»— деб сұрабди. Шунда Темур: «Бобожон, химматим қуши шу қадар балаңд учганки, Оллоҳим подшо қылса, бутун жаҳонни тасарруфимга берса, тожи-тахт измимда бұлса, булар менга құлымдаги бир сиқим тупроқ каби әмасдир»,— дебди. Бобо: «Нечун бундай дейсан?», деб сұраганда, Темур: «Бир сиқим тупроқ шунинг учун муқаддаски, ундан яралғанмиз ва оқибатда яна тупроққа айланамиз. Тупроқ яна шунинг учун улуғдирки, у барча инсонларга, жонзодларга ризқу насиба беради. Жаҳоннинг подшолиги эса бир сиқим тупроқчалик қадрли әмасдир»,— деб жавоб бериди.

* * *

Амир Темур әлчи қиёфасида Хитой подшоси олдига борибди. Хитой подшоси қиморни яхши күрар экан, шу сабаблы Темурни үйинига таклиф этибди. Темур подшонинг күпгина бойлигини ютиб олибди. Шунда у қиморга қизи Бибихонимни қўйибди, аммо қизини ҳам юттирибди. Бибихоним ниҳоятда гўзал, ақл-идрокда ягона экан. Подшо шундай қизини қиморга ютирганидан ниҳоятда алами келиб, афсусланиб охирида шундай дебди: «Одам лабзидан, қўй бўғизидан деган. Мен бу қизимни Темурга бермоқчи эдим. Үрнига нима олсанг

ол, лекин қизимни қолдир, дастлабки лабзимни бузма». Шунда Темур ўзини танитибди ва қиморда ютиб олган барча мол-мулкини қайтариб берибди, аммо Бибихонимни қайтармабди. Унга тўй-томуша билан уйланибди. Темурга хотин бўлиб тушган Бибихоним илк марта ўзи билан пилла қуртининг уруғини олиб келган экан. Шундан бери юртимизда ипак мўл бўларкан.

* * *

Амир Темурнинг олимларга ҳомийлиги, илму фан аҳлини қадрлаши ҳамма ёққа ёйилибди. Дунёнинг ҳамма томонларидан олимлар оқиб келабошлабдилар. Амир Темур ўз паноҳидаги олимларни хориж олимлари билан турли масалада мусоҳаба қилдириб кўрар, савол-жавобга қараб юртда олиб қолар, билими, иқтидорига қараб иш билан таъминлар экан.

Кунлардан бир кун узоқ юртларнинг биридан уч олим келибди. Соҳибқиронга учраб самарқандлик олимлар билан савол-жавоб қилишларини айтиб, енгсалар катта инъомлар, совға-саломлар берилишини, енгилсалар шу ерда қолиб, Амир Темур хизматига киришларини айтибдилар. Амир Темур рози бўлибди. Уларнинг бошлиғи:

— Ҳар биримиз биттадан савол берамиз. Борди-ю, юртнингиздаги олимлар саволларимизга жавоб бериша олсалар сизнинг фуқаролигингизни қабул қилиб, хизматингизда бўламиз. Мабодо, жавоб бериша олмаса, ўзларидан кўришсин,— дебди-да, олимларни катта майдонга йиғдиришини айтибди. Соҳибқирон ютидаги барча олимларни тўплашибди. Шунда меҳмонлар савол бера бошлабдилар. Бирори ўрнидан туриб, ерни доира шаклида чизибди ва олимларга қарабди. Ҳамма жим эмиш, саволга жавоб берувчи олим бўлмабди. Шу пайт меҳмон олим, жавоб бўлмади дегандай Темурга қарабди. Соҳибқирон ниҳоятда ғазабланиб, тишларини арслондай ғижирлатибди. Шу пайт олимлар орасидан бир йигитча ўртага чиқиб:

— Олампаноҳ, рухсат этсангиз, меҳмон саволига жавоб қилсам, дебди. Амир Темур:

— Рухсат, жавоб бер,— дебди. Йигитча меҳмон олим чизган доирани қоқ иккига бўлиб, ярмини ўз томонига, қолганини меҳмон томонга имо-ишора қилибди-да, қўл қовуштириб жим тураверибди. Амир Темур меҳмон олимга қарабди. Меҳмон олим:

— Жавоб тұғри, у енгди,— дебди. Иккінчи мәхмөн олым үрнидан туриб, қорнини силаб, күкрагини кериб, иккі құланині ёніга осилтирибди-да, йигитчага қараб имо-ишора қилибди. Йигитча бир дона тухум олиб келишларини илтимос қилибди. Қейин тухумни олиб мәхмөн олымга күрсатибди-да, бу ҳам қорнини силаб, юзларини буриштирибди, иккі құланині ёніга уриб, осмонга қараб парвоз қылғандай бўлиб, унга қараб, жим тураверибди. Мәхмөн олым:

— Жавоб тұғри, у топди, мен енгилдим,— дебди. Учинчи олым үрнидан туриб, тұрт бармоғини юміб, күрсаткич бармоғини очиқ қолдирибди-да, йигитчага күрсатиб. «Жавоб қил»,— дегандай имо-ишора қилибди. Еш йигитча соҳибқирон билан турған олимларга тавозе қилибди-да, күрсаткич ва үрта бармоқларини найза қилиб мәхмөн олымга таҳдид қилибди ва унга қараб жим тураверибди. Учинчи мәхмөн олым:

— Жавоб тұғри, мени ютди,— дебди-да, соҳибқиронга таъзим қилиб, бориб жойнга үлтирибди. Бу имо-ишора савол-жавоблардан ҳамма ҳайратга тушибди. Амир Темур имо-ишора орқали үтган бу савол-жавобларнинг маъноларини очиқ билдиришларини буюрибди.

Мәхмөн олымларга қараб:

— Қани, айтинглар-чи, имо-ишора билан қандай саволлар бердингизлару ўш, ҳали ҳеч кимга таниш бүлмаган йигитчанинг жавобларига «тұғри, биз енгилдик!»— деб жавоб қылдинглар,— дебди. Мәхмөн олымлардан биринчи савол бергани:

— Бу йигитча тенги йүқ донишманд, олым экан. Менинг имо-ишора билан берган саволимга ниҳоятда чуқур, пухта жавоб берди. Мен ерни доира шаклида чизиб, имо-ишора асосларида ернинг тарвуздай думалоқлигига ишонасизми, деб сүрадим. Йигитчангиз: доирани қоқ ўртасидан иккига бўлиб менга қаради ва: «Бу — ер думалоқликдан ташқари, унинг ярми қуруқлик, ярми сувликдан иборат» дегани эди.

Амир Темур:

— Офарин!— деб юборибди. Иккінчи мәхмөн олым үрнидан турибди:

— Мен йигитчангизга қорним, құлларимни күрсатиши билан ҳаётдаги мавжудот нимадан тарқалган, деб сўраган бўлдим. Йигитчангиз бало экан, тұғри жавоб бериб:— ҳаммаси тухумдан тарқалган ва ундан кўпайди, деб имо-ишора қилди ва мени енгди. Амир Темур:

— Балли! — деб юборибди. Учинчи меҳмон олим ўрнидан туриб: — Мен бир бармоқни кўрсатиш билан худонинг бирлигига ишонасизми — дедим. Ёш йигитча олимнингиз икки бармоғини кўрсатиб: — Ишонаман, аммо ёнида пайғамбаримиз ҳам борлар, деди. Мен унинг жавобидан қаноатландим. Шунда уч мусоғир олим «Биз йигитчангизнинг жавобларидан ниҳоятда қаноатландик», дейишибди.

Амир Темур ёш йигитчага қараб: — Сен меҳмон олимларнинг саволларига берган жавобларингдан қониқдингми? Тұғри жавоб берганмидинг? Улар жавобларингни тұғри англашибдими? — деб қайта-қайта сўроқ-қа тутибди. Чунки у йигитчанинг жавобларини бошқачароқ булишини ўйлаб ўлтирган экан. Йигитча уртага чиқиб, соҳибқиронга, меҳмон олимлару ўлтирган олимларга қараб таъзим қилиб: — Иүқ, меҳмон олимлар жавобларимни нотұғри англашибди, мен уларнинг имоишора билан берган саволларига бошқачароқ жавоб қылған эдим.

— Биринчи меҳмон олим узоқдан юриб, чарчаб-ҳориб келганидан қорни оч экан, бир товоқ ош бўлса нима қилардинг? деб сўради, мен: ярми сизга, қолган ярми менга бўларди, — деб жавоб қилдим. Иккинчи меҳмон олим ҳам узоқ юриб, ҳориб чарчаганидан қорни очиқкан экан, у менга қорнини кўрсатиб, бирор нарса топиб бермасанг, аҳволим чатоқ бўлади, деди, мен битта тухум олдириб келиб ҳозирча шу тухумдан бошқа ҳеч нарса йўқлигини, ҳозирча еб туришини, ўзим ҳам очликдан енгиллашиб худди қушга ўхшаб учеб кетишига тайёрлигимни айтдим. Учинчи меҳмон олим бўлса, менга тахлид қылған бўлиб, агар овкат топиб бермасанг, бир кўзингни ўяман деб бармоғини кўрсатган эди, мен икки бармоғимни кўрсатиш билан: «Мен эса сенинг икки кўзингни ўйиб оламан!» дедим. Менинг аниқ жавобларим шулар эди.

Бу савол-жавобдан соҳибқирон хурсанд бўлиб, уч мусоғир олимни саройида олиб қолиб, халиги йигитчани олимларга бош қилиб, уларнинг ҳар бирига от билан сарполар берди.

* * *

Соҳибқирон навбатдаги сафарга кетаётган экан. Йули катта бир сойликка тушиб қолибди. Уни ҳам босиб ўтибди. Кейин қир-адирлар ястаниб ётган чўлу биёбон-

га тушибди. Ҳеч қаерда бирон-бир жонзод йўқ эмиш, йўлда давом этаётган экан, ўнг томондаги адирдан қопқора ҳайдалган жой куринибди. Ёш чопарлардан бирини ёнига чақириб:

— Бориб, уша қора доғ нима, билиб кел. Балким одамзод бордир, дебди. Ёш чопар от суриб кетибди. Анча-мунча вақт ўтгандан кейин хуржунига икки-учта тарвуз солиб, қайтиб келибди-да:

— Лалим тарвуз экан. Сизга атаб икки-учтасини олиб келдим,— дебди. Амир Темур:

— Эгаси бор эканми, ундан сўраб олдингми, дебди. Чопар:

— Эгаси йўқ экан. Ерда тарвуз минг-минглаб ётибди. Икки-учта олган билан ким билади-ю, камайиб қоладими?— дебди. Амир Темурнинг жаҳли чиқиб кетибди.

— Ҳой чопар, шу гапларимни қулоғингга исирға қилиб тақиб ол, икки-учта олган билан шунча тарвуз камайиб қоладими дединг? Шунча лашкарларимдан икки-учтаси йўқолиб қолса, мен билмасам, пайқамасам қандай лашкарбоши бўламан. Боз устига, менинг ўгитларимни эшишмаганмисан. «Сени ҳамма жойда Оллоҳ кузатиб туради. Ҳар бир хатти-ҳаракатингдан хабардор бўлади. Уни алдама, унга хиёнат қилма». Ҳозир тарвузни олиб бориб, жой-жойига қўй-да, эгасини кут. Мана бу тангани бериб рози қилиб, беш-үнтасини олиб қайт. Акс ҳолда, ғазабимга дучор бўласан,— дебди.

Амир Темур қилмишларини кузатиб турганлар унга ҳамду санолар айтишиб, Оллоҳдан умр ва ғалаба ти-лашибди.

* * *

Амир Темур ёшлигида абжир, чаққон, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган довюрак бўлиб үсибди. Улғайиб вояга етгач, пири ҳамда устозлари, айниқса устози Дархон момонинг маслаҳати, йўл-йўриғига амал қилиб, аввалига кичик-кичик қишлоқ-овулларни аста-секин эгаллаб, кейинча Кешнинг пойтахти Шахрисабз беклигини қўлга киритибди. Шахрисабзни ўз қўлига олгач, қўшинини кўпайтиргандан кўпайтираверибди. Кешнинг «Қалан Шерон», «Ҳўқиз бурун», «Ўнғир» деган жойларида уларни обдан машқ қилдирибди. Тоғнинг у чўққисидан бу чўққисига қил арқон ташлатиб дарёйи азим Қизил дарё устидан арқонга осилтириб, у ёқ-бу ёққа ўтказар,

пастдан тепалик чўққига, чўққидан пастга тушиб-чиқарар экан. «Навкарларим чиниқсин, пишсин, тоғ келса чинқа олсин, сув келса ўта олсин, қоронғуга күнисин, совуқда қотмасин», деб ўйлаб шундай қилар экан. Машқларни обдан жойига келтиргач, донғи Дөғистонга кетган Самарқандга юриш қилибди. Бу пайтда Самарқанднинг амири тоғда ширкорда юрган экан. Амир Темур Самарқанднинг қадимий қалъасини тез ва осонгина эгаллаб олибди. Бунга суюнса ҳам аммо ичиде: «Самарқандни амир ширкорда эканлигига қўлга киритдим. Аслида у билан жанг жадалга киришиб, енгиб олишим керак эди», деб афсусланибди. Лекин одамнинг икки кафтида икки фаришта ўлтириб олиб яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам омин, деб туришар экан. Самарқанд амири ширкордан қайтибди.

Қалъани душман босиб олганини куриб, қаттиқ жангга киришибди ва тез орада Темурни енгибди. Амир Темур шармандаларча енгилиб, ўзининг содиқ навкарлари билан Кешга чекиниб, тоғу тошларга чиқиб кетибди. Аммо Темур қайсар, чўрткесар, ориятли киши бўлган экан. Самарқанд амиридан енгилиб, тоғларда тентираб юриши унга ҳечам тинчлик бермабди. Самарқандни ўз қўлига олиб, ғолиб амирни боплаб адабини бериб қўйиш иштиёқида ёнибди, елибди, югурибди. Кунлардан бир куни уст-бошини ўзгартириб дарвеш қиёфасида ўзининг устози Шамсиддин Кулол ҳузурига кириб борибди. Дилядаги бор гапни унга ёрилибди:

— Самарқандни ўз қўлимга олиб, амирнинг ақлини жойига киритиб қўймасам тиниб-тинчимасман,— дебди сўзининг охирида.

Буни эшитган ва Амир Темурнинг айтганидан қайтмаслигини билган пири Шамсиддин Кулол унга қараб шундай гап қилибди:

— Азиз фарзандим, ҳозирча бексан, шошилма, амир ҳам, жаҳоннинг кўп ерини эгаллаган жаҳонгир-соҳиб-қирон ҳам буласан. Ҳозир эса сунбула тушишини кутайлик. Сунбула келиб, қут-барака, пишиқчилик бошлангач, дарё суви камаяди, боз устига лойқа тиниб, у мусаффолашади. Унгача ҳар бир навкарингни қайта-қайта машқдан уtkаз, уларга пишиқ, пухта меш тайёрлат. Мешни қўй терисидан тиктирсизлар. Сунг қалъаи Шерондаги ғорга боргин-да, ундаги тўқиз қудуқни топ. Қудуқлардан бирига оёғинг етганича тушиб, қулоқ сол. Ундан ер ости дарёсининг шов-шуви эшитилади. Йигит-

ларинг тиктирган мешларпи пуфлаб, ичига ҳаво тулдирсинаштар. Мешлар обдан шишгач, ўзинг бошлиқ булиб ҳаммангиз қудукқа тушинглар. Ер остидан кетган дарё суви сизларни қоронғулик қаърига олиб кетади. Құрқма, чүчима, ҳаммаси яхши бұлади. Ұзоқ сузасизлар. Бора-бора бир жойга етганларингда бир устун чиқади. Бу устун эмас, ой ё куннинг ёруғи. Шунда билки, манзилга яқинлашган бұласан. Шу ой ё куннинг ёруғини күрдиларингми, тоғ қояларига маңқам ёпишиб олинглар. Бұлмаса, дарё суви суриб, оқызыб кетади. Кейин билмайман, Машриққа олиб кетадими ва ё Мағрибгами, худога аён.

Деворларга ёпишгапча юқорига аста-секин күтарилаверинглар. Қарабасизларки, Самарқанднинг бозор майдонини устидан чиқибсизлар. Қейин ақлни ишга соласамни ё шамширни, бу ёғи ўзингга боғлиқ.

Амир Темур устозиниң гапларини диққат билан тиңглаб бұлғач, раҳматлар айтиб қандай пайдо бұлған бұлса шундай фойиб бұлиди. Аммо, устозини қанчалик хурмат қилиб, айтганини бажо келтирмасин, унинг ўз ақидаси бор экан. У доимо «ишон, аммо шубҳа қил» қабилица иш тутар экан. Шунга амал қилиб бу сафар ҳам сумбула келишини кутиби. Сумбула яқинлашган күпларда Самарқанд қалъасига ўз йигитларидан бири ни дарвеш ҳолига келтириб жұнатиби, у жұнаб кетар экан:

— Едингдан чиқарма: Самарқанд қалъасига киргач, жумани кут. Шу куни эрталаб азонда Самарқанд қалъасининг күн чиқиши томонидаги сомон бозори ёнидаги қудук олдидә бұл. Диққатингни бир жойға қўйиб, қудукдан сув олаётгандарнинг идиш-оёқларига тикилиб үлтири. Аммо ҳеч ким сезмасин. Қудук сувидан сомон чиқадими — йўқми бил. Сомон чиқдими, бу ёққа от қўй! Навкар бош устига дебди-да, дарвеш қиёфасида Самарқанд қалъаси томон от қўйиби. Амир Темур бұлса, даштдан сомон тұплатиби. Кейин сомонларни ғордаги қудук олдига келтириб, эртага жума деган куни унга тұкишни буюриби. Навкарлар қирқ қоп сомонни қудук орқали ер ости даресига ағдаришиби.

Самарқанд қалъасига кириб олган дарвеш навкар күн чиқиши томондаги сомон бозоридаги қудук олдидә үлтириб олиб икки күзини унга тикиб тұравериби. Ҳеч кимнинг идишига сомон чиқмаганини күриб олдинига «Амир Темур лакиплатиби», деб үйлабди. Кейин бир

идишга сувга қүшилиб беш-олтита сомон чиқибди. Дарвеш навкар қараб турса кейин сувдан күп сомон чиқаётган эмиш. Тезда отига миниб жұнаб қолибди. Темур қошига етиб келгач, бек ундан — Қани айт, нима күрдинг, деб сұрабди. Шунда дарвеш навкар:

— Бек, айтганингдай қилиб, Самарқанд қалъасининг күн чиқиши томонидаги бозорнинг ўртасидаги қудук олдидә пойлаб турдим. Аввалига сувдан ҳеч нима чиқмади. Тушга яқын эса аввалига битта-иккита, кейин түптүп сомон чиқди. Амир кишилари келиб тоза қудук сувиши булғабсизлар деб сомончиларни лаънатладилар, баъзиларини ўша еринг ўзидаёқ дорга осдилар. Фовга кутарилгандан кутарилаверди, мен эса буни ғанимат билиб жуфтакни ростлаб қолдим, дебди. Амир Темур:

— Пирим тұғри айтган эканлар, шубҳага ўрин қолмади,— дебди-да, навкарларига ўzlари тикириган пишиқ, пухта мешларни пуфлаб ичига ҳаво тұлдиртирибди. Бу иш бажарилгач, ўзи бош бўлиб, гор ичидаги қудуклардан ўртасидагисига тушишибди. Мешларни ушлаган ҳолда ер ости дарёсидан оқиб кетишибди. Ер ости дарёсининг тұлқинлари уларни оқизиб, қоронғулик қаърига олиб кириб кетибди. Оқиб бориб, бир ерга етганиларида қаршиларидан оқ пахтадек нурли устун күринибди. Амир Темур:— Эҳтиёт бўлинглар, бир-бirlарингдан хабардор бўлиб туринглар. Манзилга яқинлашяпмиз,— дебди. Бир пайт ойни нури тушиб турган жойга борганды, бек:— Айтганимдай қудук деворларига қаттиқ ёпишинглар-да, менинг кетимдан бирин-кетин деворлар зинапояларидан тепага кутарилаверинглар. Эҳтиёт бўлинглар, оқим суриб кетмасин,— дебди-да, ўзи қудук деворларига канадек ёпишибди. Кейин юқорига ой нури күрсатған йўлдан кутарилаверибди. Бошқалар унга эргашибди. Аввал Темурбек, кейин бирин-кетин навкарлар Самарқанд қалъасининг күн чиқар томонидаги бозорнинг қоқ ўртасидаги қудукдан ташқарига чиқиб олишибди... Эрталаб жарчилар турли томонга отчоптириб Темурни Самарқанд қалъасининг амири, деб эълон қилибди. Шунда Амир Темур халойиқ олдига чиқиб, күриниш берибди-да, ўз яқинларига қараб:

— Кўрдингларми, юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тұғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан,— дебди...

* * *

Амир Темур сафардалигыда бир қалъага дуч келибди. Кимдан сұрамасин қалъа нима деб аталишини, кимга қарашли әканлыгини билолмабди. Қалъа унчалик катта эмас әкан-у, аммо жуда мустаҳкам әкан. Амир Темур дарвоза олдига бориб, уни очишларини буюрибди. Қалъа қанчалик мустаҳкам бұлса, ичкарисидаги йигитлару қызлар ундан ҳам бақувват, иродали, юрт деғанда құрбон бұлишга доимо тайёр бұлған кишилар әкан.

Дарвозани очишолмабди. Амир Темур яна очиши буюрибди. Үнинг дүқ-пүписаларига ҳеч ким парво қилмабди, үз ишлари билан банд булишаверибди. Охири Темурнинг тоқати тоқ бұлиб ғазаб отига минибди.

— Дарвозани бузиб кириб, шаҳарни кулинин күкка совуинглар,— деб буюрибди. Навкарлар қанчалик ури-нишмасин, барча ҳунарларини, ҳарбий ҳийла-найрангларини ишга солишимасин, қалъа деворини ағдара олмабдилар, дарвозани оча билмабдилар. Темурдай жа-хонгир нима қилишини билолмай ҳайрон бұлиб қолибди. Шу пайт күн ботиб, қоронғулик тушибиди. Амир Темур қалъа деворлари остида тупашга буйруқ берибди. Ке-часи билан Темур қалъани қандай қилиб олиш режасини тузиб чиқибди. Аммо, әртасынға ҳам қалъани ололмабди. Темур қанчалик ғазабланмасин, навкарлар жон олиб, жон беришмасин улкан қоя устидаги бу қалъани бузиша олмабдилар. Амир Темур буни үзи учун уят, ор билиб үз навкарларидан бир қанчасини жазолабди. Бир пайт мұжиза рүй берибди. Қалъа ичидеги хиенат ту-файли осонгина құлға киритилибди. Темур қалъани ололмай уят-ордан навкарларини жазолаб турған бир пайтда қалъа ҳукмдори билан укаси үртасида низо ке-либ чиқибди. Низо ҳар қандай ёмонликни келтириб чиқариши тайин. Аразлашиб қолған ақа-укаларниң бири ҳоким, бири навкар эди. Ука акасидан норози бұ-либ, унға ёмонлик қылмоқни күнглиға туғиб: «Эй кел-гинди соҳибқирон, мен машриқ томондаги дарвозани тунда очиб құяман. Аммо бир шартим бор, шуны бажа-ришинғ лозим»,— деб хат әзіб, уни ёйға боғлаб қалъа-дан ташқарига отибди. Хат Соҳибқиронға теккач унға жон кирибди. Тунда қалъа дарвозаси очилғач, Амир Темур осонлик билан ичкарига кирибди. Сұраб-суриншириб хиенат қылған укани топибди ва «Үз инисига хиен-

нат қылган кимса ўзгаларга вафо қиласмиди» деб, уни үлимга буюрибди.

* * *

Темурбек болалигига ўзини чиниқтириш учун күп нарсаларда машқ қилар экан. Совунланган ходага чиқиш, томдан-томга сакраш, ариқ-зовурлардан ирғиши, девордан ошиш, теракка тез чиқиш ва бошқа «хунарларда» бора-бора кишилар ҳайратга тушиб ёқа ушларли даражага етибди. Айниңса отда күп машқ қилар экан. Эгарга эпчиллик билан чиқиб, отнинг ўнг ёнидан осилиб қорни орқали ўтиб чап томонидан чиқиб яна эгарга миниш. Буни «отда айланма машқ» дер экан. Чопиб кетаётган отга ўнг томондан сакраб минишни «Сакрама» деб атар экан. Қуюндай учиб кетаётган отнинг орқасидан чопиб бориб сакраб миниб олишни «Учирма» дер, от билан ёнма-ён бориб эгар қошига осилиб минишни «Ушлама миниш» деб атаркан. Оқбароқ лақабли оти ҳам бунга жуда ўрганган экан. Чунки Оқбароқни Темур жуда ўшлигига ўзига ўргатиб, ёт деса — ётадиган, тур деса — турадиган, чоп деса — чопадиган, тұхта деса — тұхтайдиган қилиб олган экан. Күплардан бир куни отининг ўнг ёнидан осилиб қорни орқали чап томонга ўтиб эгарга минаётганида айил узилиб қулаб тушибди. Тошлоқ жой бұлғанидан Темурбекнинг ўнг оёғи тошга тушиб сүяклари майдаланиб кетибди. Темурбек турай деса туролмабди, отига минай деса минолмабди. Шу пайт қызық воқеа рүй берибди. Оқбароқ аста ерга ётиб, Темурга қараб ёнбош берибди. Гап нимадалигини англаған Темурбек оёғи қанчалик зирқираб оғриётган бұлишига қарамай оти томон сурилибди. Сурилиб-сурилиб бориб Оқбароқнинг эгари кошидан ушлаб, ўзини эгарга олибди. Оти ўрнидан туриб қибла томонға қараб чопқиллаб кетибди. Бора-бора шундай чопибдикі, қаш у ёқда турсии шамол-бүрөн ҳам етолмабди. Темурбекнинг оёғи шунчалик оғрибдикі, ҳушидан кетибди. Оқбароқ бұлса Темурбек олдинга кетса бүйнини құтариб тиклаб, ёнга кетса иккі кипти билан қулатмай, орқага қараб кетса думғазаси билап туртиб қулатмай узоқ чопибди... Эрталаб деганда Темурбеклар үйини олдига олиб келибди. Темурбек ҳеч нима бұлмагандай отдан тушиб үйнга кирибди. Оти чопгана синган сүяклари ўз ўрни-ўрнига тушган экану ўнг оёғидағы бир жойи ўз жойига тушмаган экан. Оқсоқланиб қо-

лиши шундан экан. От ё эшакдан йиқилиб у ер бу ери синган кишиларни йиқитган от ёки эшакка мидириб чоптириб, синган сүякларни жой-жойига солиш шундан қолған экан...

* * *

Амир Темур умрида мағлубиятни күрмаган экан. Манаман деган душманларини ҳам енгар, йұлида тоғтошми, дарё-ю, күлми, чүл-саҳроми үнга барибир экан. Сафарга отландими, ҳеч нарсадаң қайтмас экан. Душманини қилич билангина әмас, ақл-идрок, фахм-фаросатни ишга солиб енгар экан.

Аммо соҳибқиронни бир ожиз томони бор экан. Еш бола қийналса-қийналар, азобланса-азобланар экан. Ҳатто кулса-кулар, йиғласа-йиғлар экан. Сафарларидан бирида болаларни деб үлиб кетишига оз қолган экан. Гап бундай бұлған экан.

Соң-саноқсиз құшини билан сафарга чиқиб бир жой-га етганда, қандай қилиб душманни осон маҳв этиш йүлини үйлабди. Құшинини учга бұлиб үнг құл, чап құл, үрта құл деб атабди-да, шаҳарға уч томондан ҳужум қилмоқчи бұлибди. Үзи үртада борадиган бұлибди. Иккі қашотни иккі ёққа юборибди. Бир пайт шаҳарға яқинлашғанда күча-күйларда болалар түп-түп бұлиб үйнаб юришган әмиш. Темурбекнинг келаётганини билған душман үзини пистирмага олиб күчаларға болаларни чиқарған экан. Темурбек отлардан тушиб болаларни тарқатиб юборишини буюрибди. Үзи ҳам отидан тушиб иккита-учта чақалоқни күтариб бир уйға кирған экан ёғийлар уни тутиб олишибди. Аввалиға роса қийнашибди, кейин үлемгә ҳукм қилишибди. Уни яна болаларнинг үзи сақлаб қолишибди, отхонаға түйнүкден тушиб, уни құлларнин ечиб, қочиришибди. Аскарига етиб олиб отига миниб шаҳарға қайтадаң кирибди. Амир Темур жаңғ қила-қила құли баланд келибди-да, үзини тутиб, уриб үлемгә ҳукм қилған кишилар олдига келибди.

Уларни туттириб жазоснин бермоқчи бұлибди. Шу пайт уни қочириб юборған болалар келиб оталарига ёпишиб, йиғлаб юборишибди. Соҳибқирон нима қилишини билмабди. Боши қотиб қолибди. Сүнг болаларға қараб: Оталарнинг мени тутиб олиб, урди, ҳақоратлади, осиб үлдирмоқчи бұлишди. Сенлар эса мени үлемдан сақлаб қолдиларнинг. Энди мен уларға жазо беришдан ожизман. Яхинис, жазони сенларнинг үзларнинг беринг-

лар,— деб буюрибди. Қайси бола отасига құл кутаради. Болалар Темурбекни ўраб олиб:

— Бобо, сиз улуг инсонсиз, ўлдирмай оталаримизни бұшатиб юборинг,— деб чуфурлашибди. Амир Темур болаларнинг илтижоларини инобатга олиб, бандиларни бұшатиб юборибди. Ҳукмини бекор қилибди.

* * *

Амир Темурнинг куч-құдрати, енгилмаслиги ҳақида ҳар киши ҳар хил гап-сүз қилас әкан. Биревлар соҳиб-қироннинг куч-қуввати қиличи билан отида дейишса, бошқалари пири билан паҳлавопларида дер әкан. Яна биревлар: жаҳонгирнинг куч-құдрати билаги, ақл-идроқида, шунинг учун у енгилмайди, дейишаркан. Ким нима деса десину, аммо Амир Темурдан баҳодирлиги ва енгилмаслигини сұраб била олmas әкан. Қунлардан бир куни қаттиқ жангда душманни бир баҳайбат полвони яширинча писиб келиб, Амир Темурнинг орқасидан қилич солмоқчи бұлған әкан, шу яқин орада турған душманнинг бошқа бир сардори құлидаги ёй билан уни нишоңга олибди. Амир Темур үзини үлімдан сақлаб қолған сардорни ёнига қақириб:

— Сен мени нақд үлімдан сақлаб қолдинг. Тила тилагингни, нимаики хоҳласанг, оласан,— дебди. Душман сардори:

— Мен ёғийларданман. Соҳибқирон, сизни жанг қилганингизни күрдим. Үлімдан, хавф-хатардан ҳеч чүчимасдан, мардонавор жанг қилдингиз. Бир үзингиз тұда-тұда ёғийларга бас келиб, уларни енгиб чиқдингиз. Кишилар сизнинг куч-құдратингизни турли-туман инс-жинслар, дуолар, мұжизавий, илоҳий кучларга йүймоқдалар. Менга шунинг сабабини айтиб берсангиз бұлғани. Ҳеч нарсангиз керак әмас,— дебди. Амир Темур уни ол, дебди, ёғий йигити олмабди, буни ол,— дебди, у олмабди. Зарбоғ тұн, от, фил, зару гавҳар бераман, дебди, сардор олмай, үз сұзида туриб олибди. Шунда Амир Темур:— Қайсар, жангар йигит экансан, менга ёқиб қолдинг. Енгилмаслигим, куч-құдратимга келсак, одамлар айтган сеҳрли кучлару қилич-отимда әмас, балки яратганимнинг марҳаматидадир. Менга Оллоҳ мададкор, ғамхұр, соябон. Жанг жадалга киришдан олдин Оллоҳдан сұраймаи. Эй Оллоҳим, яратганим, ҳақу ҳақиқат курашига отландим, адолат тиғини құлымга олдиму, ислом йўлида жангта ташландим, үзинг құл-

ла, мадад бер, мақсадга етказ, деб Оллоҳдан астойдил илтижо қиласан. Ҳамма нарсани күрувчи, башорат қи-
лувчи Оллоҳи карим ҳамма вақт ва ҳар бир жойда ма-
дадкор, қўллаб-куватлайди. Учқур отим ҳам, уткир
шамширим ҳам, қолаверса пириму, азиз-авлиёлар, Ол-
лоҳнинг иродаси билан менга ҳамроҳ бўладилар, ғолиб-
лигимга кўмаклашадилар.

Бу гапдан ёғий ҳеч қандай сарпо олмай, Амир Темур хизматига кириб, умрбод унга содик навкар бўлиб хиз-
мат қилибди...

СОҲИБҚИРОН САБОҚЛАРИ

Ўзбек оғзаки ижодида бир жанр бор. Бу — пандномалардир. Пандномалар кўпроқ ёзма адабиётда яратилган бўлиб, маънавий тарбия масалаларига тааллуқли чинакам инсонийлик йўлини ўргатади. Дарҳақиқат, пандномаларнинг аксарияти одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга қаратилган. Панднома-ўгитларнинг бир неча тури мавжуд. Биринчиси машҳур кишилар — тарихчилар, файласуфлар, адабиёт, санъат, маданият ҳамда юрт бошлиқларининг асарларида билдирилган панду насиҳатлари, йўл-йўриқлари ва васиятлари билан боғлиқ ўгитлардир. Иккинчиси, халқ асарлари — фольклорнинг катта-кичик жанрлари бағрида етилиб, кейинчалик мустақиллик касб этиб, эл орасида оғиздан оғизга «кучиб» юрганлардир. Учинчиси, аслида машҳур кишилар тилидан айтилгану кейинчалик халққа ўтиб, муаллифи унучилиб, фольклорлашиб кетган, яъни вариантилашган ўгитлардир.

Кўпинча кишилар тилидан одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга онд бебаҳо панду насиҳатларни эшиштамиз. Жуда фойдали, керакли. Бамисоли одоб фанининг қаймоги. Аммо, ўтмишда яшаб ўтган қайсиидир арбоб, шоир ва ё олимнинг муаллифи туниб қолган ҳикматли сўзларини халққа ўтиб кетганини англамаймиз. Дарҳақиқат, тарихимизнинг турли даврларида турли элу элатларга мансуб буюк зотлар томонидан айтилиб кетилган энг доно пандномалар, ақлу донишмандликдан иборат ўгитларнинг кўпчилиги фольклорлашгандир.

Ҳақиқатан ҳам панду ўгитлар мазмунига сиқиқ ҳолда сингдирилган фавқулодда гўзал фикр-мулоҳазалар, ҳаётий-фалсафий қайдлар, катта ва бой тажриба хуносалари — ҳар қандай кишини ўйлантиради, мулоҳаза қилиб кўришга чорлайди, баҳслашув, тортишувга ундаиди. Чунки, ўгитномалар ҳар бир инсонда тафаккур бобида фикр ўйғотади, мушоҳадалашга даъват этади. Биз буюк зотлар томонидан айтилиб, улар асарлари қатламларида сақланиб қолган, айни чоқда халқ оғзига кўчиб авлоддан авлодга ўтган панднома, ўгитномалар-

ни мустақил фалсафий-адабий жанр деб айтишдан чұ-
чимаслигімиз керак.

Ағсус-надоматлар билан шуны айтиш керакки, шу
кунга қадар ота-боболаримизнинг тафаккур ҳамда иб-
ратлы ва бой тажрибалари лүнда шаклда баён этилган,
хаёттій донишмандларларининг ўзига хос қомусиға ай-
ланған ҳикматли сұzlари, афористик мулоҳазалари
айрим китобларга жамлаб чоп этилишига қарамасдан,
буюк соҳибқирон Амир Темурнинг панд-ўгитлари, бош-
қача ибора билан айттылганда, сабоқлари яқин-яқынга-
ча бир жойға жамланаған әди...

Машхұр тарихчи олим, академик Бўрибой Аҳмедов
бу ишга илк бор қўл уриб, «Амир Темур ўгитлари» маж-
муасини чоп эттирди. Қитоб тез орада эл оғзига тушди.
Фавқулодда тезкорлик билан қўлдан қўлга ўтиб тар-
қалди. Қитобхонлар томонидан ўзининг ижобий баҳоси-
ни олди. Бу — табиий ҳол әди. Чунки, буюк соҳибқи-
роннинг салкам беш асрдан бўён барчани ҳаяжонга
солиб келаётган шахси, инсон, ҳаёт, давлат борасида
билдирган фикр-мулоҳазалари авлодларнинг ахлоқини,
руҳий-маърифий камолоти борасидаги доно ўгитлари,
даъватлари-ю панд насиҳатларини англаш қизиқарли
ва мароқлидир.

Дарҳақиқат, Амир Темур ўгитлари, панд-насиҳатла-
ри, ҳикматли сұzlари бир сұз билан айтганда, панднома-
лари ҳозирги ёшларни миллий руҳда тарбиялашда
муҳим ўрин тутади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,
улуғ бобомиз жуда чуқур, мазмуни, ҳар жумласи жа-
ҳоний аҳамият касб этувчи пандномалари билан май-
донга чиқди ва бутун умри давомида ана шу даъватга
садиқ колди, барча фуқаросини унга амал қилишга ун-
дади. Мана ўша машхұр даъват: «Биз ким мулки Турон,
амири Туркестонмиз. Биз ким — миллатларининг энг
қадими ва энг улуғи туркнинг бош бүғинимиз». Соҳиб-
қирон ўз юрти, ўз миллати, элатини ана шундай таъ-
рифлаган ҳолда ҳамма вакт унга садиқ бўлиш, ана шу
энг қадим ва энг улуғ —«бош бўғин»га муносиб фар-
занд — ўғил-қиз бўлишни таъкидлайди.

Соҳибқирон қанчалик оламшумул шон-шуҳратга
эришган бўлмасин, барибир вақт топиб фарзандлари
тарбиясига алоҳида эътибор қилган. Қаттиққўл, керак
пайтда юмшоқ кўнгил, талабчан султон айни чоқда меҳ-
рибон ота сиғатида ёшларда даставал инсоний хислат-
фазилатларин қарор топтиришга эътиборни кучайтир-

ган. Айтмоқчимизки, соҳибқирон тарбияда ҳаётнинг бирон-бир соҳасини назар-эътибордан четда қолдирмаганлар. Давлатни адолат ила бошқариш, фарзандлар тарбияси, кишилар одоб-ахлоқи, жангу жадал дарслари, қисқаси ақлий, жисмоний етуклик ҳамма-ҳаммаси бағоят теранлик билан инобатга олинган.

Масаланинг кишини ҳайратга соладиган томони яна шундаки, Амир Темур тарбиянинг барча муаммоларини ақли расолик, бағоят донишмандлик билан ҳал қилишга ҳаракат этган. Бунинг учун соҳибқироннинг тарбия бобидаги саъй-ҳаракатлари, амалда қўллаган йўл-йўриқларга назар ташлаш, бу борадаги панд-ўғитларини кўздан кечиришнинг ўзи кифоя. Панд-ўғитларнинг учдан икки қисми фарзандларга қаратилганидан шуни ҳам англаб олиш мумкинки, соҳибқирон нафақат эл-юрт қайфуси, тақдири ва келажаги билан, балки, келгуси авлоднинг ахлоқий, маърифий ва жисмоний тарбияси билан ҳам жуда қизиққан ва шу ишга кўп вақт ажратган. Амир Темурнинг ёшлар тарбияси борасидаги қарашлари, амалий фаолияти шарқ одобномаси, пандномаси ва үгитномасининг энг заррин саҳифалариданdir, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Муҳтарам китобхон! Энди Амир Темур панд-ўғитларининг сараланган бир қисмини ҳукмингизга ҳавола қиласиз. Соҳибқирон бобомиз дунёқараши, ақл-заковати ва донишмандлиги билан йўғрилган, фикр-ўйларидан нурланиб турган бу панд-ўғитлар Сизда қизиқиш уйғотмай қолмайди, албатта.

* * *

Худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки — ер юзига эгалик қиласиган (кадхудо) киши ҳам битта бўлиши керак.

* * *

Агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур.

* * *

Кимки менга келиб қўшилса улуғланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади.

* * *

Жангда енгиш-енгилиш иши тақдир пардаси остида яширин.

* * *

Адолат ва иисоф билан тангрининг яратган бандаларини үзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

* * *

Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний заарларини исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зуслм ўтказмадим.

* * *

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотирадарида менга нисбатан шубҳаю қўрқув бўлса, унут бўларди.

* * *

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлади.

* * *

Уламо билан сухбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳикматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

* * *

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

* * *

Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.

* * *

Ҳозирги дамгача ўтган султонларпинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сұраб суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йүл-йүриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қылмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва хуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг та наzzулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

* * *

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

* * *

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

* * *

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халқ-қа жабр-зулм етказганини эшитсан, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

* * *

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

* * *

Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшинилар ва мен билан бир вактлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим.

* * *

Дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини

маърака-майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар ғаним сипоҳидан бирор одам ўз вали-неъматига сидқидилдан хизмат қилиб уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим, қошимга паноҳ истаб келганда, уни қадрлаб, ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим.

* * *

Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унуби, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундаи одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим.

* * *

Мен ўз салтанатимни дини ислом ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим.

* * *

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни, мусоғир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

* * *

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб шарнат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис фикҳдан дарс берсинлар деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударислар тайин қилдим.

* * *

Кимки Муҳаммад динини қўллаб-қувватласа, Сен ҳам уни қўллагил, кимки, Муҳаммад динини хор қилса, Сен ҳам уни хор тутгил.

* * *

Салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларининг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг шариатга боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамладим. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салта-

натим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

* * *

Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

* * *

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини, ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсан, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

* * *

Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ булишга интилдим.

Менга илтижо қилиб келган бадкирдор одамлар, хоҳ менга яхшилик қилган бўлсинлар, хоҳ ёмонлик, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Менга қилган ёмонликларини қилмагандек кўриб, уларни ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тортдим.

* * *

Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тобиб, менга ёмонлик қилганларни парвардиgorи оламга топширдим. Соғдил кишилар саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

* * *

Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқенини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

* * *

Кимнинг ақли ва шиҷоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сунгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширап эдим.

* * *

Ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофиirlари-нинг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар ушал мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муносабатда эканлигини аниқласинлар.

* * *

Узоқ-яқиндан бирон киши келиб, менинг мажлисими-га кирап экан, қайси тоифадан бўлса ҳам, давлатим дастурхонини неъматидан уни қуруқ қайтармасинлар.

* * *

Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-текин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин.

* * *

Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар.

* * *

Гарчи яхши сўзни ҳаммадан эшлиши зарур бўлса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик ёхуд устун бўлмасликлари шарт.

* * *

Султои ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сақласин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди.

* * *

Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсии, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

* * *

Подшоҳ ҳар ишда қарорида қатъий бўлсии, яъни ҳар қандай ишни қилишга қаед қилар экан, то битирмагунича ундан қўл тортмасин.

* * *

Подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор. Бирон кимса гарчи ҳукмни заарали деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин.

* * *

Подшолик ишларини тамомаи бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё-хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади.

* * *

Подшо салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

* * *

Вазирлар, амирлар бирон кимса хақида яхши-ёмон сўз қилар эканлар (подшо) эшитсин. Лекин уни амалга оширишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунча шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

* * *

Подшо мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар.

* * *

Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундей ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиэздир.

* * *

Агар ўғилларимдан қайси бирори салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарар экан, уни урибсўкиб, ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат қилмасин, лекин уни кўз тагида сақласинларки, токи ўз даъвосидан қайтсин ватангри таолонинг мулкида фасод чиқмасин.

* * *

Давлат ичидаги талай олчоқ, ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жон фидоларини турли макр-ҳийлалар билан хароб қиласидилар. Буларниң мақсадлари салтанат қўрғонига раҳна солишdir.

* * *

Фаразгўй, бузуқи ва ҳасадгўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшиитмасинлар, чунки бу табақадаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, негаки олам аҳлиниң барчаси дунёталабдир. Агар вазирлар бундай одамларнинг кўнглига қарасалар, давлатга ҳиёнат килган бўлурлар, қарамасалар, улар вазирларга душманлик қилурлар.

* * *

Агар доругалар ва ҳакамлар ҳалқа зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин. Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сунг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар уруш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар.

* * *

Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсиилар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қиласа, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қиласа, девондаги шарнат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширсиилар.

* * *

Яхшини — ёмон кунда сина.

* * *

Вазирлар ушбу тұрт сифаттаға эга бұлған кишилардан бўлишлари лозим; биринчиси — асилик, тоза насллиник; иккинчиси — ақл-фаросатлилик, учинчиси — сипоҳу ранят ахволидан хабардорлик; уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик; тұртинчиси — сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик, кимки, шу тұрт сифаттаға эга бўлса, ундағы одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар. Уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар. Бундай вазирга тұрт имтиёз: ишонч, эттибор, ихтиёр ва иқтидор берилсін. Камолотга әришган вазир улким, давлат муаммоларини тартибга келтириб, мүлкій ва молиявий ишларни тұғрилик билан, асли-насли тозалигини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради.

* * *

Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулоқ солса, жабр-зулм қилса, үзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига түшса, уни вазирликтан тушириш лозим. Наслию зоти ёмон, ҳасадчи, кина-кеқ сақловчи, қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозимини берилмасин. Бузуқи, қора кўнгилли, зоти паст вазирлик қилса, давлату салтанат тез орада қулади.

* * *

Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларида вазирнинг асилиги ва тоза насллиги кўриниб туради. Душманлик ва жабр-зулм қилмайди. Хоҳ сипоҳдан, хоҳ раниятдан бўлсан, ҳар кимнинг номини яхши сўзлар билан тилга олади. Бирордан ёмонлик ахтармайди, айтсалар эшиitmайди. Агар бирордан ёмонлик кўрган бўлса, унга нисбатан шундай муомала қиласиди, у шахс охири ёмонлигидан қайтади. Үзига ёмонлик қилган одамга нисбатан шундай яхшилик қиласиди, у олдига бош эгиб келади.

* * *

Асли тоза, насли пок, улуғ зотлардан бўлган, яхши равишли кишилардан топиб, вазир қилинглар. Чунки асли тоза киши хатоликка йул қўймайди, бадасл эса вафо қилмайди.

* * *

Доно вазир шулдирки, ўз ўрнига қараб, гоҳ қаттиқ-қўллик, гоҳида эса мулоимлик билан иш юртади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулоимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулоимлик қилса, дунёталаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиқлик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тадбирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда, амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради.

* * *

Давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, сарангжом тутади.

* * *

Ақлли, билимдон ва ҳушёр вазир шундай бўлурки, бир тўғри тадбир қўллаб, фаним қўшинини пароканда қилиб юбора олади. Бундай вазир валинеъматининг соқчиси бўлиб, подшосининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлик билан ва узоқни кўра билиши билан осонлаштиради. Агар салтанат ишларида жумбоқ учраса, ақлу фаросатини ишлатиб, уни ечиб юборади.

* * *

Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, подшоҳнинг жабр-зулмини (тұхтатиш) чора-тадбирини кўради. Лекин вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда парокандаликка учрайди.

* * *

Қилич чопишда ўзини курсатган баҳодирларни биринчи мартаба бўлса — ўнбоши, иккинчи мартаба ботирлик қилса — юзбоши, учинчи мартабасида эса мингбоши қилиб тайинласинлар.

* * *

Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётла-

рини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзингина, ҳам инъомга ва моддий таъминотда бўлишга ҳақли ва лойиқдир. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар инсофисзлик қилган бўулурлар.

* * *

Ёши улуг, кекса сипоҳийларни ҳурматлаб, азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб, билганилари дидир. Уларни салтанат корхонасининг устунлари деб билсинлар. Улардан кейин ўғилларини ўринларига ўтказсинлар.

* * *

Ғаним томонидан бизнинг қўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар. Унга ихтиёр берилсин. Агар навкарликни қабул қиласа, навкар қилсинлар: ўйқ эса уни озод этсинлар.

* * *

Ғаним сипоҳийларидан қайси бири ўз давлатининг тузини оқлаб, бизга қарши қилич чопса, сўнгра ихтиёрий равишда ёки мажбур бўлиб паноҳимизга келса, бундай аскарга ишониб, уни азиз тутсинлар. Чунки у ўз соҳибига вафодорлик қилиб, еган туз-намаги ҳақини сақлаган.

* * *

Қайси навкар бегига ихлос қўймай, кўнглида гина-кудурат сақласа, ихлоссизлик ва адовати туфайли баҳтсизликка дучор бўлади. Лекин ўз бегига ихлос қўйган навкарнинг бойлигу давлати ва ноз-неъматлари кундан-кунга ортиб боради.

* * *

Қайси навкарнинг ҳиммати емак-ичмак, яхши кийин-маккагина боғланар экан, албатта, иш вақтида сусткашлик қиласди. Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ бурчини унутиб, иш вақтида (мехнатдан) юз ўгирап экан, ундаи навкардан юз ўғирмоқ керак.

* * *

Ҳақиқий подшоларга лозимдирки, қайси навкарни ўзлари улуғлаб кўтарган бўлсалар, тезда уни хорлаб

тубан қилмасинлар. Ўзлари кўтарган кишиларни ташламасинлар. Кимники билган ва таниган бўлсалар, уни унумасинлар. Агар, аҳён-аҳёнда унинг иззат-нафсига тегиб хўрлаган бўлсалар, эвазига илгариғидан икки барабор ортиқ иззатини оширсинлар.

* * *

Қайси бир навкар ўз ихтиёри биланми ёки ихтиёрсизми бегидан ажраб кетган бўлса-ю, кейинроқ яна қайтиб келса, уни ҳурматласинлар, чунки у ажралиб кетганидан пушаймон бўлгани учун ҳам қайтиб келган.

* * *

Фаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади.

* * *

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совфа-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, ҳижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дустларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

* * *

Содиқ ва вафодор дўстим улким, ўз дўстидан ранжимайди, дустининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

* * *

Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ.

* * *

Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват кўрсат.

* * *

Душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрсаю яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшириб.

* * *

Чин дўст улдирки, дустидан ҳеч қачон ранжимайди,
агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

* * *

Юмшоқлик қилишга туғри келса, мулоимлик қилдим;
қаттиқўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чора-
лар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шо-
шиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю
тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич
ишлатмадим.

* * *

Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одам-
га ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди.

* * *

Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўл-
сам, уша ернинг обру-эътиборлик кишиларини азиз тут-
дим, сайдилари, уламолари, фузало ва машойихига
таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюр-
ғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; уша
вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва бо-
лаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим.

* * *

Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам
йулини тұсдим.

* * *

Сипоҳийлардан бирон киши раиятнинг хонадонига
зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-уловлари-
ни тортиб олмасин.

* * *

Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа
юклаб, иш берсиналар, токи шу йўл билан гадолик расми
йўқотилсин.

* * *

Авалиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақба-
раларига вақфдан маблағ ажратсинглар. У ерларни ги-
лам, таом ва чироқ билан таъминласинглар.

* * *

Кимки бирон саҳрони обод қиласа, ёки кориз қурса ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қиласа, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ, қонун-қоидага му-вофиқ хирож йифилсин.

* * *

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тара-фидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин.

* * *

Хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бу-зилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўприклар қурсинлар, йул устида ҳар манзилгоҳга работлар қурсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир неча одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молла-рини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўшаларниг зиммасида бўлсин.

* * *

Қатта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда мас-жид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар. Фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун ши-фохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дорул иморат ва до-рул адолат қурсинлар. Раияту зироатни қўриқловчи курчилар (ҳам) тайинласинлар.

* * *

Үлганларнинг молларини ўз ворисларига етказсин-лар. Агар вориси йўқ бўлса, уни хайрли ишларга сарф қилсинлар ёки Маккайи муаззамага юборсинлар.

* * *

Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қути-либ бўлмайди.

* * *

Куч —adolatdadir.

* * *

Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

* * *

Бирини кўриб фикр қил, бирини кўриб шукур.

* * *

Филнинг думи булгунча, чумолининг боши бўл.

* * *

Ишон — аммо шубҳа қил.

* * *

Агар мамлакат ҳокимсиз қолса унга халал етади, ҳол-аҳволида фаҳш юз кўрсатади, халқи баҳтсизлик қаҳри ва душманинг хиёнаткорлиги туфайли тамом қирилиб кетади.

* * *

Бошисиз мамлакат жонсиз танга ўхшайди. Бежон танинг аҳволи вайроналикка яқинидир.

* * *

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

* * *

Лочинининг учарга мадори келмаса, чумчукқа масхара.

* * *

Бахту саодат ва молу мулк эшикларининг менга очилиши, фатҳ қилишган дунё келинчакларининг менга кулиб боқиши фақатгина Сеистон ўқлари сабабидаи бўлди. Ўша вақтдан, яъни душман ўқлари мени мажруҳ этганларидан бери то шу кунларга қадар мен фақат равнақ топишда давом этаман.

* * *

Шер йигитни номус ўлдирап.

* * *

Бир кун келадики, золим ўз бармоқларини тишлайди.

Курашиб эришилмаган ғалаба ғалаба эмас.

* * *

Давлат — лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қурдатлидир.

* * *

Езишган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

* * *

Қурдатимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.

* * *

Улкан мерос доимо улкан мұхолифлик туғдиради.

* * *

Ажал — қўрқоқларга баҳона.

* * *

Адоват эмас — адолат енгади.

* * *

Аввал йўлдош — кейин йул.

* * *

Бел ушлашгандай отаңни аяма.

* * *

Беткай кетар, бел қолар,
Беклар кетар, эл қолар.

* * *

Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр — мингни.

* * *

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

* * *

Бўридан қўрқан ўрмонга кирмайди.

* * *

Вақт ўтгандан кейин қиличингни тошга чоп.

* * *

Ваҳима — душманнинг йўлдоши.

* * *

Душманнинг кулгани — сирингни билгани.

* * *

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

* * *

Дўстлик — синовда чиниқади.

* * *

Емсиз от довон ошолмайди.

* * *

Мерган овда билинар, ботир — ёвда.

* * *

Номуссиз хиёнатдан, номусли ўлим яхши.

* * *

Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

* * *

От минган отасини унутади.

* * *

Ота бўлмаган, ота қадрини билмас.

* * *

Оқ бўлсанг — онт ичма.

* * *

Оғзингга қон тўлса ҳам,
Душман олдидаги тупурма.

* * *

Қилич ўткир бўлса-да, ўз сопини кесмагай.

* * *

Сайёдда макр бўлмаса, домига ов илинмас.

* * *

Сўзлагувчи гар нодон эрур, тинглагувчи доно ўлсин.

* * *

Тил — қиличдан ўткир.

* * *

Той минган — от ҳам минади.

* * *

Туя минган одам қўй орасига бекинмас.

* * *

Қулига қилич олган баҳона қидирмайди.

* * *

Қўрқмасанг — ёв қочар.

* * *

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик но-
мардлик саналади.

* * *

Қонни қон билан эмас, сув билан ювишни ўрган.

* * *

Эл тупурса кўл бўлур.

* * *

Энг баланд минора ҳам ердан кутарилгай.

МУНДАРИЖА

Достонлар — одбнома дарси	3
Соҳибқироннинг туғилиши	20
Афсоналарда соҳибқирон сиймоси	130
Соҳибқирон сабоқлари	148

СОҲИБҚИРОН САБОҚЛАРИ

Тузувчи-муаллиф **Малик Муродов**

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Таҳририят мудири *С. Очил*
Муҳаррир *Б. Рўзимуҳаммад*
Бадиий муҳаррир *З. Абдурасолов*
Техник муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусаҳҳиҳ *А. Иброҳимов*

ИБ 6899

Теришга берилди 11. 07. 96. Босишга рухсат этилди 21. 08. 96. Бичими $84 \times 108\frac{1}{32}$. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 8.82. Шартли кр.-отт. 9.03. Нашр. л. 7.95. Тиражи 10000. Буюртма № 43.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 12—183—95.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кӯчаси, 44. 1996.